

МУССА БАТЧАЕВ



# ЭЛИЯ

Қисса ва ҳикоялар

*Русчадан Маҳмуд Яҳёев таржимаси*

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти  
Тошкент — 1980

**Батчаев Мусса.**

Элия. Қисса ва ҳикоялар (Русчадан М. Яҳёев тарж.)  
Т., «Еш гвардия», 1980. 96 б.

Батчаев Мусса. Элия.

С(Қав)

Қорачойлик шоир ва адиб Мусса Батчаевнинг шеър, ҳикоя ва қиссалари автоном областдагина эмас, балки бутун иттифоқимизда ҳам шуҳрат қозонган. У Қорачой-Черкесия автоном области ва Ставрополь ўлка комсомол мукофотларининг лауреати. Адиб ўз асарларида Кубань соҳилидаги овулларда яшовчи ўсмирлар ҳаётини ҳаққоний тасвирлайди. «Қаҳрамонларимнинг жуда кўплари ёш болалар,— дейди М. Батчаев.— Улар ҳали ҳаётда ҳеч нима қилишга улгурмаган бўлсалар-да, яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам зийраклик билан қарайдилар. Улар қийинчиликларга дуч келганларида турмуш ҳақида жиддий ўйлаб қоладилар. Албатта, ҳаётда заиф, лаёқатсиз кишилар ҳам бор... Лекин мен оғир тақдир синовига бардош бера оладиганлар ҳақида ёзаман».

Ҳақиқатан ҳам, тўпلامдаги қисса ва ҳикояларни ўқир экансиз, тоғликларнинг жасурликлари, меҳнатсеварликлари, гўзал диёрлари-га, табиатга, жониворларга меҳр-муҳаббатлари, ўзларига хос урф-одатлари моҳирона тасвирланганига шохид бўласиз.

Тўпلامга кирган «Элия» қиссаси «Юность» журналида босилган.

© Издательство «Современник», 1976 г.

© Издательство «Еш гвардия», 1980 г., (перевод).

# Э Л И Я

## Қ и с с а

Уйимизда қўшиқ айтишяпти...

Ховлимиз ўртасидаги оппоқ қорда — қирмизи доира.  
Кўчаларда уюм-уюм қор, нохуш январь шамоли из-  
ғийди.

Қуёш тоғ орқасига ўтди, ҳадемай кўздан ғойиб бў-  
лади.

Мен эски отхонамизда уйимизга орқа ўгириб ўти-  
рибман. Шамол деразани тириқлатади, момик қор зар-  
раларини ойнага олиб келиб уради.

Отхонанинг ичи дим, шамол буёққа ўтмайди.

Шафақнинг хира шуъласи юзимга тушади — кўзла-  
рим қисилиб, қовоқларим пирпирайди...

Рўпарамдаги деворга қоқилган, занглаб кетган  
михларга иккита эгар, икки жуфт айил, кумуш нақш-  
ли юганлар осиглиқ...

«Шу эгарларда, жиловларда, қайиши бақувват ку-  
муш юганларда ҳамон анқиб турган отнинг ҳиди бо-  
ра-бора йўқолади-да,— ўйлайман ўзимча.— Отнинг ру-  
ҳини шамол олиб кетади, тер, тезак ҳиди ҳам кўтари-  
либ кетади, отхона ҳувиллаб қолади...»

Рўпарамдаги деворда саккизта тақа осиглиқ туриб-  
ди. Пўлатдан қилинган яп-янги тақалар ялтиллайди.  
Улар ўзимизнинг темирчилик устахонамиздамас — ал-  
лақайси заводда тайёрланган. Дадам уларни Ростов-  
дан олиб келган, жуда зўр ҳарбий тақалар, уруш йил-

лари бундай тақалар жангга кирадиган отларгагина қоқиларди, деганди.

Ҳозир дунёдаги энг ортиқча, энг кераксиз нарса — мана шу яп-янги саккизта пўлат тақа, деб ўйлайман.

Яна меҳмонларга қўшилиб қўшиқ айтаётган дадамни ўйлаб кетаман...

\* \* \*

Мен дадамни севардим, у билан фахрланардим, катта бўлганимда ҳамма жиҳатдан унга ўхшасам, деган фикр хаёлимдан кетмасди.

Дадам бақувват, кучли одам эди. У одамларни иззат-ҳурмат қиларди. Сўздаям, ишдаям мард эркак эди. Эзмаликни ёқтирмасди. Ўйлаган нарсасини ифода қилиш учун доимо қисқа, лўнда сўзлар топа оларди. Ади-бади айтишаётганларни тинчитиш учун унинг биргина оғиз сўзи кифоя эди, фавқулодда аниқ, содда, самимий сўзлар жанжалкашларни хижолатга солиб, ортиқ баҳсага ўрин қолдирмасди.

Дадам вазмин одам эди. Майда гапни, бемаъни ишларни эркак шаънига иснод деб ҳисобларди. Яшашнинг, ҳаётнинг маъносини биларди. Барчага баробар, очиқ одам эди. Болаларгаям, катталаргаям бирдай муомала қилар, тўю шодиёна кунлардаям, бошига ташвиш-фалокат тушган дамлардаям ўзини бирдай, босиқ тутарди.

Дадам меҳнатсевар эди. Кечқурун бўлди дегунча ишларини тугатиб, дам олгани ётарди-да, азонда янги иш кунини бошлашга шай бўлиб турарди.

У қатъий фикрли, мустақил одам эди.

Назаримда, у қояга — тоғ парчасига ўхшар, метиндек мустаҳкам, абадий азамат қоматини ҳеч нима — на ёмғир, на қуёш жазирамаси — ҳеч қандай куч емира олмас, бука олмас, ўзгартира олмас эди, фақат фавқулодда бир куч топилиб қолсагина, уни парчалаши мумкиндек туюларди менга.

Дадам баджаҳл эмасди. Мардлиги билан бирга раҳмдил, меҳрибон одам эди. Дарахтларгаям, қушу жониворларгаям, тоғу қуёшгаям бирдек меҳр-шафқатли эди. Атрофдаги ҳамма нарсага эътибор билан қарарди. Фикримча, у инсоннинг жамиятдаги ўрни, ҳуқуқи ва бурчини жуда яхши биларди... Дадамнинг далиллиги, саботи, куч-қудрати жамики шаҳаншоҳлар, ҳукмдорлар ва хонларнинг масъулиятини мужаасамлаган доно кишининг тадбиркорлиги-ю, қудрат-заковатига ўхшарди. Дадам кечалари осмонга боқиб ётганда, назаримда, худди хонадонимиз ташвишини чеккани каби юлдузларнинг ҳам ғамини еяётгандек, уйқуга кетиши олдидан юлдузларга қараб: «Эртага ҳам худди шундай, бугунгидай нур сочаверинглар», дея истак билдираётгандек бўларди... Дадам ўзини ҳеч кимдан баланд олмагани ҳолда, ҳаммага ҳукмини ўтказишни биларди. Мен доимо дадамга тан берардим, унинг амр-фармони мен учун ҳамиша қиш совуғию ёз иссиғидек, кўкдан тушадиган ёмғиру осмони фалакдаги юлдузлар нури янглиғ табиий эди...

Дадам ер бағрида етишган бақувват, азамат, кўм-кўк дарахт сингари табиий бўлганидек, мен, яъни унинг ўғли ҳам шу дарахтнинг бир шохидек табиий эдим. Олам жуда оддий яралган. Мен шамолдан қўрқмас — шаталоқ отиб ўйнайверардим, ёмғирни ҳам писанд қилмай юраверардим, қуёш мўралаб, япроқлардаги томчиларни дув-дув тўккан кезларда эса, маза қилиб исинардим...

Мен дадам билан фахрланар, уни севардим, у билан бирга бўлиш нақадар яхши эди...

\* \* \*

Мана, эски отхонага кириб олиб, шамолнинг ҳуштагига қулоқ солиб, шафақнинг қизғиш шуъласидан кўзим қамашиб, яп-янги тақалар шодасига тикилганча, дадамни ўйлаб ўтирибман.

Энди дадам ҳар бир кунни одатдагидек кутиб олиши, хушвақт ўтказиши, кузатиши учун аввалги осойишталикни, куч-қувватни қаёқдан олади, деб ўйлаяпман...

Мен энди дадамнинг дунёга, юлдуз тўла осмонга, қушларга ҳукмронлик қилишга ҳаққи бормиди ўзи, деб шубҳаланяпман.

Менга ҳам ҳукмронлик қилишга ҳаққи бормиди, асти?

\* \* \*

Дадам ҳақида бирор марта ҳам ёмон гап эшитмаганман. Болаларга оталари, боболари ҳақида ёмон гап айтишмайди. Бирор гап бўлгандаям индамай қўя қолишади. Мақташ лозим бўлса, яхши сўзлар ҳамиша топилади. Яхши одам ҳақида лом-мим демаслик — гуноҳи азим. Отаки мақтовга лойиқ экан, ўгли ҳам яхши ўсяпти, деяверинг. Битта бизнинг овулда эмас, балки бошқа овулларда ҳам шундай деб ўйлашса керак.

Ҳар бир овулда ҳам бошқалардан олдинроқ туғилган, шунинг учун ҳамма нарсани биладиган чоллар бор.

— Қимнинг ўғлисан, чироғим?— деб сўрайди ҳар бир чол бирор болани учратганда.— Муҳаммаднинг ўғлиман, дейсанми? Қайси Муҳаммаднинг? Э, ҳа, тўхта, тўхта... Э, эсим курсин, анави тегирмончининг ўғлисанку... Ҳа, баракалла, отангни жуда яхши биламан. Унинг тегирмони унни жуда яхши тортади, бутун водийда бунақаси йўқ... Оллоҳий, яхши... Хўп, бора қол, умринг узун бўлсин...

Чоллар болаларга оталарининг бирор фазилатини кўрсатиб ўтишни ўз бурчлари деб билишади.

— Хўш, шундай қилиб, марҳум Аҳмаднинг меросхўри сен бўласанми?! Худо раҳмат қилсин. Жасур, вўр одам эди... Унинг ўрмонда айиққа дуч келганини ҳамма билади. Пичоқдан бошқа қуроли бўлмаганди ўшанда... Аммо йиртқични енгганди! Уша йиртқичнинг

жасадини ўз кўзим билан кўрганман, ваҳминг келарди катталигига!.. Худо сенинг умрингни отангникидан ҳам узун қилсин, отангдек жасур, мард бўлишингга кафилман, бўтам...

Борди-ю, отанг ҳақида бирор илиқ гап топа олиш-маса, бобою бобокалонларингни эслашади:

— Ҳа, ҳа! Ота-боболарингни билардим. Улар жуда тагдор, машҳур кишилар эди. Зотларингдан жуда кўп ажойиб кишилар чиққан, йигит... Умрингдан барака топларинг, завол кўрмаларинг. Худо хоҳласа, сен ҳам улардан кам бўлмайсан...

Бундай пайтларда менинг дадам ҳақида даставвал унинг ажойиб чавандозлигини, отнинг тилини яхши билишини айтишарди.

— Сенинг отангни болалигидан биламиз,— дейишганди бир неча бор чолларимиз.— Успиринлик пайти-нияма биламиз. Отнинг белига чирмашиб оларди. Отдан ҳеч ажратиб бўлмасди. Буни ҳамма билади. От устида қилган қилиқларини кўриб, дилинг яйрарди, елдек учиб кетаётган от сағрисида типпа-тик турар, қорнидан айланиб ўтиб, яна шайтондек устига чиқиб оларди...

Дадам ҳақидаги бундай мақтовларга, менимча, овулимиздаги манман деган одамлар ҳам ҳавас қиларди. Чунки яхши чавандоз ёмон одам бўлиши мумкин эмас. Ожиз, юраксиз кишилар отни эгарлаш уёқда турсин, жиловини ҳам тутолмайдилар. Одамлар қадим-қадим замонлардан бери отга ўзгача бир меҳр-муҳаббат билан қараб келадилар. Шерни енгиш, бўйсундириш, уни ювош қилиб тарбиялаш, қашқирнинг ваҳший табиятини тийиб қўйиш — яъни уни итоатгўй, мўмин қилиб, қўлга ўргатиб олиш, инсоннинг улуғворлиги, тирик ва жонсиз мавжудот устидан ҳукмронлигимиз тўғрисидаги фикрни уларга сингдириш мумкин, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган қуш — бургутни «гаҳ» деса қўлга қўнадиган қилиб олса бўлади... Лекин, хой-

наҳой, отни ўргатгандан кейингина инсон ҳам ўзининг қудрати нақадар буюк эканлигига тамомила ишонч ҳосил қилган бўлса керак.

От инсон эҳтироси-ю, куч-қувватига кўзгудир. Отнинг эгасига муносабати шу одамга берилган энг тўғри баҳодир. От ҳеч қачон қўрқоқни ҳам, ҳасадгўйни ҳам, хасисни ҳам севмайди, унга садоқат билан хизмат қилмайди....

Отам ёшлигиданоқ отдан айрилмаган. Болалигидан йилқи боққан, асов отларни эгарлаб юришга ўргатган, урушгача узоқ йиллар армияга чақириладиган йигитларни чавандозликка ўргатган, жанг йиллари суворийлар сафида бўлган... Мен оиламиз альбомида дадамнинг отсиз тушган бирорта ҳам сурати йўқлигини кўриб ҳайрон қолдим. Дадам гоҳ ялангоёқ бола, гоҳ баланд бўйли ўспирин, гоҳ ҳафсала билан дазмолланган гимнастёрка кийиб, қурол-аслаҳа таққан мардона йигит қиёфасида ҳамиша от билан бирга бўларди, ё от устида ўтирган, ё ёнида бўйинини, баданини силаб турган, ё бўлмаса ёлини тараётган, тақа қоқаётган, кафтида ем бераётган бўларди... Мен улғайганим сари отамга ихлосу ҳурматим ортаверди, у кўзимга авлиёдек кўринаверди. Лекин, тушунишимча, унинг отга ишқибозлиги-ю, муҳаббати ҳамма нарсадан устун турарди. Мен кўп йиллар унинг отга бўлган муҳаббати абадий деб ўйлаб юрардим.

\* \* \*

Бугун мен шу ташландиқ отхонада ўтириб, отам ана шу муҳаббатига хиёнат қилди, деб ўйлаяпман. Неча йиллар содиқ бўлиб келган нарсасига хиёнат қилди-я.

Отхонада ўтирибман-у, ботаётган қуёш шуъласига тикилиб, дадамни кўраман.



\* \* \*

Дадам ҳовлимиз ўртасида оёқларини кериб олиб, савлат билан турибди...

Унинг маъносиз юзини кўриб турибман...

Кўлидаги пичоқни кўряпман...

Оёқлари остига тўшалган сомон устида чалқанча ётган отни кўряпман.

Навқирон тулпорни, дадамнинг охирги отини, сўнги армонини кўряпман...

\* \* \*

Дадам унга Элия деб от қўйганди. Элия дегани қорачойликлар тилида «чақмоқ», «учқур», «шиддаткор», «тутқич бермас» деган маънони билдиради. Лекин бу ҳали мен сизга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган воқеанинг боши эмас. Бу воқеанинг боши қаердалигини ўзим ҳам билмайман. Эҳтимол, воқеанинг боши дарёнинг у бетидан бу бетига кўчиб ўтган кунимизда содир бўлдимикин? Ёки Элия дунёга келган, ўша қуёш чарақлаб турган қиш кунидан бошландимикин? Ё онамнинг акаси Чубур уйимизга келганидамикин? Ё дадам мен она деб атайдиган хотинга уйланган кунимикин? Воқеанинг охири бугунлигини аниқ биламан, аммо боши қаердалигини асло билиб ололмаёпман. Бир бошидан айтиб берадиган бўлсам, бу воқеанинг тарихи қуйидагича.

Ҳасан аканинг ўғли, қаттиққўл Ҳусан ака овулимиз советининг раиси. Ҳусан ака — коммунист. Раис бир йиғилишда хоҳловчилар дарёнинг чап соҳилига кўчиб ўтсин, деган масалани кўтарди: у ерлар серҳосил, қалин, ям-яшил ўрмон. Уруш йиллари бомбардимон пайтида бутун овулимиз, айниқса, чап соҳилдаги қисми вайрон бўлганди. Уйларнинг қарийб ҳаммаси кўнпаякун бўлган, ўшанда омон қолганларини бўлса қор, ёмғир, шамол емириб, теп-текис қилганди. Ҳозир у жойлар бийдай дала, бир вақтлар яшнаб турган ҳовлилар

Ўрни энди тиканзор бўлиб ётибди, боғлари чакалакзорга айланган. Бу серҳосил ерларга инсон қўлигина қайтадан жон киритиши мумкин. Қолхоз тураржой қуриб олиш учун одамларга қарзга пул берди, техника билан таъминлади — ер очиш, ҳайдаш учун тракторлар ажратди. Бундан ташқари қурилиш пайтида фойдаланиш учун якка хўжаликларга от-улов, ҳўкиз, хачир боқишга рухсат этилди. Дадам ўша куни биринчи бўлиб раиснинг таклифини ёқлаб овоз берганди, бир ҳафтадан кейин эса, Қалмиқ даштининг аллақаеридан сотиб олган қари бўлсаям чиройли, оппоқ бияни ҳовлимизга етаклаб келди. Отам бияга юк ортмас, зарур бўлиб қолса, қўшнилardan ҳўкиз, эшак сўраб оларди. Бия эркин яшар, ўзи хоҳлаган ерда ўтлар, омборимизга ғамлаб қўйган жўхоримизни секин-аста камайтириб бораётганди. Бу эса онамнинг жаҳлини чиқарарди. Ориқ, кўримсиз бия кузга бориб таниб бўлмайдиган даражада семириб, ялтиллаб кетди, юриш-туришлари, қилиқлари зотли отларни эслатадиган бир ажойиб оқ саман бўлди денг. Дадам шу бияни олиб келганидаёқ оқ отнинг юриш-туришию йўрғалашларини гапирганига гапирган эди. Куз келганида дадам бияни катта машинага солиб, биздан анча узоқдаги Кичик Қорачой районига олиб борди. У ерда мамлакатга донғи кетган от заводи бўлиб, унинг машҳур зотдор айғирлари кўп эди.

\* \* \*

Дадам от заводининг қоровулини гапга кўндиргунича бир ойлик пенсия пулини ичкиликка сарфлади: қоровулни ийдириш учун ҳар борганида маҳаллий ароқвино дўконига кириб ўтарди.

Афтидан, дадам на кетган вақтига, на пенсия пулига ачинмаганди, чунки туманли тунлардан бирида қоровул ниҳоят қонунни бузиб, яширинча керакли айғирни отхонадан чиқариб юборди. Дадамнинг чамасига

кўра, иш ўринланган бўлиши керак эди, лекин бир неча ой ўтди ҳамки, бия бўғоз бўлмагани аниқланди... Дадам яна машина ёллаб, тагин дўконда пенсия пулини совуриб юрди, орадан уч ой ўтгандан кейин эса, яна хуноби ошди. «Бўтасиз туяга ўхшамай ўл, ҳаром ўлгур!»— деди у биянинг юзига тикилиб. Бия шўрлик айбини бўйнига олгандек мунғайиб турарди. Бир неча ой ўтиб, дадам қоровул ҳузурига учинчи марта борганидан сўнг биямиз секин-аста тўлиша бошлади. Дадамнинг қувончи ичига сиғмай кетди. Унинг амри билан ҳаммамиз ардоқлаганимиз сари биямиз, ғамхўрлик қилаверларинг, дегандек, кун сайин тўлишиб, оғирлашаверди; шу кезларда дадамдан бахтиёр киши йўқ эди. Қиш эндигина бошланганди, дадамнинг хомчўтига кўра январнинг ўрталарига бориб, чиройли, оёқлари узун, томирларида қон гупуриб турган қулун дунёга келиши керак эди. Бироқ январнинг бошидаёқ от-уловдан фойдаланиш муддати тугарди. Овулдошларимиз ҳўкизу хачирларидан айрилишганига хафа бўлишмади-ю, аммо отларидан жудо бўлгилари келмади, фақат раиснинг зўрлаши билангина топширишди. Тоғликлар азалдан отга ишқибоз бўлишган, ана шу удум таъсир қилди шекилли, кўплар қонунга чап бериш учун муғамбирлик қилмоқчи бўлишди, баъзилар эса отларини топширишдан рўй-рост бош тортишди. Шунда раис депутатларнинг махсус қарорини чиқартириб, ҳар бир соғин сигир билан сўқимга боқилаётган мол учун пичан нормасини жорий қилди. Кейинги рўйхатга кўра, ҳар бир хўжаликдаги туёқ ҳисобда бўлгани ҳамда раиснинг қаттиққўллиги сабабли ҳеч ким колхознинг бир боғ ҳам ортиқча пичанини олишга ботинмасди; бир тутам пичан ҳам тарозида тортилиб бериларди. Янги йилга келиб, овулимизда биттаям ҳўкиз ёки хачир, бизнинг биядан бўлак бирорта ҳам от қолмади. Эшакларни ҳам йўқ қила бошлашди. Ҳеч бир замонда эшакдан фойдаланиш тақиқланмаган, лекин уларнинг

очофатликлари бошларига етди. Ҳар ким эшагини йўқотиш пайига тушиб қолди. Эшак сабилни сотиб бўлмаса, дўстингга совға қилолмасанг, гўштга топшира олмасанг, ахир у юк ташишдан бошқага ярамайди-да. Бундай қирқиб топширай десанг, юнги ҳам ўсмайди, гўштини еб бўлмаса — ҳаром-да. Терисидан ҳам бирор нарса қилиб бўлмайди, ишловга келмайди. Қутулишнинг йўли битта, жарнинг ёқасига олиб борасан-да, шартта отасан. Овулдошларимиз мусулмон бўлгани учун гуноҳга қолмайлик деб, бир куни кечаси ҳамма эшакларни тўплаб, дарё оқими бўйлаб ҳайдаб боришди-да, қўшни овулнинг қоқ ўртасидаги майдонда қолдириб келишди. Қўшни овулдагилар ҳам анойи эмасди. Нақ янги йил кечаси десангиз, байрам совғаси келиб қолди — биз ташлаб келган эшаклар икки баробар кўпайиб қишлоғимизга қайтиб келса бўладими?!

Бошлаган ишни охирига етказмай қўймаймиз, қўшнилardan қолишмаймиз, дейишди ҳамқишлоқларимиз ва, қани кўрайлик-чи, ким олдин чарчаркин, уларми ёки бизми, деб эшаклар подасини яна орқага қайтариб юборишди. Бироқ раис бу қайсарлик мусобақасига чек қўйди: райондан бир неча машина чақиртирди-да, эшакларни уларга ортиб, шаҳарга жўнатди, билагон кишиларнинг гапига қараганда, улардан ер учун фойдали ўғит тайёрлашаркан, ё аллақандай шифобахш кукун тайёрлаб, мол-ҳолларнинг емига қўшиб беришаркан...

Раис дадамни ҳурмат қиларди. Беозор, юмшоқ сўзлар топиб, ётиғи билан бияни топшириш муддати келиб қолганига шама қилиб ўтарди. Январь яқинлашгани сари унинг сўзлари қатъийроқ бўла борди. Дадам аввалига индамай юрди-да, кейин унга ўз ҳовлимда, ўз ем-хашагим билан отни боқиш учун райондан рухсат олмоқчиман, чунки авваллари мен от-уловдан фойдаланмаганман, ҳозир ҳам бияни қўшга қўшмоқчимасман, бунинг устига, энг зотдор отлардан бўлгани учун,

фикримча, ажойиб, ноёб бир тулпор туғиб беради, деди. Борди-ю, рухсат ололмасам, қонун ҳурмати учун отимни овулдан олиб чиқиб кетаман, деб ваъда берди.

Эски йил ўтиб, янги йил келди, дадам бир неча марта районга бориб, рухсат ололмай қайтди, шунинг учун ҳам ваъдасини бажаришга мажбур бўлди. Янги йилнинг дастлабки кунларидан бирида дадам ой-куни яқинлашиб қолган биянинг устига юмшоқ, иссиқ ёпиқ ёпиб, қорнини илиқ атала билан тўйгазди-да, учовлашиб тоққа йўл олдик. Дадамнинг режаси оддийгина эди: олисдаги фермаларнинг ҳар бирида бир ҳафтадан туриб, қишни ўтказмоқчи, баҳорда эса бияни туғилажак қулун билан янада узоқроқда, ёзги яйловларда боқишни мўлжаллаб қўйганди. Афсуски, ҳар бир фермада бир ҳафтадан туришнинг иложи бўлмади, ферма мудирлари ем-хашак танқислигидан нолиб, пичан ҳам, силос ҳам етишмаётганидан зорланишар, бунинг устига фермаларга қайсар табиатли зоотехник тез-тез келиб турарди. Дадам уларнинг аҳволига тушунгани учун, малол келмасин деб, бир суткадан ортиқ турмай, бошқа фермага ўтиб кетарди. Фақат Тоғолчасойдаги фермада бир ҳафта туриб қолдик. Бу ферманинг мудир камгап, аммо ширинсўз киши бўлиб, узоқ қариндошимиз экан. Оти Назир, Дебош ўғли: у на ем-хашак танқислигидан, на зоотехникнинг қўрслигидан шикоят қилмасди. Дадам ёзда овулимизга ғамлаб қўйган бир ғарамча пичан билан бир қоп буғдой унини олиб келди, афтидан, шу ерда қишламоқчийди шекилли. Лекин тақдир тасодифан қаҳрига олиб, унинг режасини бузиб юборди...

Ўт-ўланлар босган пастқам жарда олғир бир қашқир биямизнинг изига тушган экан. Отам икковимиз бирдан от олдида турган қашқирни кўриб қолдик. Боёқиш биямиз қор босган тоғолча ниҳоллари орасидан ёли билан думини селкиллатганича бамисоли оппоқ-булутдек майин елиб келарди, каттакон кулранг қашқир

сакраб-сакраб югурар, отга етиб олай-етиб олай дерди...

Дадам билан мен нақ уларнинг тепасидан, жарнинг баланд қоятошли қирғоғидан югуриб борардик. Қашқир на қичқириқларимизга, на қўлимиздаги ўткир паншахалар билан пўписа қилганимизга ҳам парво қилмай, бияни қувиб борарди. Кеча олиб келган пичанни гарамлаш учун, ҳайтовур, паншаха, оливолгандик.

Жарнинг тепасида эканимизни кўрган, унга осонликча етолмаслигимизни фаҳмлаган қашқир биздан хавфсирамай, ўлжасига етиб олиб, уни тилка-пора қилиш учун жон-жаҳди билан югурарди...

Фалокат кўз ўнгимизда содир бўлди. Қашқир бияга етиб олиб, гўё ҳеч қандай ёмонликни кўзламаётгандек бир неча дақиқа у билан ёнма-ён чопиб борди-да, кейин бирдан ғужанак бўлиб тўртта оёғи билан тумшуғини бир нуқтага айлантирди-да, яшиндек отилиб отнинг бўйинини ғарчча тишлади... Бия шўрлик мункиб кетиб йиқилди, бир лаҳза менда, зора йиртқич отнинг бўйнига осилиб олганича унинг тагида қолган бўлса, деган умид пайдо бўлди.

Аммо бундай бўлмади. Йиртқич эпчиллик қилиб ўзини ўнглаб олиб, қор устига сакраганди. У ёнида чалқанча ётган отнинг оппоқ бўйнига ёпишиб, бу сафар томоғига яқин жойини маҳкам тишлади, қашқир шу кўйи типирчилаётган ўлжасини қўйиб юбормай, биз етиб борганимизча қимир этмай тураверди...

...Дадам билан мен чурқ этмай, паншахаларимиз тини ўқталиб, қашқир томон боравердик, у эса ғазаб билан ириллар, биздан кўзини узмай тисланарди. У ҳар дақиқада сакраб, човут солишга тайёр эди. Қашқирнинг кўзларида кўрқувдан асар ҳам йўқ. Мен бу ваҳшиёна кўзларни ўша дамдан бери асло унутмайман... Дадам билан мен миқ этмай ёнма-ён боряпмиз, ниҳоят қашқир чидай олмади... Тешиб юборай деб боқиб турган кўзларини биздан узмаганча, қашқир нарироқ-

қа юрди, кейин орқага қараган бошини истар-истамас тўғрилаб олди-да, думи билан қорни савалаганча, тирақайлаб жарнинг тепасига қараб чошиб, биздан узоқлашиб кетди...

Биз қайтиб келганимизда, қонга бўялган қор ҳамон эримоқда эди, отнинг бадани эса совиб бўлганди. Бўйнидаги икки жароҳати ялтираб кўринар, томирлари бамисоли ўткир пичоқ билан қирқилгандай эди.

— Эҳ-ҳ, хайрлаша олмадигам-а!— деди дадам кафтини отнинг муздек жағига қўяркан.

Шунча қонни, ўлимни биринчи бор кўришим. Қон худди қорни куйдириб юборгандек — қор ичра қип-қизил доира ловиллаётгандек эди, доиранинг четларидан қор тагига сизиб, пастга оқаётган қип-қизил, илиқ қон жар бағрини бўяётганди...

Улик отнинг кўзлари қашқирнинг кўзларидан ҳам кўрқинчли бўларкан. Дум-думалоқ, шиша янглиғ бу кўзларда қуёш нури акс этмас, шунинг учун ҳам кўрқинчли эди... Мен ўшандан бери дунёда қуёшни акс этгирмайдиган нурсиз кўзлардан даҳшатлироқ нарса йўқ, деб ўйлайман...

Лекин мен ўшанда бўғизланган отнинг қорнига кўзим тушиши биланоқ қонни ҳам, ўлимни ҳам, нурсиз кўзларни ҳам унутдим... Қорни нафас оляпти. Улик гавданинг бир бўлаги ҳамон тирик... Ана шу қимирлаётган қоринни силаётган дадамнинг кафти унинг ҳароратини сезаётган бўлса керак. Қорин нафас олгани сари биянинг ўлиги янада мудҳишроқ кўринарди.

— Тирик, у тирик, — такрорларди нуқул дадам тили бошқа гапга келмай, кафти билан титраётган қоринни силаркан.— У тирик, биз томон интиляпти, шўрлик...

Дадамнинг тулпор тойчоғимиз ҳақида гапирётганини англадим...

Фермадагиларни бўлиб ўтган воқеага ишонтиргунимча ўлиб бўлдим... Уларга ҳаммасини бирма-бир гапириб бердим. Бўрини таърифладим, унинг каттакон,

бақувват отни қандай қилиб қорға ағдарганини, қориннинг нафас олишини, дадамнинг пичоқ билан бия қорнини ёриб, қулунни қутқариб қолганини, уни елкасига ортмоқлаб уйга олиб келганини — ҳамма-ҳаммасини оқизмай-томизмай гапириб бердим...

Мен гапимга ишонишмасмикин дея қўрқиб, батафсил, шошиб-пишиб сўзлардим, шундаям тингловчиларнинг баъзилари бари бир ишонишни истамасди. Лекин ҳамманинг кўзи бор, мен сўзлаётган мўъжизани ўз кўзлари билан кўриб туришибди-ку...

Йиғилганларнинг зич давраси ичида ҳали дадил оёқ боса олмаса ҳам, кўзлари қоп-қора, тўрт оёқли мавжудот титраб турарди.

Тойчоқ оёқлари узун-узун, ниҳолдек нозик, онаси-дек оппоқ эди.

— Сал ўсса янаям оқариб кетади!— деб қўйганди ўшанда чурқ этмай ўтирган дадам ҳорғин, маънос товушда. Кейин эса шунчаки бир ҳикоят айтиб берганди: «Устида бола кўтариб олган ҳомиладор аёл билан кетаётган бир бўғоз бия дармони қуриб зўрға келаётган болақайга далда бериш учун шундай дебди: «Ахир сен эркаксан-ку, қорнимда, устимда шунча юк билан мен индамай кетяпман-у, сен бўлсанг бир ўзинг оёгингни зўрға босаяпсан-а... Чопқиллаб-чопқиллаб юравер, тойчоғим...»

Дадам бу ҳикоятни ҳеч нимага боғламай бошлаганидек, ундан ҳисса ҳам чиқармади. Лекин у гапини тамомлаши биланоқ, назаримда, ҳамма ҳикоятнинг маъносини нимага йўйишни билмай, ҳайрон бўлиб қолди. Аслида ҳикоят қизиқарли бўлиб, дадам умуман от ҳақида сўзлаётганди. Дадам яна гапга тушганидан кейингина, унинг узоқ вақт миқ этмай, нима ҳақда ўйлаганиям, ҳикоятни нимага айтганиям маълум бўлди-қолди. У ҳамон ўша тоғолча ниҳоллари остида бўғизланган қадрдон биямиз билан видолашаётган эди.

— Жуда бақувват бия эди-да, ўзиям. Бўғоз бўлма-



ганида-ку, бўрининг панжасидан қутулиб кетган бўларди-я... Бу тойчоқ ҳам зўр бўлади,— деди дадам ишонч билан қулунга боқиб.— Бўйнининг гижинг бўлиб туриши, оёқларининг ингичка ва нозиклиги ҳам айтиб турибди — икки йилдаёқ зўр пойгачи, элиядек учқур тулпор бўлади! Элия, тезроқ улғай, жонивор!..

Шундай қилиб, қишнинг ана шундай қуёшли кунда Элия ҳам, унинг номи ҳам туғилди.

\* \* \*

Февраль ниҳоятда совуқ келгани учун Элияни бир ой уйимизда боқдик. Дадам қанча уринмасин, бари бир Элия жонланиб кета қолмади, у нимжон, касалманд эди. Фақат она сутигина унга мадор бўлади,— дея тушунтирарди дадам,— қани энди шўрлик етимча серсут бияни бир ойгина эмса...»

Бу атрофдан бия топишга дадамнинг кўзи етмасди. Аввалига дадам қулунни резинка сўрғичли шишага солинган сут билан боқиб юрди, кейин қўшнилариимизни ҳайратда қолдириб, сигиримизнинг елинига ўргатди. Уткинчилар қулуннинг тиз чўкканча думини ўйнатиб, мириқиб сигирни эмаётганига, говмиш жониворнинг эса ийиб, бамайлихотир кавш қайтариб туришига қараб, қотиб-қотиб кулишарди...

Ҳар куни икки марта — ишга кетаётганида ва ишдан қайтаётганда — ҳовлимиз олдидан ўтадиган раис ҳам бу манзарани кўриб ҳайрон қолди.

— Оббо шоввозлар-ей! — деди у тўхтаб, пастак тош девор оша ҳовлимизга қараркан. Юзидаги ифодадан бу гапни у фақат дадамга қарата эмас, ҳаммамизга: дадамга, менга, қулунимизга, сигиримизга қарата айтганини билиш қийин эмасди...

Дадам бу гапга жавоб қилмади-ю, одатга кўра, раисни уйга таклиф қилди.

Раис дадамнинг илтифотига эътибор бермади. У девор ордидан ярим белигача кўриниб, ҳамон жилмайиб

турар эди... Сўнг маъносини бирор нимага йўйиб бўлмайдиган сўз айтди:

— Номақбул!

Нима дейишни билмай тараддудланган дадам, ҳар қалай, ҳозир индамай туришни эп кўрмади шекилли:

— Росаям хўра,— деди қулуннинг думини ликилла-тиб, мириқиб эмишига ишора қилиб.

— Унда янаям номақбул!— деди раис.

Дадам раиснинг гапидаги маънони яна илғаб ололмай, нима учундир, бу йил қиш қаттиқ келганидан шикоят қила кетди...

— Ана шунинг учун ҳам айтяпман-да,— яна бир бор такрорлади раис. Шундан кейин у хижолат тортаётгани сезилиб турган бир алпозда, ҳозир шундай гапни айтишга мажбур бўлганидан афсусланганнамо, бизни ранжитиб қўймаслик учун фикрини оҳиста ва аниқ ифодалай бошлади.

— Баҳор келишига анча бор, ўт-ўланлар ҳали-вери кўкармайди,— деди раис.— Сен бамисоли фарзандингдек ардоқлаб, парваришлаётган қулунга эса жуда кўп сут керак, у улғайиб от бўлгунича яна қанча оворагарчилик. Хўп, от бўлдиям дейлик, кейин нима бўлишини ким билсин, чунки уйларинг шундоққина катта кўчанинг бўйида, бунинг устига пастак девордан ҳовлиларинг кафтдек кўришиб турибди, ёмон кўздан пана қилиб бўлармиди...

Раис дадамга тикилганча бошлаган гапини тезроқ тугатиш мақсадида тўхтаб-тўхтаб қолар, ўзинг хулосалаб қўя қол, дея дадамга илтижо қилаётгандек бўларди, лекин дадам раиснинг гапини бўлишга ботинмасди.

Ниҳоят у гапдан тўхтади-да, дадамнинг бир нима дейишини кутди. Дадам жим эди. Шундан кейин у яна гапида давом этди:

— Қўй-эчкиларнинг йўриғи бўлак, уларнинг яраси енгил. Белгиланган нормадан ортиқ битта-иккита қўй-эчки боқиш мумкин, сабаби — бир бурда гўшт, бир си-

қим жун ортиқ бўлса зарар қилмайди. Бунда қонун бузилса ҳам зараридан фойдаси кўпроқ бўлади. Бу аниқ... Узларингга маълумки, бир вақтлар от зарур нарса бўлган, эр кишининг қаноти ҳисобланган, авваллари ҳеч ким: «Қанотингни кес!»— дея олмасди. Замон ўзгарди, шаҳарга тушаман десанг, ҳар соатда автобус қатнаб турибди, ўрмондан ўтин, тоғдан пичан олиб келиш лозим бўлса, колхоз машина беради ё бўлмаса тез юрадиган прицепли трактор ажратади. Мотор пичан ҳам, ем ҳам сўрамайди; ҳар куни ёдини, думини тараш, суғоргани олиб бориш ҳам керак эмас.

Бу сафар раис дадамнинг оғзидан бирор калима сўз эшитишга жазм қилиб, яна гапдан тўхтади. Дадам бунини тушунди-да, шошмасдан, мотор ҳам парваришни талаб қилади, сут ўрнига бензин ичади, деди.

— Энг қиммат бензиннинг бир литри бир литр сутдан арзон туради. Бу — бир. Иккинчидан, энг заиф моторда ҳам ўнлаб от кучи бор,— деди раис, кейин бу гапига эътироз бўлмаслигини билган ҳолда суҳбатни яқунлаб қўя қолди:

— Шунинг учун ҳам номақбул иш қиляпсан, деяпман-да...— Раис мулоҳазаларини майинлик, аммо қатъийлик билан тушунтирди:— Шунинг учун номақбулки,— деди у,— шахсий хўжалиқда от кучидан фойдаланишга рухсат йўқ. Майли, қулунинг эмаверсин, унга от боқиш ҳақидаги қарорнинг дахли йўқ, аммо... от бўлгандан кейин... Қулунинг қанчадан кейин от бўлиши, айғирга айланиши ҳаммадан ҳам кўра ўзингга яхши маълум, ана ўшанда қарор кучга киради, қонунни эса ҳурмат қилиш керак бўлади, албатта. Чунки тартиб бузилмаслиги керак-да. Уйлайманки, сен шахсий мулкингни сақлашнинг қулай йўлини топасан, сях ҳам, кабоб ҳам куймайдиган қилиб, ҳурматли киши, намунали кекса коммунист сифатида аллақандай отни деб шаънингга доғ туширмайсан, қонунни бузибди-да, деган таънага қолмасликнинг иложини қиласан...

Дадам икки йилсиз қулуннинг қунонға айланмаслигини яхши биларди, икки йил ичида эса кўп нарсалар, чунончи, отлардан фойдаланиш ҳақидаги қонун ҳам ўзгариши мумкин-ку, шу икки йил ичида ҳеч нима ўзгармаган тақдирда ҳам бирор чора ўйлаб топиш мумкин бўлар ахир. Дадамнинг фикр-мулоҳазаси шундай эканлигини унинг юзидаги ифодадан фаҳмладим, чунки у раиснинг сўзларини тинглаётганида чеҳрасида заррача ҳам ташвиш аломати сезилмади. Раиснинг орқасидан қараб қолар экан, унинг кўз қарашларида, сенинг аҳволингга тушунаман, деган маъно бор эди.

— Ишбилармон, ижрони ҳам ўрнига қўйиб қўядиган одам-да!— деди дадам узоқлашиб бораётган раиснинг азамат, адл қоматига тикилиб,— ҳамиша адолат билан иш тутади, ҳамиша ҳақ бўлиб чиқади...

Мен бўлсам, тойчоғимизни ялаб-юлқаётган сигиримизни кузатиб турардим.

Сигир шўрлик қулунни ўтган ҳафта аллақандай номаълум касалга чалиниб, ўлиб қолган боласи деб ўйлапти шекилли.

Ер юзидаги жамики бечора, заиф, оч-наҳорларнинг ҳам хомийлари, юпантирувчилари, ҳимоячилари бор-а, деб ўйлайман.

Мириқиб эма-эма тўйган тойчоқ тумшугини онаси деб билган сигирнинг баданига эркаланиб ишқалаётганига қараб маҳлиё бўлиб қолибман...

Кўнглимга яна аллақандай фикрлар қуйилиб келади: қаранг, ҳатто энг бегуноҳ, энг маъсум, ёруғ дунёга эндигина келган жониворнинг ҳам душманлари, ранжитувчилари, ичиқора рақиблари бор-а: бўрилар, нохуш қонунлар, ишбилармон одамлар, моторлар...

\* \* \*

Бирдан юмшоқ илиқ баҳор бошланиб кетди... Мартнинг охирларига бориб, Элияга жир битиб, жонланиб қолди. Бирам ўйноқи бўлиб қолдики, одам ҳайрон қо-

лади... Энди уни кечалари уйимизга олиб кириб ётмай- миз, сигиримиз билан оғилхонада қолади; бундан уй- ни ораста тутишни яхши кўрадиган онам ниҳоятда хур- санд. Сигир жонивор тойчоққа жудаям ўрганиб қолди. Ҳовлида орқасидан қолмай юргани-юрган. Агар тойчоқ пастак девордан сакраб ўтиб, шаталоқ отиб югуриб қолса, сигир бари бир унга етиб ололмаслигини билиб, дарвозахонада турганича бесаранжомлик билан мўраб, унинг қайтиб келишини кутади.

Овул подаси яйловга чиқадиган бўлгач, молбоқар дадамдан қўшимча ҳақ тўлашни талаб қилди: говми- шимиз эрталаблари подадан ажраб, орқага қайтади- ган, кечқурун эса ҳаммадан олдин уйга чопадиган одат чиқарибди. Бир неча бор куппа-кундузи ҳовлига кириб келиб, тойчоқни худди юз кундан бери кўрмай, соғиниб қолгандек ялаб-юлқашга тушган. Подачининг айтишича, у сигирнинг ўжарлигини босаман деб ўлиб бўлганмиш, аслини олганда, у бутун подани эмас, фа- қат бизнинг сигиримизни боққанмиш, сигир кетидан қува-қува ниҳоят ўзи ҳам, бақувват оти ҳам ҳолдан тойган эмиш. Кунлардан бир кун дадам қўшимча ҳақ- ни яна ошираман деса ҳам подачи сигиримизни боқиш- дан бош тортди...

Шундан кейин, бир куни эрталаб дадам говмиши- мизни Элия билан бирга подага қўшиб юборди, кеч- қурун иккови хотиржам, тўйиб қайтишди. Подачининг гапича, шу куни сигир уни сираям безовта қилмабди, сигир билан той ёнма-ён ўтлаб юраверибди.

Шу йўсин Элия биринчи ёзини пода ичида ўтказди.

Дадам кейинги йил ёз кунларининг бирини тантана- ли айём деб эълон қилди. Шу куни Элия роппа-роса бир ярим ёшга тўлганди. Дадам, Элия ўсиб, улғайди, энди унинг кучини, чопқирлигини синаб кўриш пайти келди, деб ҳисоблаганди...

Овулимизнинг шундоққина четидан бошланадиган жарликда торгина ям-яшил майдон бўлиб, икки томо-

ни кўм-кўк қиялик эди. Бу ер ҳамманинг сеvimли жойи эди: қадим замонлардан бери одамлар шу ерга йиғилишиб, байрам ва сайилларни ўтказишар, ёш-яланглар куч синашишар, тош ирғитишда мусобақалашишар, пойга ва улоқлар бўлиб турарди.

Бу жой дадамга жудаям азиз бўлса керак, чунки унинг болалиги, ўсмирлиги ва бутун ёшлиги шу ерда ўтганди. Дадамнинг улогу пойгалардаги ютуқ ва мағлубиятлариям, не-не асов арғумоқларда елдек учганлариям, неча йиллар овул йигитларини чавандозлик санъатига ўргатганлариям шу майдонда кечган эди...

Мана энди йиллар ўтиб, соч-соқоли оқарган дадам ўзининг ёшлиги ўтган майдонда турибди, қувончдан кўзлари порлайди... Унинг ёнида биринчи марта юганланган асов тулпор ғаши келиб юган сувлиғини ғажимоқчи бўлар, гижинглаб бир жойда туролмасди. Ҳозир уни кўрган одам ўтган йилги ориқ-тирриқ, зўрға юрадиган, сигирнинг елинига тумшугини тиқиб аранг эмадиган қулун шу эканлигига асло ишонмасди. Кенг ўмровли, дуркун, оёқлари узун-узун қунонсифат той савлат тўкиб турарди. Бошдан-оёқ оппоқ, онасидан ҳам оқроқ, фақат ёллари, киприклари кулранг эди, лаблари атрофидаги мўйлари ҳам шу рангда эди...

Шу чоққача у асов эди. Ҳар қандай ювош от ҳам устига эгар урилиб, чавандоз минмагунча бари бир асовлигича қолаверади. Ҳамманинг эсидан чиқаёзган асов отга эгар уриш маросимини томоша қиламиз деб келган чоллар қияликдаги чим устида қатор ўтиришибди, улардан пастроқда эса бизлар — овул болалари жойлашдик. Дадам кўз қирини бир неча бор беихтиёр биз томонга ташлаб қўйди. Назаримда, у бизни кўриб, ўтиб кетган ўсмирлик йилларини қўмсаяпти.

Мен Элиянинг ёнига келиб, ясси тош олдида турарканман (бу тошдан от устига лип этиб чиқиб олиш осон эди), шу тош дадамга ҳам болалигида кўп иш берган, деган фикр хаёлимдан ўтди. Ўтди-ю, ғурурим

жўшиб, чинакам ота ўғил эканимни ҳис қилдим, ҳам-ма нарсада дадамга ўхшагим келаверди. Дадамга ўх-шашнинг ўзи бўлмайдн, албатта.

Элия мени устидан итқитиб юборди... Қунон ҳуркиб кетиб олдинги икки оёғини тикка кўтариб олганда, мен унинг сағрисига сирғалиб тушдим, у бир неча бор ол-динга ташланиб, бирдан тўхтаб қолганида эса, ўзимни тамоман эплай олмай қолдим, Элиянинг елкаси оша сирғалиб ерга йиқилиб тушдим. Ерда ётибман-у, қуло-ғимга тойнинг кишнагани-ю, ям-яшил чим устида ўтир-ганларнинг беғараз кулгиси эшитилади...

Мендан кейин бирин-кетин дўстларим ясси тош ус-тига чиқишиб, Элияни минишар, у бўлса ҳозиргина ме-нинг аҳволимга кулган бу болаларни ҳам бирма-бир йиқитарди.

Қунон ҳар сафар улардан қутулиш учун кескин ҳа-ракатлар қиларди. Елиб келаётган той бирдан икки оёғини кўтарар, чопиб кетаётиб шартта тўхтаб, устида-ги одамни шошириб қўяр, кейин бирдан ё ўннга, ё чап-га қийшанглаб қоларди. Хуллас, унинг устидан ерга учиб тушмаган биронтаям бола қолмади. Энди омади-ни синаб кўришга журъат қиладиган марднинг ўзи топилмади. Дадам кўпикка ботиб кетган Элиянинг жи-ловини тутганча биз томонга қараб турар, чурқ этмай, бирор мард чиқиб қолар, дегандек кутарди. Назарим-да, агар ҳозир журъат қилмасам кейин дадамнинг кўз-ларига сираям қарай олмайдигандек эдим. Дўстларим ҳам дадамнинг кўзларига боқа олишмаётганини пайқа-дим. Улар ҳам менинг аҳволимда эдилар. Болалар йиқилганда шилинган-тилинган жойларини яширишга ҳаракат қилишарди.

Дадам буни кўриб турарди. Фикримча, дадам биз-ларнинг журъат қилолмаётганимизни сезиб турса ҳам, ҳамон, қани, яна минадиган мард борми, дегандек чурқ этмай кутиб турарди. Унинг нигоҳи ҳар бир бо-ла чеҳрасини синчковлик билан кузата-кузата, ниҳоят,

менга келиб тўхтади. Энди ўртага чиқмасам, назаримда, умрбод дадамнинг кўзларига тик қарай олмайдигандек эдим... Оҳиста ўрнимдан турдим-да, ясси тош устига чиқиб, Элиянинг устига ирғиб миндим.

Мен қаршидан келаётган шамолнинг юзимга урилаётганини, Элиянинг ҳансираб нафас олаётганини сезиб-билиб турардим; тақимимни қаттиқ қисиб олдим; югани мумкин қадар калтароқ ушлаб, қаттиқроқ тортганим учун от бошини орқага ташлаб, оёғи тагига қарай олмай чолиб кетди; мен югани маҳкам ушлаганимча унинг ёлига ёпишиб олдим: шундай бўлса-да, мана ҳозир от устидан учиб тушаман, деган қўрқув ҳам йўқ эмасди менда. Бари бир йиқилдим... Бу сафар жиловини қўйиб юбормадим. Бу гал чимзорда ўтирганларнинг кулгисини эшитмадим. Улар асовни бўйсундиришнинг ўзи бўлмаслигини билганликлари учун индамай ўтиришарди.

Мен яна Элияни ясси тош ёнига олиб келдим... Дадам ҳозир менинг ўрнимга бошқа бир болани синаб кўрмоқчийди-ю, лекин чоллардан бири:

— Қўйиб бер, йиқилган курашга тўймас, деганларидек, отдан қулаган белининг хуружини қондирсин! Яна бир синаб кўрсин ўзини. Учинчи бор омад ёр бўлса ажабмас!— деб бақирди.

Ҳозир мени мағлубиятга учради деб, учинчи бор минишдан маҳрум этишса борми, йиғлаб юборишим турган гап. Дадам ҳам буни билгандек асовнинг жиловини менга тутқазди-да, ўзини четга олди.

Бу сафар Элияга лип этиб миндим. Энди қўрқмайман, энди йиқилиб бўпман, дедим ўзимга-ўзим. Балки ана шу ишонч менга далда бўлгандир, мен бу гал қунон устига маҳкам ўтириб олдим. У қия пасттекисликдан елдек учиб чопаверди-чопаверди, шу йўсин мени чарчатиб, кейин қулатмоқчи бўлдиёв, хумпар. Уни тўхтатишнинг иложини қилолмадим, югани нечоғлиқ қаттиқ тортганим сари у бошини орқага ташлаб, бат-



тар чопарди. У олдинга қарамай чопар, ўнқир-чўнқир йўлга келганида отнинг суриб кетиш хавфи ҳам йўқ эмасди. Ёки овул чеккасидаги ҳовлилардан бирининг деворига ўмрови билан урилиши мумкин эди. Мен жиловини бир оз бўшатиб, сўнг жон-жаҳдим билан ўнг томонга тортдим. Элиянинг бўйни ўнг томонга бурилган эса-да, қайсарлик билан овул ичкарасига сурмоқчи бўларди, лекин бари бир йўналишини ўзгартиришга мажбур бўлди. Мана, энди у қияликка ўрлаб чопа бошлади. Лекин тезда ҳансираб, чарчаб, чопиши секинлашди. Бизни кутиб турган одамлар олдига келиб тўхтаганимда, иккала олдинги оёғини даст кўтариб, турган жойида чир айланди-да, қўққисдан кишнаб юборди... Бу кишнашида зорланиш, мендан, дадамдан, умуман одамлардан нолиш оҳанги бор эди...

Дадам қуноннинг баданидаги оппоқ кўпикни сидириб ташлади-да, унга бир бўлак қандни тутиб, эркалаб деди:

— Кишнама, тентаквой. Сенга ёмонликни раво кўрармидик.

\* \* \*

Эртасига азонда дадам Элиянинг тақасини янгилади, эски сандиқдаги кумушдек ярқираб турган янгигина эгар-жабдуқни олди...

Шу куни мен илк марта эгарланган Элияга миниб, овулнинг у чеккасидан бу чеккасига бориб, ҳаммани тўйга айтиб чиқдим: бир қариндошимиз уйланаётганди... Мен отни дарвоза олдида тўхтатар, қамчинининг кўркама дастаси билан эшикни тақиллатардим, дарвоза ҳам, эшик ҳам бўлмаса бақирардим:

— Ҳой! Уйда ким бор? Ферма мудирини Назир акам, Дебош амакимнинг ўғиллари уйланыптилар. Иложи бўлса барвақтроқ, намозшомдан кейинроқ бораркансизлар...

Менинг от миниб келганим ҳеч кимнинг назаридан четда қолмади. Анчадан бери от миниб, яна оқ отда тўйга хабарлашмаганди, деган гаплар тарқалди овулимизда. Бу яхшилик аломати — Дебошнинг келини бахтли бўлар экан. Худо бахтини берсин, янги келин Дебош хонадонига бахт-иқбол олиб келсин, дейишарди одамлар.

Мен отнинг бошини қаёққа бурмай, тўда-тўда овул болалари кетимдан қолмасди. Уларни кейинчалик отга миндириб, қишлоқни томоша қилдиришга ваъда бердим, лекин ҳозир, дўнон менга ҳали тўла итоат қилмаётгани учун мен уларга фақат бир нарсани ваъда қилдим: Элияни улар етиб юрадиган даражада йўрттирадиган бўлдим...

Раиснинг дадаси Хусей бобонинг уйини тақиллатганимда раиснинг ўзи чиқди, тўйга таклиф қилаётганимда сўзларимни тингларкан, менга, отга синчковлик билан разм солди, кумушдек ярқираб турган эгар-жабдуқни, ҳатто қўлимдаги қамчинни ҳам эътибор билан кузатди-да:

— Тентаклар-ей! — деди.

Бу гапни мен илгари ҳам унинг оғзидан эшитгандим. Ишончим комилки, раис бу гапни авваллари дадамни кўзда тутиб айтган, лекин бу сафарги «тентаклар»ни шундай оҳангда айтдики, бу таъна орқамдаги чурвақаларгаям, бугун тўйлари бўлаётган ёшларгаям ёки яна аллакимларгаям тегишли бўлиши мумкин-у, аммо дадамгамас.

Элия эгарга ўрганди. Энди у минишни истаганларни — буни орзу қилиб юрган болакайларни ҳам, овулимиздан узоқдаги қариндошиникига меҳмонга отланган чолни ҳам бемалол миндириб олиб юраверарди. Қариялар автобусда юра олишмас, бензиннинг ҳиди кўнгилларини беҳузур қиларди. Айниқса, кечқурун яйловдан пода қайтганда сигирлардан битта-яримтаси келмай қолса, Элия асқотадиган бўлиб қолди. Қўй-қў.

зи ёки буқа тоғ орасида адашиб, бўриларга ем бўлмаслиги учун тезроқ бориб, уларни топиб келиш лозим бўларди...

Ҳамқишлоқларимизнинг отимизга жуда кўп иши тун шарди, дадам бирортасига йўқ демасди. Чунки ҳеч ким Элияни беҳудага югуртиравермас, оч қўймас, вақтида суғориб, парваришини ўрнига қўярди. Дадамга ҳурмати зўр бўлганлигидан шундай қилишарди...

Раис гўё Элияга эътибор бермаётгандек бўлса ҳам ўша оқшом тўйга келган ҳурматли меҳмонлар даврасида қадаҳ кўтариб, нутқ сўзлабди. У овулда намунали тартиб бўлиши учун, эркакми, аёлми, икки оёқлими, бир оёқлими ёки тўрт оёқлими, ким бўлишидан қатъи назар, тартибни бузганда уларни қоралаш зарурлиги ҳақида гапирибди. Ҳаммага очиқ-ойдин маълумки, бир оёқли тартиббузар — урушда ўнг оёғидан ажраб қайтган совхоз омборининг қоровули Хорун бўлиб, у шу баҳорда совхознинг уруғлик картошкасидан бир ярим центнерини кимгадир пуллаб юборган эди, тўрт оёқли тартиббузар эса, албатта, Элия эди.

Бутун ёз тинч ўтди. Кузда, бир кун кечқурун раис бизникига келиб, аллавақтгача ўтирди. Миқ этмай чой ичди. Қетиш олдидан, бизнинг овулимиз район марказида қишлоқ советларининг ишлари якуни чиқарилганда, мана шу Элия туфайли биринчи ўринга чиқолмай қолди, деди. Имконият бор экан. Ҳамма кўрсаткичлар бўйича овулимиз биринчи ўринда экан, фақат Сари-Туз овулигина биз билан тенглашиб, иккинчи ўринга даъвогар экан... Иккинчи ўринни олиши аниқ экан-у, Сари-Туз қишлоқ советининг раиси бизнинг овулимизда район советининг қарори бузилаётганини — масалан, қонун бўйича тақиқлангани аниқ-равшан бўлса ҳам, от боқиш ҳоллари мавжудлигига ишора қилиб ўтибди. Бунга ҳеч ким эътироз билдира олмабди. Масала ҳал бўлибди-қўйибди. Биринчи ўрин Сари-Туз овулига берилибди, бизга эса зўр-базўр иккинчи ўрин те-

гибди... Чунки бизда қонунга хилоф равишда от боқил-  
япти-да...

Дадам, бу гаплар, албатта, ҳазил бўлса керак,  
деди.

Раис эса, йўқ ҳазил эмас, деди. Элия зудлик билан  
овулимиздан йўқотилиши керакмиш. У районда шун-  
дай ваъда бериб келибди.

Дадам, бу бари бир ҳазилдан бошқа нарса эмас,  
деб туриб олди. Ҳазил бўлмаса ишлар чатоқ бўлади-ку,  
чунки у Элияга катта умидлар боғлаган эди. Дадамнинг  
фикрича, мана шу Элия овулимизнинг, районимизнинг,  
областимизнинг, ҳатто бутун мамлакатимизнинг донғи-  
ни чиқариши мумкин. Дадам раисга уни дарҳол гўшт  
комбинатига топшира олмайман, агар сиз чинакам раҳ-  
бар бўлсангиз, мен бунга асло шубҳа қилмайман,  
Элияни ҳимоя қилиш йўлини топасиз, унинг шуҳратга  
эришиши учун ҳамма чораларни кўрасиз, деди.

Бундай чора йўқ, деди раис. Элияни йўқотиш ке-  
рак. Учқур отларнинг шон-шуҳрати ҳақида эса махсус  
кишилар, чинакам аргумоқлар етиштирадиган махсус  
хўжаликларнинг омилкорлари ўйлашлари керак. Раис  
дадам билан бундай гаплашаётганига афсусланаётган-  
ини, бўлак одам бўлганда бошқа жойда жиддийроқ  
гаплашиб қўйишини, чунки қонун бузилгани яққол  
кўриниб турганини айтди.

Шунда дадам, бошқа жой деганинг нимаси, деб сў-  
раб қолди.

Раис, ахир мен бу гапни мажлисда, ҳамманинг ол-  
дида эмас, уйингга келиб ўзингга айтяпман-ку, деб,  
дадамдан хафа бўлмасликни илтимос қилди.

Ҳамманинг олдида бундай гапларни айтиш ноқу-  
лай, деб ўйлади дадам жаҳли чиқиб, ақл-ҳуши жойида  
одам битта отни деб бутун овулни биринчи ўриндан  
маҳрум қилиб ўтирмайди-ку. Бу ё ҳазил, ё бўлмаса ма-  
салани ҳал қилган ўша одам жиддий одам эмас, кал-  
ласи ишламайди...

Раис дадамдан яна бир бор хафа бўлмасликни илтимос қилди-да, кетишга чоғланиб хайрлашаркан, аниқ бир нарса устида ҳадеб гапиравериш ақлли кишиларнинг иши эмаслигини, отни тезроқ йўқотиш лозимлигини уқтирди.

Мен ҳанузгача райондагилар Элия учунгина овулимизни биринчи ўридан маҳрум қилиш ҳақида қарор чиқаришгани ростмикин ё бу гапни раис ичидан тўқиб чиқарганмикин, деб ўйлаб қоламан. Лекин ҳар қалай ўша оқшом Элиянинг тақдирига таъсир қилмай қолмади, албатта.

Аввалига дадам бир иложини топгандек бўлди. У подачидан мени ўзингга шерик қилиб ол, деб илтимос қилди, шунда дадам от боқиш ҳуқуқига эга бўларди. Дадамнинг бу ногаҳоний таклифидан фойдаланган подачи ўзининг қарши таклифини кўндаланг қилди: майли, аммо мавсум охиригача подага ўзинг қараб турасан, мен касалхонага ётиб, чуррамни олдириб келаман, деди. Бундан хабар топган онам дадамни бу ишдан қайтаришга уринаверди. Пода боқиш сизга номуносиб, осон ишмас, ёшингиз бир жойга бориб қолди, бунинг устига соғлигингизнинг ҳам мазаси йўқ, деяверди. Дадам гарчи унинг гапини ерга ташламаса ҳам, подачининг ўрнига ишлашга рози бўлди. Албатта, унинг ўрнида ишлаб турса чакки бўлмасди-я. Бироқ шу орада опамнинг эри келиб қолди-ю, ишнинг белига тепди. Кейин билсам, уни онам телефон орқали чақирган экан. Поччам раисдан ҳам хушмуомала экан. У хушбичим кийинган, гапни ҳам чертиб-чертиб гапирарди. Поччамнинг ўзини тутиши-ю, гап-сўзлари дадамнинг ғашини келтираётган бўлса ҳам, буни сездирмасликка ҳаракат қиларди. Поччам авваллари саккиз йиллик мактабда директор бўлиб ишларди, кейин уни бизга қўшни райондаги тикувчилик фабрикасига директор қилиб ўтказишди...

Поччам дабудурустан гапни, ўзингизни эҳтиёт қи-

линг, дея бошлади, мен ўз номимдан илтимос қиламан, ҳа, ҳа, биринчи бор илтимос қиламан. Хотиним, яъни қизингиз, набираларингиз номидан ҳам илтимос қиламан. Худога шукур, улар катта бўлиб қолишди, боболари ҳақида қайғуришади. Уларни ташвишга қўйманг. Энди шунча ёшга борганда, сигир-бузоқ кетидан юридиларми, деб куйинишади-да. Поччам гапининг охирида эҳтиёткорлик билан дадамга, отни сотиш керак, қариган чоғингизда ортиқча дахмазанинг нима кераги бор, транспорт лозим бўлиб қолса, фабрикага телефон қилинг — хоҳлаган пайтингизда янгигина ГАЗ-51 машинаси ихтиёрингизга юборилади, дея маслаҳат берган бўлди.

Дадам отни сотиш ҳақидаги маслаҳатга эътибор қилмаган бўлса ҳам, подачиликни бас қилди. Куёвимнинг гапини бутунлай ерда қолдирмай дедими ё кечгача эгар устида юролмаслигига кўзи етдими, ишқилиб, мол боқмай қўйди, сигир-бузоқларни яна подачининг ўзи боқаверди. Чуррамни қишда олдирарман, унгача сабр қилай, деди шекилли.

Шундан кейин онам, назарида Элиядан айрилишдан бошқа илож йўқ, деган фикрга кўникиб, машқи пасайиб қолган дадамни юпатиш пайига тушиб қолди. Афтидан, раис ҳам шу фикрга келган бўлса керак. Энди у эшигимиз олдидан ўтаётганида одатдаги гапини такрорламас, иложи борича хайрихоҳлик билан сўрашишга ҳаракат қиларди.

Шу зайл куз ҳам ўтди.

Мана, қиш келди.

Бироқ дадам ҳали-вери Элиядан айриладиганга ўхшамасди. Раиснинг бу фикрга қатъий келганининг сабаби бор эди. Дадам ортиқча картошкамизни Ростовга олиб бориб сотиб, қайтиб келганида, ўнг қўлида картошкадан бўшаган қоплар, чап қўлида эса, чизимчага чизилган саккиз дона яп-янги тақа бор эди. Раис

ишдан қайтаётиб, дадамнинг йўловчи машинадан тушганини, қўлидаги тақаларни кўрган эди.

Шу воқеадан кейин бир ҳафта ўтдим, бир ярим ҳафта ўтдим, дадам очиқ партия мажлисига таклифнома олди. У ерда нима гап бўлганини билмадим-у, лекин дадамнинг шу йиғилишга нохушлик билан кетганиям, хафа бўлиб қайтганиням пайқадим. Дадам таклифнома олиб келган қизга ранжиганнамо, чақирик қоғозисиз ўзим ҳам борардим, йиғилиш вақтини ҳам билардим, ахир қирқ йилдирки, бирор марта ҳам йиғилишдан қолган эмасман, ҳатто пенсияга чиққандан кейин ҳам, гарчи биров бунинг учун койимаса ҳам кеч қолган ёки бормай қолган пайтим бўлмаган-ку, дея ўпкалади.

Дадам йиғилишдан жуда кеч қайтди, афтидан, гап кўп бўлганга, аллаким дадамнинг иззат-нафсига текканга ўхшайди. Албатта, гап Элия ҳақида бўлган. Мен бунга шубҳа қилмадим, чунки эртасига дадам кийимкечак, анчагина нон, қоқ қўй гўшtidан олиб, Элияни эгарлади-да, Тоғолчасойда бўламан, деб жўнаб кетди...

\* \* \*

Афтидан, дадам аввалига шундай бир режа тузган бўлиши керак: қаердандир пичан сотиб олади-да, Дебош ўғли Назирнинг фермасига олиб бориб, қишни ўша ерда ўтказди. Аммо бу режа пучга чиқди, дадам фермадан узоқроққа, сойнинг юқорисига кўтарилиб тоғолча дарахтлари зич ўсган жойни танлаб, ўзига чайла, Элияга эса айвонча қурди, атрофини бўрилар киролмайдиган қилиб тоғолча дарахтининг тиканли новдалари билан ўради-да, сотиб олган пичанини, яна бир неча қоп омихта ерни келтириб, қишни шу ерда ўтказдиган бўлди. Дадамнинг нега фермада қолмаганининг сабабини мен кейинроқ эшитдим. Дебош ўғли Назир, тагин бошим балога қолиб ўтирмасин, дебди. Дадамнинг, ўтган қишда ҳам балога қолишинг мумкин эди-ку,

деган ишорасига жавобан ферма мудирини, мен сени ил-  
гари қандай ҳурмат қилган бўлсам, ҳозир ҳам шундай  
ҳурмат қиламан, лекин у пайтда чўнтагимда партия  
билетим йўқ эди, бунинг устига у чоғларда йиғилиш-  
ларда от ҳақида ҳеч гап бўлмаганди, дебди...

Дадам овулга бир марта ҳам тушмади. Унинг олди-  
га онам билан мен чиқиб турдик.

Мен айвончада ўтирар, Элия ёнимда ётарди, онам  
билан дадам эса чайлада гаплашиб ўтиришарди.

Улар узоқ гаплашишди. Гапларини эшитмаган бўл-  
сам ҳам бир нарса менга аён эди: онам ялинишини  
қўймас, дадам эса овулга қайтишга кўнмасди. Кечқу-  
рун биз уйга қайтдик. Соч-соқоли ўсиб, озиб, чўп бўлиб  
кетган дадам чайлада қолди. У қаттиқ йўталарди.

Онамнинг кўзлари йиғидан қизариб кетган эди. У  
ҳолдан тойган, менга суяниб зўрға юриб борарди, ово-  
зида ташвиш, алам, хавотир бор эди... Отанг ётиб қо-  
лади, жуда мазаси йўқ, ўлиб қолмаса гўрға эди, уйга  
қайтишга эса, энди ҳеч ким кўндира олмайди, бунинг  
уддасидан фақат Чубургина чиқа олиши мумкин, эрта-  
гаёқ Чубурнинг олдига боришим керак... дея гапириб  
келарди.

Мен ўз онамни эслолмайман. Мени туғаман деб  
оламдан ўтган эканлар. Миямга биринчи марта: онам-  
нинг ўлимига мен сабабчи бўлган эканман-да, деган  
фикр келди. Элия дунёга келган куни дадам, бўғоз  
бўлмаганда от жонивор бўридан қутулиб кетарди-я,  
деганди... Ўгай онам, бевақт вафот этган онамнинг ўр-  
нини босиб, менга меҳрибончилик қилиб келаётганини,  
сигиримиз елинини сахийлик билан Элияга тутиб, унинг  
сағрисини меҳр билан ялаб-юлқаётганини кўрганимда-  
ёқ англадим. Ўгай онам мени яхши кўрадим, деган  
савол асло миямга келган эмас, шунинг учун ҳам у  
мени яхши кўрса керак деб ўйлайман. Шунча ўйласам  
ҳам, ўгай онамнинг менга бирор марта совуқ назар  
билан қараганини, бирор оғиз қаттиқ гапирганини эс-



лай олмайман. Унинг талабларини, ҳар бир сўзини менга нисбатан ғамхўрлик деб қабул қилиб келганман. Унинг майин овозига, ишда ҳам, гапда ҳам мулоимлигига ўрганиб қолганман, бошқа болалар ўз оналарига қандай ўрганиб кетишса, мен ҳам бу онамга шундай ўрганиб кетганман.

Дадам билан сан-манга бориб, жанжал қилганини кўрган эмасман. Бирор нарсадан норози бўлиб ранжигани ҳам мана шу от туфайли бўляпти, холос. Бу норозилиги очиқ-ойдин ифодаланмасди, хўра, хўжалиқда фойдаси тегмайдиган бияни олиб келиб боққанида ҳам, пенсия пулини ундан қулун олиш учун сарфлаганида ҳам, қиш бўйи биз билан бирга яшаган тойчоғимиз унинг ҳавосини бузиб, ҳаммаёқни булғатганида ҳам дадам онамнинг норозилигини сеза туриб, сезмасликка оларди... Ушанда дадам тойчоқни боқиш ўғай онам учун нақадар нохуш иш, дардисарлик бўлганини жудаям яхши билган бўлиши керак, албатта. Ҳар қалай, қулун уйни булғатганида дадамнинг хижолат бўлиб, гуноҳкорона кўзларини қаерга яширишни билмай қолган пайтларини бир неча марта кўрганман. Ўзи уйда бўлса, кўпинча қулуннинг уйни ифлос қилишига йўл қўймасди. Кекса кишининг эпчиллик билан ювинди челагини олиб, сеvimли тойчоғи томон югурганини кўрган киши ҳайрон қоларди. Буни кўрган ўғай онам дадамнинг тойчоққа, умуман отга нега бунчалик меҳр қўйганига тушунмаса ҳам, уни қоймас эди. Унинг назарида дадамнинг шундан бошқа камчилиги йўқдек эди, онам шўрлик чурқ этмай, умр бўйи ҳурматини жойига қўйиб келаётганди, уларнинг овоз чиқариб гаплашганлари ўша кунги чайладаги суҳбат бўлди. Балки онам шу кунгача агар зарурат туғилиб қолса, ўзим маъқул деб билган нарсага уни ҳам кўндира оламан деган ишонч билан юрарди... Бунинг устига у овулда энг ақлли аёллардан бири ҳисобланарди: «Оллоҳ ақлини тўла, тилини ширин қилиб яратган-да», дейишарди

овулдагилар. Овулдошларимиз кўпинча онамдан совчиликка боришни илтимос қилишарди. Чунки у битиши гумон бўлган ишни ҳам битириб келарди. Сўзга чечансиз, ўрнига қўйиб гапирасиз-да, қабилидаги сўзларни эшитиб, камсуқумлик билан индамай қўя қолар ё ҳазилга олар, лекин ҳар қалай, ўз фазилатининг мактовини ич-ичидан хуррамлик билан қабул қиларди чоғи. Эҳтимол, онам ўша кунни дадам билан гаплашганида, биринчи марта ўз сўзини ўтказа олмагандир. Балки таъсирли сўзларни топиб гапиролмаганидан ҳам кўра, дадамнинг отга бўлган ишқи зўр чиққанини тан олгандир. Дадамнинг бу қатъийлиги онамни Чубурга мурожаат этишга мажбур қилди. Чунки дадам ҳар бир нарсада фақат Чубурнинг гапига кўнарди. Дадам Чубурни шунинг учун ҳурмат қилардики, ҳар қалай, у онамнинг акаси эди-да. Бу — бир. Умуман олганда, билишимча, одам ўзини ҳақиқий инсон деб ҳисобламоқчи бўлса, хотинининг ҳамма қариндошларини, ҳатто энг узоқ қариндошларигача ҳурмат қилиши керак эди. Удუმимиз ҳам, азалдан келаётган тартиб-қоидалар ҳам шуни тақозо қиларди. Қариндош-уруғларинг яхшими, ёмонми, бундан қатъи назар, пешонангга шулар ёзилгандан кейин уларнинг иззат-ҳурматини жойинга қўйишинг лозим-да. Айниқса, қариндошнинг хотинининг ё ака-укаси, ё опа-синглиси бўлса, яна ҳам иззат қилиш керак. Овулдошларимизнинг, кимнинг куёви бўлса — бахти келгани шу, ҳаммиша ишончли кишинг, ҳамкоринг, ҳамдардинг, қаторда норинг бўлади, юкинг ерда қолмайди, садоқат билан хизматингни қилади, дейишлари бежиз эмас. «Эшаги бўлмаса ҳам куёви бор одам — бахтли одамдир», деб ҳазиллашишади овулимиздагилар.

Шунинг учун ҳам онам Чубурга умид боғлаб, уни тезроқ айтиб келиш учун мени юборди. Дадам Чубурни хотинининг акаси бўлгани учунгина эмас, ақлли, фаҳм-фаросатли одам бўлгани учун ҳам ҳурмат қилар-

ди. Чубур область марказида, Черкесскда ишлар, Тайёрлаш идорасига бошчилик қиларди. У тиниб-тинчимас, қувноқ одам эди. Энг муҳими, жиддий нарсалар ҳақида ҳам ҳазил аралаш гапирарди. Овулдагилар уни билишар, оғир-вазмин, мулоҳазали, меҳр-оқибатли, доно, ҳурматга лойиқ киши деб ҳисоблашарди. Уни кўрганда, ҳатто соқоллари кўксига тушган мўйсафидлар ҳам ўринларидан туриб, салом беришарди, ундан катта бошлиқлар ҳам, Чубурдан улуғроқ, эътиборлироқ кишилар ҳам бунчалик ҳурматга сазовор бўлишмаганди. Чубурнинг бизникига келиши катта воқеага айланади кетарди. Дадам қўй сўяр, арақ олиб келар, меҳмонлар йиғилишар, одатда косагулнинг ёнида Чубур ўтирарди.

Чубур овозининг борича кулиб: «Ҳа, куёвпочча, сизга миниб, бир сайр қилгани келдим, қани, энгашинг!»— дерди. Дадам ундан анча катта бўлмаганда, балки миниб олиши ҳам турган гап эди, бу ҳеч кимни ҳайрон қолдирмас, шунчаки бир ҳазил эди-да...

Чубур мени «яланғоч кирпитикан» деб чақирарди, нега бундай дейишини билмасдим, ўзиям мундоқ тушунтирмасди. Ювошлигим учун шундай деяётгандир-да, деб қўя қолардим. Чубур тоға нуқул: «Биров билан бирор марта муштлашганмисан ўзинг?»— деб сўрайверарди.

«Йўқ», дердим мен, Чубур бунга жавобан: «Умрингни бекорга ўтказяпсан. Унда ўзингни дўппослашади», дерди. Мен бу гапнинг ҳам маъносига тушунмасдим. Чубур бўлса, тушунтириб бериш ўрнига куларди.

\* \* \*

Борсам Чубур уйида йўқ экан. Онамнинг илтимосини Чубурнинг ўғлига айтиб келавердим. Уғли ҳам отасига ўхшаб зийрак, қизиқчи бола. Мендан бор-йўғи икки ёш катта бўлса ҳам анча бўйчан, катта кўринарди. Гаплари дўстона, самимий бўлгани учун унинг мendan

катталиги ҳам эриш туюлмас, баъзи кутилмаган ғалати гапларига хафа ҳам бўлмасдим. Уйларига кирганимда у қалин дафтарга аллақандай журналдан шеър кўчираётган экан. Қайфи чоғ. Мени кўриб, севиниб кетди. Ҳозиргина кўчириб олган шеърини ўқи деб менга берди-да, кейин: «Тушундингми? Маъносини уқдингми?»— деб сўради. Бу шеър горилла тўғрисида эди. Горилланинг катта маймун эканлигини билардим.

Горилла — бир савлатли маймун.

Болалар-ла ўйнашар тун-кун...

Ялаб-юлқар идиш товоқни,

Қўлга олиб вилка, пичоқни,

Ликопчада ейди томоқни...

Баъзан қириб, шодон томоқни

Гапга тушар, пичирлаб лаби

Тили бийрон болакай каби...

Мен шеърнинг горилла, яъни одамсимон маймун ҳақида эканлигини тушундим-у, бироқ сатрлар орасига яширинган яна аллақандай, менинг ақлим етмайдиган фикрлар ҳам бўлса керак, деб ўйладим. Чубурнинг ўғли мана шу горилла еб-ичишдан бошқани билмайдиган «нодон одам»га ўхшаши, аммо у баъзи нарсаларни ўрганиб, ақлли бўла бошлаганини айтиб, мисраларнинг маъносини чақиб бергач, шеър менга жудаям ёқиб кетди. Кейин эса шеърнинг ҳамма мисралари менга ёд бўлиб қолганига ўзим ҳам ҳайрон бўлдим...

Чубур ўша ҳафтада кечқурун бизникига келди. Эртасига онам Тоғолчасойга йўл олган совхознинг отлиқ қоровулидан дадамга Чубур келганини айтишини илтимос қилди. Кечқурун дадам уйга келди.

Чубур бу гал одатдагича дик этиб туриб, дадамга пешвоз чиқмади, ҳазил-мутойибаям, тегажаклигам қилмади, саволларга кўмиб ташламадиям. У жим эди. Бир минутча олдин одатдагидек қувноқ бўлган Чубурнинг чеҳраси дадам келиши биланоқ ўзгариб, азоб чекаётган

киши қиёфасига кирди-қўйди. Ҳамиша бақувват, тетик Чубур, аъзойи бадани қақшаб, оғриққа чидай олмаётган бемордек инқиллаб-синқиллаб, секин ўрнидан турди.

Чубурнинг қўққисдан бунчалик ўзгариб қолиши мени ҳайрон қолдирди. Дадамнинг ташвишли нигоҳига жавобан, у кўпдан бери бели оғриётганлиги, ё ревматизм, ё бод эканлигини айтиб, оғриқнинг зўридан на ёта оламан, на тура оламан, на ишлай оламан, на ейишда, на ичишда ҳаловат бор... ичмаган дорим, қилмаган муолажам қолмади... Ҳеч нарса қор қилмаяпти, дея нолиб кетди.

Чубурнинг нолиши менга жуда эриш туюлди.

Онам, Чубурни айтиб келиш учун шаҳарга юборганимни даданга айтмагин, деб тайинлаганига тушунмаган эдим.

Унинг Чубурга дадам ҳақида шивирлаб гапирганига ҳам, мени кўриб жим бўлиб қолганига ҳам тушунмадим, у эшитмай қўя қолсин, дегандек ошқора яшираётганига ҳайрон бўлдим.

Шу чоққача кўп нарсага ақлим етмасди. Мана бугун, тушдан кейин мактабдан келдим-у, кўп нарсага тушундим-қўйдим...

\* \* \*

Мактабдан қайтиб келганимда, ҳовлимизнинг ўрта-сида оппоқ қор устида Элия ётар эди. Тепасида дадам, қўшнилариимиздан бир неча киши уймалашишаётганди. Элиянинг қўл-оёқлари боғланган. Ҳалиги кишилардан бири — ўзи ҳали ёш бўлса ҳам соқол қўйган, яғриндор тракторчи Сулаймоннинг қўлида ўткир пичоқ ярақлаб турибди. Афтидан, у ҳозиргина чархланган эди — қор устида энсизгина қайроқтош ётибди. Уй ичида меҳмонлар Чубур билан дилкашлик қилишяпти. Мен гарчи қўшнилариимиз кўплашиб Элияни қорга ўнгариб, қўл-оёғини боғлаб, пичоқни қайраб туришганини кўриб турсам ҳам, уни ҳозироқ сўйишларига ишонмас эдим.

Бироқ шу он бетимга қон урди, юзларим ловиллаб ёнди, бутун вужудимни қўрқув қамраб ола бошлаётгандек бўлди. Бостирма томондан қари сигиримизнинг зорланиб мўраётганини эшитганимда эса, қўрқув яна ҳам кучайди.

— Эрталабдан бери мўрагани-мўраган, сезаётганга ўхшайди жонивор,— деди ачинганнамо Сулаймон, пичоғининг мугуздан қилинган дастаси билан гарданини қаширкан. Ҳамма нарса тахт, фақат отни бўғизлаганда ҳаммаёққа қон оқиб кетмаслиги учун тос олиб келишларини кутишарди...

— Ҳозир! Мана ҳозир!— дерди онам ошхонада эски мис тосимизни даранглатиб, афтидан, юваётган бўлса керак...

Мен нима гаплигини бировдан сўраб ўтирмадим, фақат даданинг қонсиз юзига тикилдим, дадам бўлса, менга қарамасликка ҳаракат қиларди. Қўшниларимизнинг гап-сўзларидан битта нарсани англадим: Чубур меҳмон бўлиб келиши шарафига қўй эмас, той сўйишни илтимос қилибди, чунки унинг дардига фақат юмшоқ той гўшти шифо бўлар эмиш, бу қадимдан отабобларимиз тажрибасида синалган эмиш, худо хоҳдаса, шу гўштни еб тузалиб кетармиш...

Мен бари бир Элияни сўйиб ейишларига ишонмасдим. Гарчи Чубур меҳмонлар олдида шуни илтимос қилган бўлса ҳам, меҳмонлар даврасида қилинган илтимосни рад этиб бўлмаслигини билсам ҳам, отам тулпоримизнинг сўйилишига йўл қўйишига ишонмасдим.

Дадам чурқ этмай Сулаймоннинг олдига келиб, унинг қўлидан пичоқни олганида, ана, дадам ҳозир Элия боғланган арқонни кесиб юборади-ю, дўнонимиз дик этиб ўрнидан туриб, овулимизнинг қорли кўчаларидан қулунлик пайтидагидек диконглаб чопиб кетади; агар кимдир бунга халал берса, яъни ардоқлаб ўс-тирган севимли арғумоғимиз Элиянинг бўғзига пичоқ қадагудек бўлса, дадам иккимиз бир вақтлар Тоғолча-

сойда күкөл бұрининг адабини берганимиздек, унинг ҳам адабини берамиз, деган фикр күнглимдан ўтди.

Элиянинг куни битиб, ажали етмаганига ишонганининг яна бир сабаби — унинг ниҳоятда ювош ётиши бўлди. Оёқлари қаттиқ арқон билан таранг боғланган эди, дадам устида қўлида пичоқ билан турганда ҳам жонивор қимир этмай хотиржам ётарди. Башарти у одамга ўхшаб ўйлай олганида, ҳозир: «Мен сираям ёмонлик қилмадим-ку. Хўжайиним доимо мендан хурсанд, ҳозир ҳам у менга асло ёмонликни раво кўрмайди», деган бўларди.

Агар у ўйлашга қодир бўлганида дадам ҳақида, мен ҳақимда, ҳамма одамлар ҳақида ёмон фикрга бормаган бўлар эди.

У ўлимни ўйламасди, чунки у ҳали жуда ёш эди. Элия дадам бир тиззасини қорга қўйиб, иккинчи тиззаси билан бўйинини оҳиста босиб, пичоқни маҳкам ушлаганида ҳам ўлишни ўйламаганди...

Назаримда, ўша он дадамга қараган йирик, юмалоқ кўз қорачиқларида қўл-оёғи боғлиқ ожизларнинг сўнги қуроли — нафрат учқуни ялт этгандек бўлди-ю, шу заҳотиёқ сўнди, сўнг сокин кўл янглиғ осойишта кўзларда осмонга, пичоқ тутган дадамга, оппоқ совуқ қорга меҳр-муҳаббат учқунлари чақнади.

Мен дадамнинг кўзларини кўра олмадим, ўсиқ қоши тўсиб қўйганди, мен дадамнинг қўлинигина кўрдим, қўлларининг бесаранжом ҳаракатидан Элиянинг жонини олиш учун Сулаймондан пичоқни олганини пайқадим. Мана шу қўл, дадамнинг қўли шу тобда менга бегона бўлиб кўринди, ўзимга ҳам тушунарли бўлмаган сўзларни қичқириб айтиб, унга ташланганимда, ана шу ёт қўл мени итариб ташлади.

— Кет! — бегонадек бақириб буюрди дадам менга. Бехосдан туртиб юборгани учун йиқилиб тушдим-да, зўрға ўрнимдан турдим.

— Дада, дадажон! Сиз фақат бугун менга ёт бўл-

дингизми ёки умрбод бегонамидингиз?! Мен учун азиз бўлган чеҳрангизга бу ниқобни шу бугун кийдингизми ёки доимо ниқобда юриб-юриб, шу бугунгина уни едингизми?!

Тос олиб келган онам юзларимдаги қорни ва кўз ёшларимни артар экан, мени маҳкам бағрига босганича, юр болам, бу ердан кетайлик, сен буни кўрмай қўя қол, дерди... Онамнинг судраши туфайли бостирма тагига бориб қолган эканман, ўша ерда туриб, бир қариянинг бўғиқ овозда дадамга қарата айтган гапини эшитдим:

— Ҳой, мусулмон боласи, шошма. Қибла қаердалигини билиб ол. Отнинг бошини ўнгроққа бур...

Уйимизнинг деразалари қиблага — жануб томонга қараган эди.

Бувим намоз ўқиганларида қиблага қараб ўтирардилар. Жудаям художўй, намозхон кампир эдилар-да, анча йил бўлди ўлганларигаям. Жойингиз жаннатда бўлсин, бувижон!

Одам вафот этганида ҳам юзини жануб томонга қаратиб қўйишади.

Мусулмонлар мол сўйишаётганда бошини қиблага қаратишади.

Жануб — тоғ томонда.

Айтишларича, тоғлар ортида яна тоғлар бор эмиш. У тоғлар ортида эса, сувли денгиз ва қум денгизи бўлиб, ундан кейин ям-яшил воҳа бошланаркан, ўша водийда оппоқ шаҳар қад кўтарганмиш.

У шаҳар ҳамма мусулмонларнинг муқаддас шаҳри — Макка эмиш.

Маккада муқаддас масжид бор экан. Бу масжидда мусулмонлар гуноҳларидан покланар, олло-таолонинг меҳр-шафқатига, шафоатига муяссар бўларкан...

Эй, ҳамқишлоқлар, қўшнилар, дада, сиз ҳам, қиблани унутмаган эй чол — сизлар хаёлан бўлса ҳам, бирор марта ўша масжидда бўлганмисизлар?!



Бўлган эмассиз, асло!

Назаримда, онам бўлган бўлса керак. У мени меҳрибон ва ширин сўзлари билан овутишга уринди; одамни севмай туриб, отни ҳам, қушни ҳам яхши кўриш мумкинмас, деди у. Ҳозир даданга ҳам оғир, уни шу ишга мажбур қилган нарса инсонга бўлган муҳаббати, унинг дардига шифо бериш истаги...

Мен онамдан бировнинг дардига шифо бериш учун бировнинг жонини олиш шарт эманми, деб сўраб ўтирмадим, шу Чубур тоғанинг белидаги оғриқни даданинг дилига, менинг юрагимга кўчиришнинг нима кераги бор экан, дея суриштириб ўтирмадим. Чурқ этмай ўтиравердим. Шу оғир дамларда мен билан бирга бўлгани учун онамдан миннатдор эдим. Шу топда унинг ўзи эмас, балки у ўйлаб топган сохта ҳамдам мен билан бирга бўлганини хаёлимга ҳам келтирмагандим.

Миқ этмай бостирмада узоқ вақт ўтирдим. Онам ёнимдан кетганига анча бўлди. Шамол турди, мен Элия яшаган отхонага кирдим. Бу ер иссиқ бўлиб, ҳовлимиз яққол кўриниб турарди. Ҳамма иш тамом бўлганди. Оппоқ қор устида, Элия ётган жойда унинг қонидан қирмизи доира қолибди. Ошхонадаги мис тоғорада эса унинг гўшти биқирлаб қайнапти.

Дадам ёнимга келиб, қалпоғимни бошимдан олдида, кафтини бошимга қўйганича, бир муддат жим бўлиб қолди. У: «Қатта бўлсанг, ҳаммасига ўзинг тушуниб оларсан, балки бугунги кун учун мени койимассан ҳам. Энди уйга кир, меҳмонлар олдида ўзингни йигитдек тут», деди.

Чубур билан раис косагулнинг ўнг томонида ўтиришар, ўндан ортиқ бошқа овулдошларимиз эса даврандан ўз ёшларига қараб ўрин олишганди. Меҳмонлар нималарни гаплашишганини, нималар учун қадаҳ кўтаришганини, гўшт пишгунча нима тамадди қилишганини, қўярда-қўймай ўзи билан раиснинг ўртасига ўтқизиб олган Чубур мени нима билан меҳмон қилгани-

ни эслолмайман. Икковининг ўртасида ўтирарканман, ҳеч нарсани эшитмас, ҳеч нарсани сезмас, бирорта сўз-ниям эслаб қололмас эдим. Пишган гўшти дастурхонга тортишгач нима бўлганини эса, икир-чикиригача аниқ, узоқ вақтга эслаб қолдим.

Чубурнинг бели оғримаган эди.

Чубур бир тишлам гўшти чайнаб-чайнаб ютаркан, той гўштини мақтаб кетди. Шифобахшлиги дарров кор қилди-қўйди, одек бўлдим-қолдим, дерди у, кимки иккала кафтини аямай, қарсакни қаттиқроқ чалса, шу гўштининг даволигини дарҳол билади-қўяди. Шу чоққача қимир этмай ўтирган Чубур бирдан дик этиб турди-да, шўх қичқириб, оғзида лезгинка куйини чалиб, рақсга тушиб кетди. Ҳамма чапак чалар, кулар, дадамга қарар эди. Менинг ҳам кўзим дадамда. Дадам хотиржамлик билан, пинагини бузмай Чубурнинг ўйнаб бўлишини кутди-да, рақс тугагач, гап бошлади: «Мен Чубурни кўпдан бери биламан, беш қўлимдек яхши биламан. Чубурнинг ҳийласини ҳам дарров тушунгандим... Лекин у менинг азиз меҳмоним бўлганлиги учун раъйини қайтара олмадим. Унга ҳам, бу ерга йнғилган азиз меҳмонларга ҳам бугунги таомлар шифобахш бўлсин».

Чубур жойига ўтириб, пешонасидаги терни сидириб ташлади-да, лиммо-лим қўйилган қадаҳни бир кўтаришда ичиб юборди, сўнг ликопчадаги гўшти майдалаб тўғраб, каттароқ бир бўлагини вилкага суқиб менга тутди...

Бу Элиянинг ҳовури чиқиб турган юраги эди.

— Ол, е,— деди Чубур,— бақувват бўласан!

Сўнг у менга диққат билан тикилиб туриб, қўққисдан деди:

— Ҳей, йигитча, гаров бойлашаман, сенинг хулқингга сираям бешдан кам баҳо қўйилмаган. Доимо плюс беш олгансан!

— Нимага энди?— сўрадим мен.

— Чунки жудаям ювошсан,— тушунтирди Чубур,— кимир этмай, жимгина ўтира оласан...

Чубур битта жазни оғзига солиб чайнаб-чайнаб ютди-да, яна деди:

— Лекин сен бугун мактабдан қўш отли аравада келдинг шекилли, гаров бойлашаман, шундай,— афтидан Чубур икки баҳони шундай атаса керак-да.— Бўлмаса, нима учун кунбўйи қовоғингдан қор ёғди? Ҳа, биламан, математикага мазанг йўқ... Ҳулқингга беш олиш қийин иш эмас. Лекин математика меҳнатни, тер тўкишни талаб қилади. Меҳнат қил. Меҳнат дангасани ҳам математик қилиб юборади. Айтишларича, у ҳатто маймунни ҳам одамга айлантирган эмиш.

— Йўқ!— дедим мен.

— Ҳа, буни эшитмаганмисан?.. Ҳалиги ашулаларинг бор-ку... Биз буни ўтмагандик, бу сабоқни олмагандик... А, лаббай?..

— Эшитганман,— дедим мен.— Фақат меҳнатнинг маймундан одам ясаганига қўшилмайман. Гориллани яратган бўлса бордир...

— Хўп, одам қаёқдан келган бўлмаса?— сўради Чубур.

— Ҳали одамни яратолмаган,— дедим мен,— фақат гориллани яратган, холос.

— Узинг ҳақингдаги фикринг дуруст эмаску,— деди Чубур.— Одам—худодир, деган гапни эшитмаганмисан? Агар одамни одам демасак, уни худо дейишга тўғри келади. Мана, сендек бир тирмизак маймун ҳам—худосан-да.

— Йўқ. Мен горилламан. Қичкина горилламан.

— Бизлар-чи? Биз катта гориллаларми?

Шу топда юзларим қип-қизариб кетганини билардим. Афтидан, Чубурнинг менга қарагиси келмаётганга ўхшарди. Мен Чубурдек дик этиб ўрнимдан турдим-да, югуриб хонанинг бурчагига бордим, бу ердан ўтирган-

ларнинг ҳаммаси яққол кўринар, мен ҳам уларга кўри-  
ниб турардим.

Мен Чубурдан кўзимни узмай, айна чоғда ҳаммани назаримдан қочирмай, горилла ҳақидаги шеърни шариллатиб ўқиб бердим. Шеърнинг ёд бўлиб кетган мисралари Чубурнинг қўлидаги кумуш вилкани кўрганимда, ўз-ўзидан қуйилиб келаверди.

Сўнг отилиб ҳовлига чиқиб кетдим, ҳозир ҳушим жойида бўлмаганидан эмас, уйда ортиқ қололмаслигимдан шундай қилдим.

— Уҳў!— деди Чубур бошини сарак-сарак қилиб.— Қирпивоининг тиканлари ўсиб, найзаларини санчадиган бўлиб қолипти-ку...

\* \* \*

Отхонада ўтирибман.

Тақаларга, энди ҳеч нимага керак бўлмай қолган эгар-жабдуққа тикилганча ўтирибман.

Бизни худо деганларича бор, энг ночор одам ҳам ердаги худо.

Биз ҳамма нарсага қодирмиз.

Ҳаммасига ҳукмимиз ўтади.

Шу ҳокимликдан қўрқаман.

Бироқ менинг бежавотирлигим, мард бўлишим, жасорат кўрсатишим учун, ҳаётдаги унча-мунча нарсадан кўрқмаслигим учун ҳар бир инсон тегишга истиҳола қиладиган, кўрқадиган, ҳайиқадаган бирор нарса бўлиши керакка ўхшайди.

Масалан, тирсак билан итариб юбориш.

Товон билан эзиб ташлаш.

Ўз мартабаси баланд бўлиши учун бировни камситиш...

Биз — одамлар тик юрамиз, қолган жонзотларнинг ҳаммаси судралиб ёки тўрт оёқлаб юради.

Биз ҳамма ҳақ-ҳуқуқларни ўзимизники қилиб олганмиз.

Ҳамиша биз ҳақ бўлиб чиқамиз.

Лекин ҳаммавақт ҳам одил эмасмиз.

Мен одамлар адолат ва яхшилик фақат масжид ва саройларда ёки бошқа шунга ўхшаш махсус кошоналарда бўлади, деб ўйлашларини истамайман.

Адолат ва эзгулик ҳақидаги орзу ҳар бир хонадонда, ҳар бир кулбада яшаши керак.

У ҳар бир қалбада яшасин. Одамлар бунинг учун Маккаю Мадинага бориб юришлари шарт эмас, улар бир-бирларининг чеҳраларига боқиб адолат ва яхшиликни кўрсинлар.

Ана ўшанда ҳеч ким менинг аҳволимга тушмайди.

Онам ёнимга келиб, нега хафалигимни сўради. Мен буни айта олмайман — бари бир тушунмайди. У дадамга хиёнат қилди. Гарчи онам дадамга яхшиликни раво кўриб шундай қилган бўлса ҳам, лекин оқибати хиёнат бўлиб чиқди. Чубурнинг бели оғригани ҳақидаги ҳийла, дадам меҳмонларга қандай талқин қилганидан қатъи назар, тоғамнинг ўзи тўқиган бўлмай, онам билан иккови ўйлаб топган нарса ё бўлмаса шу ўғай онамнинг иши. Шунда биринчи марта миямга, ўз туққан онам тирик бўлганда шундай қилармиди, деган фикр келди. Бувижоним ҳам менинг ҳолимга тушунган бўлардилар. Қани энди ҳозир бўлганларида! Мен уларга: «Бувижон, қандай оғир кунларга қолдим? Қўрқиб кетяпман», деган бўлардим.

Аҳволимнинг қанчалик ва нима учун оғирлигини улардан бошқа ҳеч ким тушуна олмайди.

Дадам ҳам тушунмайди. У ҳам хиёнат қилди. Элияни жувонмарг қилди. Мана энди мен, шу дадамнинг ўғли ҳам, бир кун эмас бир кун бировга хиёнат қилмасмикинман, деб қўрқаман. Шу топда дадамнинг ўғли эканимга ишонмай турибман. Наҳотки иккаламиз бир дарахтнинг шоху бутоғи бўлсак?!

Энди дадамни ям-яшил бақувват дарахт ҳам, тоғнинг метиндек бир бўлаги ҳам дея олмайман. У бами-

соли бир қоя эди, лекин энди чилпарчин бўлди. Мен ана шу майда парчаларнинг биттасиман, холос. Бир кун келиб мени ҳам бундан кўра майдароқ бўлақларга бўлиб ташлашларидан қўрқаман. Охири қумдек, гарддек қилиб юборишлари мумкин...

Дадам ўсиб-улғайсанг ҳаммасига тушунасан, ўшанда мени кечирасан, деди.

Менимча, ҳаммасини кечириб мумкин бўлса, тушуниб ўтиришнинг ҳожати бормикин?

Ҳозир ҳовлимиздаги қор нега оппоқлигича қолмаганига тушунмай ҳайронман-да. Узимни ёмон ҳис қиляпман, назаримда, мана шу қирмизи доира остида Элиянинг қони оқаётгандек... Бу қон бутун ҳовлимизда, кўчаларда январь шамоли тинмай уяётган қор тепалар остида кўпириб, тошиб оқаётгандек... Фақат бир нарсага тушуниш қийин эди: остидан иссиқ қон оқаётган қор нима учун эриб кетмаяпти?..

...Яна дадам кирди. Тепамда турди-турди-да, сўнг ёнимга ўтирди. Анча вақт бошини кўтармай ўтирди, рўпарасида осилиб турган саккизта яп-янги пўлат тақани кўриб қолишдан қўрқди шекилли.

Билишимча, дадам шу тобда мендан бир-икки оғиз сўз эшитиш илинжида эди. Лекин мен чурқ этмадим. Шундан кейин ўрнидан турди-да, чиқиб кетди.

У оғир қадам ташлаб, оҳиста борарди.

Мен ҳеч нима дея олмасдим-да.

Меҳмонхонамиздан одамлар жўр бўлиб айтаётган қўшиқ садолари эшитилиб турарди.

«Катта бўлсанг, ҳаммасини тушуниб оласан, ўғлим!» Дадажон, бу сўзларингизни дилимга жо қилиб олдим. Мана энди катта бўлиб қолдим. Энди сиз йўқсиз. Лекин сизга айтмоқчиманки: «Сиз ҳамиша ҳақ эдингиз».

Мен улғайдим. Уша нохуш қиш кунисидаги воқеа учун ҳеч кимни айблай олмайман. Мен энди: «Сизлар

менинг олдимдаям, бир-бирларингизнинг олдингиздаям айбдор эмассизлар!»— дея баралла айта оламан.

Сизлар менинг, яъни ўсмир боланинг оламида эмас, ўз оламингизда, катталар оламида яшардинглар. Бир-бирларингизни яхши тушунган ҳолда, бир-бирларингизга кўмаклашган ҳолда, мен ҳали тушуниб етмаган ўзларингизнинг қонунларингизни ҳимоя қилган ҳолда яшардинглар. Онам айбдор эмас, чунки у сизни се-варди, дада. Чубур ҳам, раис ҳам, тракторчи Сулаймон ҳам, сиз ўзингиз ҳам айбдор эмассиз. Балки шунинг учун ҳам ҳаммаларинг жўр бўлиб қўшиқ айтдинглар. Чубур сизга бўлган меҳри туфайли алдади, лекин қўшиқ айтди. Алданган сиз ҳам қўшиқ айтдингиз, чунки унинг алдови сизни Элия қаршисида гуноҳкор бўлишдан қутқариб қолди.

Агар ўшанда мен ўн икки ёшдамас, каттароқ бўлганимда, эҳтимол, сизлар билан бирга қўшиқ айтган бўлармидим.

Ҳа, дада, сиз ҳақ бўлиб чиқдингиз. Мен катта бўлдим. Ҳаммасига тушундим. Сизларни кечирдим.

Лекин ҳамон бир нарсага ҳайронман: нима учун ҳозир, орадан шунча йил ўтган бўлса ҳам, ўша дам, ўша соатдаги энг нурли онларим, оёқлари узун-узун оппоқ дўнонимизнинг қорли кўчалардан елдек учиб бораётгани кўз олдимдан кетмайди?!

Нима учун той менга яқинлашмай, саробдай узоқлашиб бормоқда?! Энди мен унга: «Алвидо, ўтли, тотли болалик йилларим!»— дея оламан, холос?!

# ҲИКОЯЛАР

---

## ХОЧАЛАЙ БИЛАН ХУР-ХУР

Онамнинг кенжа ўғли — довюрак Аҳматга  
бағишлайман.

**Х**ўтиkning оёқлари ингичка, қорни катта ва оппоқ, ёнбоши билан бели кулранг. Уни Ужар деб аташади, эҳтимол дунёдаги энг мўмин-қобил хўтик шудир.

Ужар онадан сўқир туғилган. У йўлни ҳам, мовий осмонни ҳам кўрмайди. Устидаги юк анчагина оғир. Саккиз кишининг бир ҳафталик емиши — нон солинган саккизта хуржун, икки фляга сув, каттакон этик кийиб олган Хочалай — ҳаммаси унинг устига ортилган.

— Ҳа-чуҳ, Ужарим, ҳа-чуҳ! — дея уни ниқтайди Хочалай, — тўрт туёқнинг тош кўчада тўқиллаши тобора қаттиқроқ эшитилади.

— Эшакни хафа қилмагин, — деганди дадаси Ужарни сотиб олишганда. — Уни эҳтиёт қил, раҳмдил бўл унга.

Хочалай Ужарни авайлайди. Кўчада учраган йўловчилар: «Шундай кал-катта бола пиёда кетавермай, хўтика миниб олганини қаранглар-а!» — деб ўйлаб, Хочалайни койишмасин. Ужарнинг тили бўлганда:



— Эй йўловчи, Хочалайни ёмон бола деб ўйлама. Устимга эндигина минди. Унинг оёғи меникидан икки барабар калта, шунинг учун ҳам у тезроқ чарчайди-да. Бу — биринчидан. Иккинчидан — йўлимиз олис — Хочалай ҳали ишлаб, захмат чекадиган вақт ҳам келади. Қизил қоя довонида мен дам оламан, ана ўшанда Хочалайнинг қора терга тушиб ишлаганини кўрсанг эди. Ҳозирча кучини йигиб бора турсин, — деган бўларди-я.

— Раҳмат сенга, — дейди Хочалай дўстининг яғринига шапатилаб, — ҳамма нарсага яхши тушунасан. Бутун Қорачой музофотида ҳеч кимда сендақа ақлли эшак йўқ. Қизил қояда ям-яшил гиёҳларни маза қилиб ейсан, соя-салқин жойларда дам оласан, мен бўлсам роса ишлайман...

Улар юрадиган йўлни овулдагилар Шайтон сўқмоғи дейишади, чунки бу йўлдан юриш машаққатли. Тўғрироғи, хавфли, лекин йўловчи буни ўйламаслиги керак. Айтишларича, бу йўлдан фақат мард кишиларгина ўта оларкан. Ё бўлмаса шайтон ўтаркан, ўшандаям довюррак бўлса. Эҳтиёткор ва кўрқоқлар учун бошқа йўл ҳам бор. У йўл қоядан-қояга ирғишламайди, бошингга тушиб кетай-тушиб кетай деб турган тошлар йўқ, ўнг томонидаям, сўл томонидаям тубсиз жарлар учрамайди. Кейин у йўл бунақа тор ҳам эмас. Иккита арава бемалол ёнма-ён юраверади, энг муҳими, ўша йўл ҳам Хочалай нон олиб кетаётган манзилга элтади. Тўғри ўроқчилар ишлаётган Боязирга олиб боради. Фақат ўша йўлдан кам деганда олти ёки етти кунгача лой-тупроқ кечиб боришга тўғри келади-да.

Хочалай билан Ужар ҳар ҳафта ана шу Шайтон сўқмоғидан ўтишарди, лекин илгари дадаси ҳам улар билан бирга бўларди, энди эса иккови боришяпти. Улар, икки ёқдан қисиб, устини ҳам беркитиб, тор йўлак ҳосил қилган Қизил қояда жудаям қийналишади-да. Бу ердан на от, на ҳўкиз ўта олади: от баланд, ҳўкиз сиғмайди. Улардан эшак дуруст. Устидаги юкини

тушириб қўйсангиз, Ужар ана шу шайтон эшикдан бе- малол ўта олади, фақат қояларнинг ғадир-будир жой- лари ёнбошидаги жунлардан юлиб қолади. Буни Хо- чалайнинг дадаси «ўтиш ҳақи» дерди.

Қани энди, Ужарвойимнинг қаноти бўлганда, само- лётдан ҳам зўр бўларди-да, деб ўйлайди Хочалай. Ушанда эшакнинг ёнбошидаги жунлар ҳам омон қо- лар, Хочалайнинг ўзи ҳам унинг устидан хуржунлар- ни тушириб, тош йўлакдан инқиллаб кўтариб ўтмаган бўларди-я...

Хочалай эгарга яхшилаб ўрнашиб олади-да, вақти хуш бўлиб, дили яйраб кетади. Нохуш чайқалишга ҳам, туёқларнинг тақ-туқиға ҳам, ҳар дақиқада ўнг томондаги қояга урилиб бораётган фляганинг тақилла- шига ҳам парво қилмайди. Ҳаммаёқ сокин, осойишта. Рўбарўдан эсаётган шабада юзига урилиб, хушёқади, қоялар орасида ҳазин куй чалиб қолади... Лекин бу шамол эмас, деб ўйлайди Хочалай, кўз олдидаги булут- лар тарқала бошлайди. Ужарнинг икки ёнбошига гуп- гуп урилиб бораётган алюмин флягалар қуёш нурида ялтиллаб кетди. Энди булар флягалар эмас, кумуш қа- нотлар бўлиб туюлади Хочалайга. Қайфи чоғ бўлиб кетган Хочалай хиргойи қилади, ўз овозидан чўчиб уй- ғониб кетади...

Ужарнинг битта ёмон одати бор — устидаги одам- нинг кўзи илинди дегунча, жойидан бир қадам ҳам жилмай тураверади.

— Устингга ўликлар ортилгур,— койийди уни Хо- чалай,— дастингдан кўз юмиб ҳам бўлмайди-я, нима, сенингча бу гуноҳми?! Кўзим кетган бўлса, кўчанинг ўртасида тўнкадек туриб олмасдан, уйғот. Нонни эрта- лабга етказиб боролмасак, сен ҳам уятга қоласан-ку, хумпар. Ҳе, Ужар бўлмай кет! Хўп, майли, энди ухла- маганим бўлсин, бирор нарсани ўйлаб кетаман...

Хочалай йўл-йўлакай ўйлаб кетади. Аввалига дунё- даги турли-туман нарсалар ҳақида ўйлайди, кейин

эса — ўзи нон билан сув олиб бораётган ўроқчиларни бирма-бир хаёлидан ўтказади.

\* \* \*

— Ҳой! Шоввозлар!— дейди бақриб ҳар куни азонда энг кекса ўроқчи Домалай.— Хур-хурни тоққа жўнатворинглар. Иш бошлайдиган вақт бўлди. Қани, ҳой, туринглар-ей!!!

Домалайнинг товуши баландлашиб, тобора юқорига кўтариладиган узун йўлда момақалдиروقдек гумбурлаб, кучайиб боради.

Хочалай ўримнинг биринчи куниеқ:

«Хур-хур нима ўзи?»— деб сўраганида, Ҳайдар илжайиб:

— Хур-хур деганимиз миттигина, чайир, қадди эгик одам, кечқурун ёпишиб олади-да, қанча қувсанг ҳам сендан эрталабгача ажралмайди,— деб жавоб берганди.

— Бўлмаган гап,— деганди шунда Хопай.— Хур-хур — зил-замбилдек бесўнақай бир одам, кечқурун устинга ўлигини ташлаб олганча, азонгача босиб ётаверади.

Хочалай яна Хур-хурнинг ҳеч кимга ҳеч қаерда тинчлик бермаслигини, буркага ёки пўстинга ўралиб ётсанг ҳам ундан қутулиб бўлмаслигини, айниқса, дангасаларни осонгина топишини, уларни жуда яхши кўришини билиб олди. Хур-хур фақат совуқ сув билан Домалайнинг овозидан қўрқаркан. Домалайнинг овозини эшитиши биланоқ одамлардан қочаркан. Бир сўз билан айтганда, хур-хур — уйқу экан. Хур-хур келганида кўзни юмиб ётиш, кетганида эса, дик этиб ўриндан туриб, кийиниш керак экан. Хур-хур билан узоқ апоқчапоқ бўлиш ўроқчига ярашмас, уят бўлар экан. Уроқчи тонг отиши биланоқ, шудринг кўтарилмасидан ишга тушиши лозим экан.

— Ҳамма шимдаям иккита поча бўлади,— дерди ёз-

нинг бошида Домалай кузатувларини хулосалаб,— ҳамма кўйлақда ҳам иккитадан енг бўлади, шунинг учун ҳар бир киши, оллоҳнинг иродаси билан кийинишда бошқалардан ортда қолмаслиги керак.

Домалай — ўроқчилар звеносининг оқсоқоли — жийинлар косагули бўлгани учун бекорчи сўз айтмайди, унинг гапини ҳеч ким ерга ташламайди. Шундай бўлса ҳам, ҳамма бараварига кийина олмайди-ку. Ахир денгиздаги балиқлар бир хил бўлмаганидек, одамлар ҳам ҳар хил-да.

Ҳаммадан ҳам Ҳайдар эпчилроқ, у биринчи бўлиб энг охири кийиладиган қордек оппоқ наMAT қалпоғини қозикдан юлқиб олади. Қалпоқ жуда кенг соябонли бўлиб, жазирама кунлардаям ўроқчининг белигача соя ташлаб туради. Ҳайдардан кейин унга ўхшаш ориқ ва эпчил Ҳамид кийиниб бўлади, ундан сўнг эса бошқалар бирин-кетин кийинишади.

Фақат Хочалайнинг отасигина қалпоғини ҳаммадан кейин кияди.

Домалай бекорчи сўз айтмайди, ахир у жийинларнинг косагули-да, лекин баъзан ҳаммада ҳам иккала қўл бут бўлавермаслигини унутиб қўяди. Дадасининг битта — ўнг қўли бор, онаси иккинчи енгини тикиб ҳам ўтирмайди. Баъзан дадаси ҳазиллашиб, фронтда қолдириб келган қўлим соғига қараганда уйга кўпроқ фойда келтиради, мато тежалади, дейди.

Тез ҳам эмас, секин ҳам эмас, ўртача маромда бирдан ўнгача санаб бўлгунча дадам зўр-базўр қалпоғини қозикдан олиб улгуради. Ишлар камайиб қоладиган қиш ёки кеч куз палласида бирдан ўнгача санаш муддати унча кўп вақт эмас, бироқ ёзда, айни ўрим палласида шу муддат ичида чалғини ўн марта тортиш мумкин. Юз марта тортсанг, бир тўп пичан ўрилади-я! Шунанга тўпдан яна тўққизтасини қўшсанг, баланд ғарам бўлади. Тўққиз ғарамни совхозга қолдириб, ўнинчисини уйингга олиб борсанг, сигирингни қиши билан бо-

қиб чиқасан, молинг жудаям хўра бўлмаса, баҳоргача бемалол етади.

Бир куни Ҳайдар Хочалайга:

— Мана шу заранг коса — гоппандаги айронни бир симир-чи, кейин тез кийиниш сирини айтиб бераман,— деб қолди.

Ҳайдар бошқаларга ўхшамайди. Хочалай уни ёқтирмайди. Ким кимдан кейин кийиниб бўлишини фақат у билади, гўё бошқаларнинг кўзи йўқдек.

Заранг косани бўшатиш-ку, ҳеч гапмас, айниқса, қорин оч пайтида. Лекин Ҳайдарнинг ишшайиб турганини кўриб Хочалай индамайди.

— Айронни яхши кўрмасанг, қорачойлик бўлиб қаёққа бординг?— дейди ҳайрон бўлгандек Ҳайдар.— Унда менга синглингни бер.

«Ўзиям сенга тегаман деб кўзи учиб турувди», деган фикр Хочалайнинг калласига энди келиши билан Ҳайдар яна тиржаяди. Унинг битта ёмон одати бор — ҳамсуҳбатининг нима ҳақда ўйлаётганини топа олади.

— Балки синглинг рози бўлмас,— дейди у,— лекин сен уни олқочиб келишинг мумкин. Бурнимнинг салгина катталигини айтмаса, бинойидек куёв бўламан...

«Ҳам қийшиқлигини», демоқчи бўлади Хочалай, лекин гапирмайди. Ичимдагини топ, дегандек жим тураверади. Ҳайдар буни сезиб, юраги тошиб кетади-да, сирни айтишга жазм қилади. У Хочалайга яқинлашиб, қулоғига шивирлайди:

— Даданга айт, агар ҳаммадан олдин кийиниб бўлишни хоҳласа, ечинмасдан ётсин.

Хочалай дадаси ёшлигида ҳеч кимдан, ҳеч қачон орқада қолмаганини яхши билади. Чалғиниям кўплардан яхши тортарди. Кураш тушгандаям қойил қиларди — ҳеч ким унинг курагини ерга тегизмаган эди. Уч яшар буқани елкасига ортмоқлаб, ўн қадам жойгача бемалол олиб борарди... Энди эса дадасининг бир қўли йўқ. У ўроқчилик қилмайди, ўроқчиларга шаҳардан нон

олиб келади, гўшт пишириб беради. Кузда ҳамма ўз улушини олганда дадаси, менга ярим улуш тегиши керак деб туриб олади, бироқ Домалай бунга йўл қўймайди. Кузда қияликдаги чайлаларнинг орқасида ўроқчиларга тегишли пичанлар ғарамланганда, дадасига ажратилган ғарам бошқаларникидан кам бўлмайди. Шунда дадаси жиғибийрони чиқиб жанжаллашади, Домалай бўлса:

— Гапни кўпайтирма. Бир сўм ҳам, битта сомон ҳам кам олиб бўлсан. Яратганнинг ўзига шукурким, уйингда бола-бақранг тиқилиб ётипти, сигиринг пичани бизларникидан кам емайди. Ўзинг яхши ишладинг, ўғлинг Хочалай бўлса, гапнинг ростини айтганда, жуда катта ёрдам берди, умридан барака топсин,— дейди.

Дадаси нима ҳам қиларди, берганларини олади. Ота-бола ёлғиз қолишганда дадаси хурсанд бўлиб:

— Хочалай, ўғлим, мана сен улғайдинг, энди бир қўллим ҳам сезилмаяпти. Қара, қанча пичан жамғарибмиз, барралигини айтмайсанми,— деди.

Хочалай ёз бўйи Боязирда ўзи ҳақида жуда кўп яхши гаплар эшитди, лекин дадасининг мақтови ҳаммасидан ҳам қимматли эди. Айниқса дадасининг, ўғлим, мана сен улғайдинг, энди бир қўллим ҳам сезилмаяпти, дегани ёқади унга. Ҳамма мақтаб турса, ноқулай бўлар экан одамга, нима ҳам дерди!? Чурқ этмай қизариб туравериши керакми, ё бўлмаса, яхши сўзлар эшитиш учунгина куйиб-пишаётганим йўқ, ҳамма қатори ишляяпман, десамикин? Хочалай шу «балли», «қойил, азамат» деган сўзларни эшитиб, қизариб ўтиргандан кўра, жалада ивиб, шалаббо бўлишга, жазирама офтобда куйиб, жизғинак бўлишга рози, ундан кўра икки кечаю икки кундуз ухламай Шайтон сўқмоғидан қадрдон Ўжари билан юравергани афзал. Унга қолса, ҳамма ўроқчилар, ҳатто Ҳайдар ҳам: «Барака топкур Хочалай отасининг бир қўли йўқлигини билдирмаяпти, балли!»— деганлари яхши-да.

Эрталаб ўроқчилар чайлада нонушта қилиб, вақт кетказиб ўтиришмайди. Гира-шира пайтда Домалай уларни уйғотади, ҳали тонг отмасданоқ уйқусираганча пичанзорга йўл олишади. Нонуштани уларга Хочалай олиб боради. Аввалига у хит бўлиб, Ужарни излайди, кейин иккита чарм қопга пиёла, қошиқларни, нонни солади, бир мешга қатиқ, иккинчисига айрон қуяди-да, ҳаммасини қайиш билан эгарга боғлаб, Ужарни ўроқчилар томон йўрттиради. Пиёлаю қошиқлар ялтиллаб туриши, нон икки хил — дўконники ва қорачойликлар ёпган уй нони бўлиши керак. Ҳайдар, Ҳазрат, Хопаё, Ҳамитлар дўкон нонини, Домалай билан бошқалар эса уй нонини яхши кўришади.

Мешларнинг бирида — янгигина ивиган, сал нордон қатиқ, бошқа мешда эса сусаб — росаям ачиган, сув қўшилган айрон бўлади. Буниси чанқоқни таққа босади.

Хочалай дунёда айрондан яхши нарса йўқ, деган гапни кўп эшитган. Қорачойликлар унга ҳар кунни камида уч марта чин юракдан раҳмат айтишади... Хочалай айронни уйда ҳам яхши кўрарди, Боязирда эса, у янаям айронхўр бўлиб қолди. Сигир соғишни, сут қайнатишни, совитишни, тобида томизғи солишни, қатиқ маромида етилсин учун ўраб-чирмаб қўйишни — буларнинг ҳаммасини Хочалай Боязирда ўрганди. Ўрганганда ҳам устаси фаранг бўлиб кетди. Энди у айрон тайёрлаш, унинг сифатини аниқлашда ҳам ҳеч кимга сўз бермайди. Фақат бир марта, энди ўрганаётган кезлари янглишганди, ўроқчиларга жудаям суюқ айрон олиб борганди. Айронга кўпроқ сув қўшиб юборган бўлса керак. Ушанда Домалай заранг косани икки қўли билан қисганича, ичидаги айронга узоқ тикилди-да, афсусланиб хитоб қилди:

— Эй, бечора Кубань дарёси, сувинг шунақа оқариб кетибдими-а!

Хопаё ҳам заранг косадаги айронга диққат билан тикилиб:

— Вой, мунчаям тиниқ бу сув, худди ўз аксимни кўзгуда кўраётгандекман-а!— деди.

Албатта, Ҳайдар ҳам индамай турмади. Заранг ко-са унинг қўлига тегиши биланоқ, дарҳол:

— Нима, мен бунда чўмиламанми?!— деб сўради.

Ҳайдар косадаги айронни ичиб юбориб, мўйловини артди-да, шундай хулоса чиқарди:

— Хочалайдан хафа бўлмаймиз. Ҳамма айб Хур-хурда.

Уша-ўша Хочалай Хур-хурга маҳлиё бўлиб, айронни суюлтириб келмайдиган бўлди.

Лекин уйқу дегани хўп ширин нарса-да.

Хочалай эрталаб ўроқчиларни нонушта қилдириб, чайлага қайтади. Пиёда юрса ҳам, Ўжарига миниб ол-са ҳам, Хур-хур изма-из эргашиб келаверади. Қани эн-ди, Ўжар қайсарлик қилмай юраверса-ю, Хочалай бир оз мизғиб олса... Ҳеч иложи йўқ-да. Салгина кўзи ке-тиши биланоқ Ўжар таққа тўхтайтиди, гўё устидаги одам-га Хур-хур ёпишиб олгандек ғаши келади. Шу кўйи агар етти кечаю етти кундуз ухласанг ҳам, Ўжар қур-ғур бир қадам ҳам жилмай тураверади.

Хур-хур Хочалайни йўлдагина эмас, хоҳлаган ерида элтиб, йиқитишга ҳаракат қилади. Хочалай тезак те-раётганидаям, ўтин ёраётганидаям ёки қозонни ювиб, картошка арчаётганидаям Хур-хур ҳамиша ёнида, ба-мисоли елимдек ёпишиб олган. Айниқса, Хочалай гул-хан ёнига ўтириб олиб, қайнаётган қозоннинг биқирла-шига қулоқ солганча, фақат бир нарсани — сутим то-шиб кетмасайди, деб ўйлаётганида Хур-хур бир амал-лаб ичига кириб олгани ёмон.

Ҳайдар-ку, анчадан бери Хур-хурнинг Хочалайни жуда яхши кўришини исботламоқчи бўлиб юрипти. Бу-ни Ҳайдар эмас, бирорта бошқаси исботласаям майли эди! Ҳайдар олдин ўзининг бобосини билиб олсин. Бо-босининг исми Муҳаммад, лекин овулда ўтган йили ўлган икки Муҳаммаддан ташқари яна тўртта Муҳам-



мад бор. Ҳайдарнинг бобосини бошқалар билан адаштириб юбормаслик учун «бармоғи билан қатиқ ивитган Муҳаммад» дейишарди. Ҳайдарнинг бобоси Хочалайдан каттароқми, кичикроқми пайтида томизғи солса бўлиш-бўлмаслигини билиш учун бармоғини сутга тикибди-ю, ухлаб қолибди. Эрталаб туриб қараса, қатиқ ивиб турганмиш. Ҳозир Ҳайдарнинг бобоси соқоли кўксига тушган мўйсафид бўлса ҳам, уни бармоғи билан қатиқ ивитган Муҳаммад, дейишади. Ҳайдар бўлса шу чолнинг набираси эканлигини унутиб, бошқаларнинг устидан кулиб юради.

Шанба куни Домалай Ҳайдарни Хочалайга ёрдамлашиш учун чайлада қолдирди — иккита қўйни сўйиб, гўшт-ёғини, калла-почасини ажратиш керак эди. Очигини айтганда, Ҳайдар аввалига чурқ этмай яхши ишлади. Гўшт пишиб, улар дам олгани ўтиришганда, Ҳайдар, бахтсиз одамман, чунки Домалай мени эркакларга ярашмайдиган иш қилишга мажбур этди, дея нолиб қолди. Гўшт пишириш ҳам, идиш-товоқ ювиш ҳам, нон ташиш ҳам хотинларнинг иши, ҳақиқий эркак ўроқчилик қилиши керак, деди у.

Хочалай кўпдан бери чидаб, ғинг демай келарди, энди тоқати тоқ бўлиб, дилидагини Ҳайдарга тўкиб солди.

Майли, унинг дадаси қучоқ-қучоқ пичанни паншахага илиб, баланд ғарамнинг устига итқитиб беролмайди, ҳатто, қалпоғиниям бошқалар билан бир вақтда кийиб улгуролмайди дейлик, лекин у ҳар қалай мард эркаклардан, бировларга ўхшаб, бармоғи билан қатиқ ивитмаган-ку, битта қўли билан талай ишларни қилади. Ҳадемай ҳўкизларни қайтариб келиб, пичанни ғарамлай бошлашади. Ана ўшанда Ҳайдар дадаси билан куч синашиб кўрсин-чи. Мана, Хочалай Шайтон сўқмоғида нон олиб кетяпти, дадаси бўлса, Боязирнинг жазирама қиялигида ҳамма қатори пичан тўплаяпти, ҳар бир ғарам бўладиган жойга ўн уюм-ўн уюм пи-

чан жамлаяпти. Дадаси ҳайдаётган ҳўкизларнинг тиними йўқ. Ҳўкизлар тик қияликка шитоб билан тирмашиб чиқади-да, унинг буйруғи билан таққа тўхтайди: дадаси эпчиллик билан арқонни чийратиб, катта-катта боғ пичанни маҳкам боғлайди. Боғ-боғ пичан ортилган ҳўкиз арава гоҳ тўхтаб-тўхтаб, гоҳ сакраб-сакраб пастига юради. Қиялик нақадар тик бўлмасин, йўлни катта-кичик тошлар тўсиб ётмасин, арава дадасининг бақувват қўлига бўйсунди.

Хочалай Ужарни эгарлаб, дадасининг ўрнига нон олиб келгани овулга жўнамоқчи эди, Ҳайдар уни овулга юбормасликка тиришиб:

— Дадангнинг бу ерга келишидан фойда йўқ, сенинг эса у ерда нафинг тегмайди. Кечаси Хур-хур эшагингдан ағдариб, йўл четидаги ўт устида ухлатиб қўйса борми, қачон нон келаркин деб кутиб ўтираверамизда, а?— деди.

— Ухлаб қолмайман,— деди Хочалай,— мана кўрасан. Эгарни буёққа бер.

— Балки ухлаб қолмассан ҳам. Лекин Домалай, нега болани ёлғиз юбординг деб, мени уришади. Қоронғида ўт-ўланлардан, дов-дарахтлардан қўрқиб, ўтакаси ёрилиши мумкин-ку, деб қойийди.

— Қўрқмайман. Буёққа бер.

— Балки қўрқмассан, ухлаб ҳам қолмассан. Лекин, Қизил қоядан қандай ўтасан? Узунқулоқ дўстинг у ерда тикилиб қолсин-да, биз йўлингга тикилиб, Хочалаймиз қаерда қолдйкин, деб хавотир олиб ўтирайлик, а?

Афтидан, Ҳайдар ҳозир Хочалайни йиғлаб юборди, деб ўйлаганди, лекин ундай бўлмади. Хочалай:

— Енбошлаб ётганимиз етар. Қани, кел, гўшти офтобга иламиз,— деб қолди.

Ҳафсала билан нимталанган иккала қўйнинг гўшти омборхонага илиб қўйилганди. Сояда гўшт тез бузилади. Ҳайдар билан Хочалай гўштга туз сепиб, олиб чиқиб офтобга оса бошлашди. Хочалай энг охириги бў-

лак гўштни олиб чиқишга кирганида, эгарни олди-да, омборхона ташқарисидаги сунургиўт орасига яшириб қўйди, кейин яна ичкарига кириб, осиглиқ гўштни ололмаепман, қарашвор, дея Ҳайдарни чақирди.

— Ориқ қўй сони эмас, семиз сўқим нимтаси олиб тургандай қиласан-а?!— гўлдиради Ҳайдар истаристамас омборхонага кираркан.

У ичкарига кириши билан Хочалай ташқаридан эшикни ёпди-да, эпчиллик билан қулфни солди. Сўнг голиблардек Ужарни эгарлай бошлади.

Ҳайдар омборхона дарчасидан мўралаб, чиқариб юбор, деб ялина бошлади.

— Ҳали-замон ўроқчилар тушликка келиб қолишади, илтимос қилсанг, чиқариб олишади,— жавоб берди Хочалай.— Фақат нима учун қамалганингни тўғри айт уларга. Мендан хавотир олманглар, вақтида етиб келаман...— деб жўнаб қолди у.

Хочалай ўт-ўланлардан ҳам, дарахтлардан ҳам қўрқмади, Ҳайдар каромат қилганидек, эшакдан ҳам йиқилиб тушмади. Хур-хур қурғур ёпишмаганида ҳаммаси жойида бораётганди. Кеча тунда Хочалай уйқуга бўш келмади, овулга етгунча кўз юммади. Эрталаб у орқасига қайтди. Йўлда келяпти-ю, Хур-хур уни тобора эгарга қапиштириб боряпти, ҳали яна ярим куну бир кеча юриш керак. Кечгача амал-тақал қилиб чидаса бўлади, тунда эса, Хур-хурнинг кучига куч қўшилади. Ким голиб келади? Буни бир оллоҳнинг ўзи билди.

\* \* \*

Хочалай Қизил қояга қоқ пешинда, кун тиккага келганида етиб борди. Ҳеч қаерда тангадек соя йўқ. Қуёш нақ миянгни қиздиради. Хочалай флягадан кружкани тўлдириб сув олди-да, ярмини қулт-қулт ичди, қолган ярмини бошидан қўйди. Муздек томчилар бутун баданидан оқиб тушгани сари, Хочалай Хур-хурнинг ўзидан нари қочаётганини сезиб, қувониб кетди.

— Бисмилло!— деди овозини баландлатиб Хочалай. Ҳар бир қорачойлик бирор ишга киришишдан олдин, ишим ўнгидан келсин, деган ниятда бисмиллони албатта айтади.

Хочалай Ужарнинг устидаги хуржунларни ерга туширди. Улар оғир эмас. Хочалай бир йўла иккитасини кўтара олади, фақат Қизил қоя орасидан тўрт марта ўтиши керак. Флягалар масаласи мураккаброқ. Дадаси уларни битта-биттадан орқалаб осонгина олиб ўтарди. Хочалай эса бундай қилолмайди, шунинг учун у овулдан иккита меш олволган. Ҳар бир флягадаги сувни бўлиб-бўлиб ташишига тўғри келади. У ерда, Боязирда, албатта, бола сувни олиб келолмайди, олиб келса ҳам жуда оз келтиради, деб ўйлашади. Бироқ Хочалай икки фляга лиқ-лиқ сув олиб боряпти. У аввалига, шунчалик узоқ ва машаққатли йўлдан сув ташиб келишнинг нима кераги бор экан, ахир Боязирнинг ҳар бир бутаси остида тиниқ, муздек булоқ бўлса, деб ҳайрон бўларди. Буни дадаси шундай тушунтирди: «Домалай бегона элларда бўлганида, Ватанимга қайтиб борсам, ҳеч қандай куч ташналигимни Кубань сувидан ичиб қондиришга монелик қилолмайди, деб қасам ичган экан. Бошқа ўроқчилар ҳеч қанақа қасам ичмаган-у, лекин шу сувдан ичиб, айронга ҳам шундан қўшишади.

Биринчи мешга камроқ сув қуйилгани учун енгил, кўтаришга ҳам қулай, ичидаги сув билқиллаб елкасига юмшоқ тегади. «Жудаям кам олдим-да,— афсусланиб ўйлайди Хочалай,— янаги сафар кўпроқ оламан». Иккинчи мешга сувни тўлатиб қуяди. У елкада турмай, нуқул тушиб кетаверади. Бунинг устига Хочалайнинг уст-боши шалаббо бўлиб, ўзини нохуш ҳис қилади.

Лекин фляганинг ўзи Хочалайни кўпроқ чарчатди. Унда сув оз қолган бўлса-да, жуда оғир бўлганидан қаддини букиб, елкасини эзади, суяклари зирқираб оғрийди, гардани ачишади, қўллари қотиб қолгандек бў-

лади. Хочалай флягани тез-тез ерга қўйиб, тошлар устидан судраб боради. Темирнинг гумбури, ғижирлаши тош йўлакда акс-садо бериб, етти бор такрорланиб сўнгунича, гоҳ ўнг, гоҳ чап қулоғида узоқ вақт жаранглайди. Хочалай кигиз қалпоғини қанча паст туширмасин, қулоғи остидаги гумбурлаш тинмайди. У ишни тугатган бўлса ҳам тўхтамайди.

Ўжарнинг устига юк ортилиб бўлган, у ўт-ғиёҳларни чирт-чирт узиб еяпти, энди йўлга тушишса ҳам бўлади, лекин Хочалайнинг қуёшда қизиган иссиқ тош устидан тургиси келмайди.

«Ўжар ҳам чарчади, майли, барра ўтдан еб турсин,— деб ўйлайди Хочалай,— мен ҳам бир оз ўтириб дам олай, ҳали вақт бор. Фақат кўзни юммаслик керак». Чунки Хочалай кўзларини юмиши билан Хур-хур рўбарўсига келади-да, елкасига оғир кафтини қўйиб, секин-аста уни ерга босади.

— Озгина ётиб ором ол,— Хочалай Хур-хурнинг ғойибона овозини эшитгандек бўлади.— Остингдаги тош иссиққина, силлиққина...

— Э, қўй-е,— бўш келмайди Хочалай.— Жўна, ўрнимдан турай, кечикяпман.

— Ҳозир ҳайдасанг — кечаси келаман,— пўписа қилади Хур-хур.— Ади-бади айтишиб ўтирма, жиндек мизғиб, ором ол, кейин йўлга тушарсан...

— Жуда айёрсан-а,— бошини сарак-сарак қилиб дейди Хочалай,— жиндек дейсан-у, мени мана шу тош устида кунбўйи қолдиришдан уялмайсан. Сенга ишонмайман, мен сендан қувроқ бўлишим керак.

Хочалай ўнг оёғини Ўжарнинг жиловига маҳкам боғлаб қўяди-да, тош устига чўзилади. У озгина пинакка кетишини, аммо-лекин ухлаб қолмаслигини, Ўжар олдидаги ўтни еб бўлгач, нарироққа силжиб, уни уйғотиб юборишини билади.

Хочалай кўзи кетаркан, шундоққина рўбарўсида Ўжарнинг кирт-кирт ўт чайнаётганини эшитади...

Ёмғир уни уйғотиб юборади. Йирик-йирик томчилар юзига урилиб, ёноқларидан оқади, тошларга урилади... Қуёш хира нур сочиб турибди. У уфққа бош кўйяпти. Илиққина ёмғир бир маромда шивалайди. Қуёш чиқиб турганида ёмғир ёғса, «бўри болалади» ёки «кўр ёмғир» дейишади. Нега кўр ёмғир бўларкан энди? Ахир бу энг тиниқ, энг мусаффо, қуёшнинг юзини юваётган ёмғир-ку? Бундай пайтда ўрмонда мороллар болалайди, дейишади. Бу мўл-кўлчилик ёмғири бўлиб, ҳаммани хурсанд қилади. Хочалай ҳам хурсанд. У юзини ёмғирга тутати, қувончдан юзига табассум югуради. Ана камалак. У худди яқингинасида, тош отса етгулик жойда тургандек, аммо парчалаб юборишдан қўрқади. Кўм-кўк қияликда, камалакнинг шундайгина тагида тўртта ғарам кўкка бўй чўзиб, кумушланиб ёнма-ён турипти. Ғарамлар атрофида эса қўмиқларнинг қалпоғига ўхшаш дум-думалоқ уюм-уюм пичанлар сочилиб ётибди. Нега улар кумушранг, ҳайрон бўлади Хочалай. Бу, эҳтимол, ёмғирнинг ишидир. Ёмғирнинг самодан ерга тортилган кумушранг иплари гўё ерни кўтариб тургандек. Ер ҳам, ундаги тоғу ўрмонлар ҳам, баланд-баланд ғарамлару Хочалай билан Ужар ҳам кумуш рангда. Ажабо!!!

Хочалай хурсанд, чеҳрасидан табассум аримайди. Анча дам олволди, елкаларининг оғриғи, толиққани босилди, оёғининг эски этиги шилиб юборган жойи ҳам оғримаяпти. Қизил қоя ортда қолди, олдинда текис, тўғри йўл.

\* \* \*

Боязирга етганда шафақ сўна бошлаганди. Ужар қияликнинг пичани аллақачон ўрилган сап-сарик пайкалларидан шитоб билан шафаққа пешвоз борди. Қияликнинг энг тепасига чиққанда тўхтади, тонг ҳавосидан тўйиб нафас олди, овозларга қулоқ солди, сўқир кўзларини пастдаги водийга қаратди, у ерда Ужарни муздек булоқ суви-ю, ям-яшил барра майсазор кутар-

ди. Ўжар қимир этмай турди, кейин бўйнини қирмизи осмонга чўзиб, ҳангради. Дара ва сойларга, тоғ тизмаларига, ҳали уйғонмаган Боязирнинг барча ерига бу қудратли, гулдиракдек овоз тарқалиб, тобора авжга чиқди.

Ўжар нима деб ҳангради экан?

У, мени пастда майса-ғиёҳлар, тоза сув кутяпти, юкларим туширилиб, қушдек бўлдим, эркин нафас оляпман, демаётганмикин? Еки Ўжарнинг бу фарёдида менинг абадий қисматим шу, бу оғир юкларни ташишдан қачон қутуламан, деган маъно бормикин? Ёхуд, хайрият, устимга ортилган юк абадий эмас экан, дея тақдирдан миннатдор бўлиб, эшакчасига шукрона айтаётганмикин?

Ўжар қияликнинг тепасида қуёшга пешвоз бораркан, қадамини тобора тезлатади, ниҳоят олдиниға лўкиллаб, сўнг, оёқларим ингичка бўлса ҳам бақувват, дегандек диконглаб чопиб, манзилга интилади...

Хочалай пичан ҳиди анқиб турган чайлада ётибди. Чалқанчасига тушиб олган.

Қуёш чиқди. Шудринг кўтарилди. Туманли тепаликдан нонушта қилгани ўроқчилар апил-тапил тушиб келишяпти. Уларнинг бардам, тиниқ овозлари эшитилади. Хочалай уларни, юзларидаги «балли, ота ўғил!» деган илиқ ифодани кўриш учун кўзини очмоқчи бўлади. Уроқчилар яқинлашиб қолишди, ана, у томон келишмоқда, аммо улардан илгарироқ, илдамроқ, эшитилмас ва кўринмас қадам ташлаб, Хур-хур келяпти — шарафли меҳнатдан кейин уйқу босиб келмоқда.

Хочалай ёниға чўкка тушиб олиб, майин жилмайганча, қулоғига: «Хочалай, сен ҳақиқий ота ўғилсан», дея шивирлаётган Ҳайдарнинг гапини ҳам эшитмайди, ўзини ҳам кўрмайди.

## КУМУШ БОБО

**Б**из Кубаннинг бўйида, жарнинг шундоққина ёқасида яшардик. Сал нарида дарё иккига бўлиниб кетарди. Унг томондагиси тўғрига тез оқар бўлиб, чап томонга бурилгани эса, тегирмоннинг домига қуйиларди. Тегирмон эрта-кеч зилол сувни ютгани-ютган эди. Бу тегирмон тоғ дарёларида кўп учрайдиган одатдаги тегирмонлардан фарқ қилмаса-да, мен учун у сирли ва афсонавий бўлиб кўринарди.

Тегирмончининг ўзи ҳам эртаклардаги сеҳргарга ўхшарди. Соч-соқоли қордек оқлиги устига кийим-боши ҳам тегирмон гардидан оппоқ оқариб кетганидан бўлса керак, одамлар уни «Кумуш бобо» деб аташарди.

Кумуш бобо икки букилиб юрарди.

— Бобо, нега бунақа юрасиз?— деб сўрардик ундан биз болалар.

— Э, сўраманглар, чироқларим, бир куни қийшиқ обкаш ютиб юборгандим,— дея соқолини селкиллатиб куларди.

Айниқса, ўғиллари билан ёнма-ён турганида кекса-лигиям, қадди эгиклигиям жуда сезиларди. Унинг норғул, яриндор, тимқора сочли азамат-азамат уч ўғли бор эди.

Кумуш бобо ўғиллари билан кичкинагина бир уйда яшар эди. Бу уйча эски тегирмоннинг кунгай томони-га жойлашганди. Ёзда уйча узум новдалари ичида кўринмай кетар, куз келиши билан эса, ток кесилгач, худди ердан лоп этиб чиққандек бўларди.

Уйнинг пештоқидаги сап-сариқ кийик шохи қуёшда олтиндек ялтиллаб турарди. Бир вақтлар Кумуш бобонинг ўғилларидан бири Эльбрус тоғи этакларидаги ўрмондан она кийикни отиб келганди. Бобо унинг гўшти-ни ҳамқишлоқларига улашган, шохини эса, бахт ва



омад аримасин дея уйининг пештоқиға қоқиб қўйганди. Ҳақиқатан ҳам ўшандан бери ўзи иззат-ҳурматда, рўзғори бут, ўғиллари эпчил, уддабурон, омадли эди. Фақат бир нарса етишмасди: ўша ёмғирли куз кунида Азроил кампирини олиб кетганидан буён уйида меҳрибон, ғамхўр аёл қўли йўқ эди, холос.

— Уғилларимни уйлантириб қўйсам яхши бўларди-да,— деб ўйларди баъзи-баъзида чол,— экинларим пишиб етилсин-чи...

Мана, арпа етилиб қолди, маккажўхори попук чиқарди, кунгабоқарнинг олтин баркашларида асаларилар ғужғон ўйнай бошлади. Тоғлардаги, айниқса, кунгай қияликлардаги майсалар гуркираб ўсиб, мойчечаклар япроқларини тўкай деб қолди. Ҳар йили шунақа пайтда Кумуш бобо тегирмонини тўхтатиб, ўғиллари билан пичан ўргани тоққа кетарди. У ҳозир ҳам тўртта чалгини шайлаб қўйган эди. Лекин ўримга бориш насиб этмади-да...

Баногоҳ юз берган фалокат кекса тегирмончининг ўчоғидаги бахт ўтини ўчирди-қўйди, бутун соҳил бўйидагиларнинг шодлиги-ю, бахтини поймол қилди. Мен ўзимни ана шу кулфатнинг яккаю ягона айбори деб биламан.

Сўнгги қор эриб, дарё бўйини бойчечаклар тутиб кетиши биланоқ биз — болалар Кубанга югурардик. Тегирмон олдидаги тўғон сув оқимини секинлаштирарди, биз ана шу ерда эрталабдан кечгача дарё сувида мириқиб чўмилардик. Ҳар куни туш пайтида, қуёш тиккага келиб, иссиқ нурларини сочиб турганида, Кумуш бобо пешин намозини ўқиб бўлиб, бизнинг олдимизга келарди.

У тенгқурларимиздан икки бола чиқиб даврада кураш тушишини ёқтирарди. Голиб чиққан бола узоқ вақтгача унга суюкли бўлиб қоларди. Шу ёз суюкли бўлиш менга насиб этди. Чол менга, ҳатто, қамчисини ҳам совға қилди. Ушанда болаларнинг менга қандай

ҳавас қилгани, Кумуш бобонинг айтган сўзлари ҳали-ҳали эсимда:

— Ҳа?! Ҳавасларинг келяптими, шайтонлар?— деганди бобо.— Қасам ичиб айтаманки, ҳавас қилиш жуда яхши. Ҳавас — бамисоли яхши от, уни миниб узоққа бориш мумкин.

Мен ўшанда бахтиёр эдим, аммо болалардан бири, қорачадан келган лўлинамо миқти бола курагимни қаторасига уч марта қайноқ қумга теккизиб, шон-шуҳратимни олди-қўйди. Кумуш бобо менга қиё ҳам боқмади, рақибимга бўлса, хоҳлаган нарсангни сўра, ҳадиа этаман, деса бўладими?! У аввалига уялиб индамади-ю, Кумуш бобо кетгандан сўнг, тегирмончидан совғага кийик шохини сўрайман, деб қолди. Ҳаммамиз тегирмон томонга қарадик. Ботаётган қуёшнинг қирмизи шуъласида ял-ял ёнаётган кийик шохи кўзни қамаштирарди. Ҳамма нима учундир бир лаҳза жим бўлиб қолди ва мен ана шу бир лаҳзалик сукунатда, шохни оламан деб хомтама бўлма, уни сенга олдириб бўпман, деб қасам ичдим.

Қоронғи тушиши, овулга осойишталик чўкиши ҳам-оно мен эҳтиёткорлик билан тегирмонга йўл олдим. Кумуш бобо ҳам, ўғиллари ҳам ухлаб қолишипти. Аста-секин бориб, шохга қўлимни чўздим. Лекин у жуда баландда экан. Аллақандай бир бочкани топиб олдим-да, устига чиқдим, шохнинг учидан икки қўллаб ушлаб, бор кучим билан торта бошладим. Шамол ва қуёш қоқ-қуруқ қилиб юборган эски шох шишадек шиқ этиб қўлимга чиқа қолди.

Шундагина хаёлимга: «Энди шохни нима қиламан?»— деган савол келди. Уйга олиб бориб қўйсам-микин? Йўқ, бўлмайди. Бирор жойга яшириб қўйсам-микин? Топиб олишлари мумкин. Қўп ўйлаб ўтирмай дарё томонга югурдим-у, қулочимни ёзиб туриб, шохни қорайиб оқаётган сувга улоқтирдим. «Билқ» этган бўғиқ шалолашдан чўчиб, дарёдан узоқлашдим. Ор-

қамга қарамай, овул томонга югуравердим. Жарнинг ёқасига, эшигимизнинг тагига келгандагина тўхтаб, на-  
фасимни ростладим. Нариги соҳилдан ой чиқиб келар,  
Кубань шовулла, итларнинг ҳуриши овулнинг тинчли-  
гини бузарди.

«Бахт шохини нега сувга чўктирдим-а?»— деган  
фикр хаёлимдан ялт этиб ўтди-ю, шу зумдаёқ сўнди.  
Уша топда мен бахт ҳақида ўйламасдим, одатда одам  
бахтини уни қўлдан чиқарганидагина ўйлайди. Мен  
бўлсам, бошқа ҳамма болалардек бахтиёр эдим. Уша  
кеча эртасига болалигим тугагини билмасдим-да.

Эрталаб овулга шум хабар келди — уруш бошла-  
нибди. Бунинг нималигини бизга ҳеч ким айтмаган бўл-  
са ҳам, биз — болалар ниҳоятда даҳшатли воқеа юз  
берганини англадик.

Бир неча кундан кейин овул йигитлари фронтга жў-  
нашди. Овул Совети биноси олдидаги майдонга тумо-  
нат йиғилди. Халойиқ ўртасида бўлажак жангчилар,  
улар даврасида эса, Кумуш бобо турарди.

— Йигитлар,— деди у бардам ва баланд овозда,—  
душман келса, уни қурол билан қарши олинади. Қимки  
ўт билан келса, ана шу ўтда унинг ўзи куйиб кул бў-  
лади. Ҳамиша шундай бўлиб келган. Сизлар ҳам бол-  
лаб душманнинг адабини беринглар-да, кейин уйла-  
ринга қайтинглар.. Узларинг биласизлар-ку, тезда  
ўроққа тушамиз, сизларсиз ўрим ўрим бўлармиди?!  
Она тупроғимизни ўз ор-номусингизни сақлагандек сақ-  
ланг, ор-номусингизни эса, ҳаётингиздек ардоқлаб ас-  
ранг! Ғанимлар отларингизнинг думини асло кўрма-  
син. Оқ йўл сизларга, болаларим, оллоҳ сизларга ёр  
бўлсин, илоҳим ғалаба билан қайтинглар.

Кумуш бобо нигоҳини йигитларга қаратди. Улар  
кўпчилик эди. Олдинги қаторда чолнинг уч ўғли турар-  
ди. Кумуш бобо йигитларнинг кўпи билан қучоқлашиб  
хайрлашди, аммо ўз ўғилларини қучоқламади. Бобо-

лар удуми қаттиқ, лекин муқаддас — мард киши одамлар орасида оҳ-воҳ қилиб ўтирса ярашмайди-да.

Овул Совети олдида яна бир неча бор халойиқ тўпланди — тўп-тўп йигитлар фронтга кетаверди. Жуда кўп одам кетди.

Эрталаблари чоллар дарё бўйига тўпланишиб, янгиликларни эшитишар, бир-бирларига тушларини айтиб, таъбирини йўйишарди. Кузнинг узун ва зерикарли кунлари ўтаверди, овулдагиларнинг ташвишлари, хавотирлиги тобора ортиб борди.

Фалокат биринчи бўлиб Кумуш бобога ёпишди. Почта мудури, ҳамиша қовоқ уйиб юрадиган букри Иброҳим фронтдан келган хатларни сараларкан, Кумуш бобо номига келган кўм-кўк қоғозга кўзи тушиб қолди. Почтахона олдида кечгача уймалашадиган хотинлар шивирлашиб қолишди, кейин ўксик фарёд эшитилди.

Букри турган ерида изтироб билан инграб:

— Йиғини бас қилинглар,— дея бир неча бор такрорлади-да, сўнг ўрнидан ирғиб туриб:

— Қани, бу ердан жўнаб қолларинг-чи,— деди ғайритабиий овозда, сўнг уялишни ҳам унутиб, уввос солиб йиғлади. Юзи катта бир кампир, ажинларини кўзёшлари юваркан ўзиними, букриними овутган бўлиб:

— Жойи жаннатда бўлсин ишқилиб, бечора чолнинг қолган икки ўғлини оллонинг ўзи тирик қайтарсин-да,— деди.

— Сизларнинг ҳали ҳеч нарсадан хабарингиз йўқ. Ҳеч кимга айтмаган эдим... Мана бу ҳам тегирмончига келган,— деди инграниб букри.

У қўйин чўнтагидан яна иккита қора хатни олди.

Ўғилларининг ҳалок бўлганини чолдан яшириб келишаётганди. Кумуш бобо эса, ҳар куни хат борми деб почтахонага келарди. Иброҳим уни хотиржам кутиб олишга ҳаракат қилар, ҳатто:

— Отамиз ўқишни билмаганидан кейин хат ёзиб

нима қиламиз, дейишаётгандир-да. Қариган чоғингиз-да саводингизни чиқаришингизга тўғри келади, шекилли,— деб ҳазиллашиб ҳам қўярди.

— Э, қўйсанг-чи, бунинг нима кераги бор, кўришганимизда ўзлари гапириб беришади-қўйишади-да,— дея жавоб берарди Кумуш бобо ҳазин товушда. У Иброҳимнинг олдида намоз асргача ўтириб, кейин кетарди.

Сўнгги пайтларда бобо жойнамоз устида узоқ ўтирадиган бўлиб қолди.

Кейин Кумуш бобо хат ола бошлади.

Кузга бориб чолнинг тоби қочиб, Иброҳимнинг олдига боролмай қолди. Сал тузук бўлса, дераза тагига келиб, тугаётган куз манзараларини томоша қиларди. Том устидаги узум новдалари сийраклашиб, барглари сарғайиб тўкиляпти. Афтидан, тоғ совуғи келаётганга ўхшайди.

Кечалари ўқтин-ўқтин эсган кучли шамол тегирмонга ғувиллаб урилади. Олтинранг баргларни дарё устида чирпирак қилиб учиради. Бефайз, совуқ соҳилга болалар ҳам келмай қўйишган, ёз бўйи болалар ғужғон ўйнаб, чўмилган тўғонда энди ялқов ғозлар қуртқумурсқа тутиб ейишади.

Темирмончининг олдига ҳар куни тушаман. У мени одатда жойида ётганича кутиб олади. Ёстиғи остидаги бир даста хатни олиб: «Қайси бирини ўқиб берай?»— деб сўрайман. «Хоҳлаганингни», деб жавоб беради бобо ва мен хатларни кетма-кет ҳижжалаб ўқий бошлайман. Шунисига ҳам хурсанд, ҳам ҳайрон бўламанки, шундай доно, шундай сезгир бобо бу хатларни қалам қолдирининг учини оғзида ҳўллаб, букри Иброҳим ёзганини пайқамайди...

Борган сари чолнинг мазаси қочаверади. Унинг кўпга бормаслигига ҳамманинг кўзи етиб қолди.

— Уғиллари ҳақидаги бор гапни ўзига айтсакмики,— таклиф қилишди баъзилар.

— Йўқ,— дейишди бошқалар,— бунин билмай қўя қолгани тузук, ўзи шўрлик бу дунёда рўшнолик кўрмади, ҳеч бўлмаса у дунёга тинч кетсин.

Кунлардан бир кун бетоб чол узоқ-яқинларини, таниш-билишларини ҳузурига чорлади. Бутун овул бу ерга йиғилди.

— Охирги намозимни очиқ ҳавода ўқисам,— деди ўлим тўшагида ётган Кумуш бобо. Уни ҳовлига олиб чиқишди.

Куюш чарақлаб нур сочади, ердан ҳовур кўтарилди, паға-паға оппоқ булутлар қўй-қўзилар каби «сувга қонгани дарё томонга ошиқади»...

Бирдан Кумуш бобо намозини бўлди-да, қояли сўқмоқдан ғалати югуриб келаётган Иброҳимга қаради.

У югуриб келаркан, уч бурчакли қоғозни очиб, тегирмончининг ёнига келиб ўтирди:

— Отахон, хат келди... улар яқинда келишаркан...

Унинг овози титрар, йўтали тутарди. У болалигидан ёруғ кун кўрмаган бобо ҳаётининг сўнгги дақиқаларини обод қилмоқчийди.

— Тўхта, ўқима,— тўхтатди уни Кумуш бобо.— Ҳадемай ўзим улар билан учрашаман.

Чол сўнгги кучини тўплаб, букрининг елкасига қўлини қўйди-да, уни қучоқлаб тутила-тутила:

— Раҳмат, жон болам. Мен ҳаммасини биламан. Сен йиғлаётганинга мен эшик тагида тургандим... ўшанда, почтахонангда... Ҳаммасини биламан,— деди.

Инсон ўлими яқинлашаётганини пайқаганим учун эс-ҳушим учиб қолган экан, бобонинг сўзларидан хивич егандек ҳушёр тортидим.

— Бунинг ҳаммасига мен айбдорман, шохни сувга мен ташлаганман,— деб қичқириб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Кўзларимдан ёш тирқиради.

Менинг қичқиригимдан оломон чўчиб тушди. Ку-

муш бобо бўлса, бошини мен томон бурди-да, пичирлади:

— Хайр, бўтам... сен жуда кучли боласан. Сен маррага ҳаммадан олдин чопиб борасан... Уруш тамом бўлиши биланоқ ёнимга чопиб кел! Қабрим устида: «Уруш тугади!— деб қичқир... Албатта кел, шунда мен гўримда тинч ётаман...»

Бу бобонинг сўнги сўзлари эди. Мен унинг қабрига энди югуриб бориб: «Уруш тугади!.. Энди ҳечам уруш бўлмайди!.. Гўрингизда тинч ётаверинг, азиз бобожон!..»— дея бақирганимга ҳам кўп йиллар бўлди.

## АЛИБЕК—ДИГАЛАС ЎҒЛИ

**У**ни кўрган одам сап-сариклигидан бу рус боласи бўлса керак, деб ўйлайди. Лекин янглишади. Чунки у ғирт қорачойлик.

Бувиси «жоним болам», «кўзларимнинг нури», «қароғим», дея эркалаб, ер-кўкка ишонмайди, чунки жудаям яхши кўради-да. Онаси бўлса, «бизнинг боқувчимиз» деб ардоқлайди, чунки у хонадоннинг ишга яроқли ягона эркаги.

Абдулла отани ҳисобга олмаганда, ҳамма уни Алибек деб атайди.

Алибекларнинг узоқ қариндоши ва энг яқин қўшниси бўлган Абдулла ота унга жуда ғаройиб исм қўйган— Сомон Шайтон деб чақиради уни. Ҳамма Сомон Шайтон дегани нимаси, деб ҳайрон бўлади.

— Ҳой бола, сенинг бирор жойда тек турганингни ҳеч ким кўрганми ўзи?— деб такрорлашни яхши кўради Абдулла ота.— Бир қараса уёқдасан, бир қараса буёқдасан. Бўзчининг мокисидек уёқдан-буёққа югурга-

нинг югурган. Сен шайтон бўлмай ким бўлсин?! Худо ҳақи, шайтоннинг худди ўзисан... Шайтон бўлгандаям оддийларидан, яъни шохдор, жундор, қоп-қораларидан эмассан, Сомон Шайтоннинг ўзисан... Қалланг қанақалигини биласанми ўзинг?! Ақлли каллам бор деб хомтама бўлма, гап ақл устида кетаётгани йўқ. Сочингни бунақа рангга бўяш кимнинг иши? Бамисоли қуёшда ялтиллаётган сомонга ўхшайди-я... Худди сомон гарамини эслатади бошинг, фақат кичикроқ, дум-думалоқ гарамни...

Алибек бу гапларга хафа бўлмайди.

Абдулла отанинг гапича, қишлоқдагиларнинг ҳаммаси шайтон... Чўлоқ қоровул Зовурнинг ўғлига Скелет Шайтон деб лақаб қўйган. Чунки Зовур жуда ориқ-да. Зовурнинг бир амакиваччаси бор, унинг тескариси, хўппа семиз. Бочка Шайтон деб атайтиди. Темирчининг ўғли Хорун қорамағиздан келгани, сочи тимқора бўлгани учун Мўркондан чиққан Шайтон деган ном олган. Алибек Абдулла отадан ҳечам хафа бўлмайди. Урганиб кетган. Фақат чол дадасининг отини тўғри айтмаганига жаҳли чиқади, холос. Дадасининг исми Умар, буни ҳамма яхши билади. Қорачойликлар тилида айтадиган бўлсак, Алибек Умар ўғли дейиш керак. Бироқ Абдулла ота, ким билсин, бу сўзни қаёқдан ўйлаб топган, Дигалас ўғли дейди. Бу Алибекка ҳечам ёқмайди. Дигалас дегани бирам хунук, ёқимсиз сўзки, одамга алам қилади. Дигалас сўзининг маъносини ҳамма яхши билади. Қорачойлик қорачойлик билан учрашиб қолса:

- Ассалому алайкум алан!<sup>1</sup>
- Ваалайкум ассалом!
- Хўш, ишлар қалай?

---

<sup>1</sup> Қорачойликлар бир-бирларини кўрганда шундай мурожаат қилишади, кўнгина олимларнинг айтишича, улар алан деган тарихий қабиланинг авлодлари экан (Муаллиф изоҳи.)



— Э, сўрама — гапиришга ям арзимайди. Дигалас деявер... Хўш, ўзингники-чи, алан?

— Меники ҳам дигалас!..— дейди.

Тамом-вассалом. Демак икковининг ҳам иши чатоқ. Ё соғлиғининг мазаси йўқ, ё пичани тамом бўлиб, энди эчкисини нима билан боқишга гаранг, ё бўлмаса уни тамом бўлай деб қолган... Бир сўз билан айтганда, дигалас — «иш чатоқ» деган маънони билдиради, шундай бўлгач, Дигалас ўғли дегани, иши чатоқнинг ўғли, дегани-да. Нега энди Алибек иши чатоқнинг ўғли бўларкан? Абдулла отага тушуниб бўлмайди-да. Алибек шу ҳақда илгарилари ҳам кўп ўйлаганди, бугун ҳам ўйлаяпти, мана, қишлоқдан чиқишибдики, шу ҳақда ўйлайди...

Улар жуда барвақт йўлга чиқишди. Бувиси ҳали бомдод намозини ўқимай туриб, ғира-ширада уларнинг от қўшилган ченаси йўлга тушганди...

Ҳозир улар йўлнинг атиги ўндан бир қисмини бошишди. Абдулла ота: «Сомон Шайтон, Дигалас ўғли», деявериб жонга тегди-да... Алибек оғзини юмиб, лунжини шиширганча индамай борарди. «Яна бир марта айтадиган бўлса мен ҳам айтадиганимни айтаман», деб аҳд қиларди-ю, лекин ҳар сафар бунга ботина олмасди, чунки у Абдулла отани яхши кўрар, ҳурмат қиларди-да.

Алибек секин-аста чолдан нари сурилиб, унга орқасини ўгириб олди-да, пўстинга яхшироқ ўралиб, момиқ қор устида қолаётган силлиқ чена изларига тикилди...

Чена енгил сирғаниб елади. Қари, чайир от уларни қиш уйқусида ётган бепоён даштдан елдириб болади.

Ҳаммаёқ қор... Ҳозир, осмон ёришиб келаётган пайтда қорнинг ранги оқ эмас. Бамисоли куюқ сутга ўхшаш сарғимтил қор дашт узра ястаниб ётади. Қуёш чиқмасдан унга қараш ёқимли, қуёш кўтарилгач эса,

миллион-миллион учқунлар ялт-юлт қилиб қор устида ғужғон ўйнайди, қараб кўзинг қамашади.

— Ухлаяпсанми?— орқасига қарамай сўрайди Абдулла ота.— Ё зерикдингми? Нега жим бўлиб қолдинг?

Алибек жавоб бермайди. Секин даштдан кўзини узмай, алланималарни ўйлаб боради. Хаёллари ўзига бўйсунмайди, тутқич бермайди. Нима ҳақда ўйлаётганини ўзи ҳам аниқ билмайди, билгиси ҳам келмайди. Эҳтимол, шу дамда у қор нима учун бунақа сарғимтил, деб ўйлаётгандир? Ёхуд мана шу теп-текис дашт нима учун бунчалик бепоён, унинг боши қаерда-ю, охири қаерда, дея ўйлаётгандир? Абдулла ота тинмай узун қамчисини ўйнатаверса, қари, чайир от эса чарчамай, ўнгга ҳам, чапга ҳам бурилмай, мана шу йўлдан тўғрига кетаверса, қаерга бориб қоларкинмиз? Бу йўл охири ҳеч қаердан ўтиб бўлмайдиган баланд ва тик тоққа олиб борса керак. У ердан фақат учиб ўтиш мумкин... Қизиқ, нега Абдулла ота айтганидек тоғларда қамиш ўсмас экан-а? Бу ерларда ўсади-ку... Жуда кўп ўсади, бутун қишлоқ ана шу Бўрисойдан қамиш ўриб, уйларига олиб кетади, у ҳаммага етади. Қиши билан печкага ёқиб чиқишади, том ёпишади, ҳовлиларининг атрофига девор қилишади, ҳар хил бўйра-бордон тўқишади, яна турли-туман ҳожатларига яратишади, лекин қамиш жонивор ҳеч тамом бўлмайди. Тоғда қамиш ўсмаса, у ердаги одамлар қандоқ тирикчилик қилишаркин. Томларини нима билан ёпишади-ю, печкаларига нима ёқишади? Абдулла отадан сўрасамикин? Йўқ, у ҳозир Алибекни ухлаяпти деб ўйлаяпти, майли, шундай деб ўйлайверсин... Аммо лекин бу чолни алдаб бўпсан, у орқасига қарамасдан ҳам кўраверади...

— Хўш, болакай, жим бўлиб қолдинг, совуқ қотдингми?— худди Алибекнинг фикрини уққандек сўрайди чол.— Дадил бўл, Сомон Шайтон, ҳадемай

қуёш чиқади-да, совуқни қувади... Бугун иссиқ бўлади, ҳув ана, уфқ четидан қирмизи аланга кўтарилиб келяпти, кўряпсанми?

Шарқ томондан қўринган ингичка заррин ҳошия ер билан осмоннинг чегарасини белгилаб балқиди... Уша ёқдан уларга мусаффо тонг пешвоз чиқиб келмоқда эди.

— Қор ёгади,— дейди Абдулла ота ана шу заррин ҳошияга қараб,— қор қалин тушади! Бўрон туриши мумкин...

Абдулла ота айтдими — бўлмай қолмайди: чол тонгда оқшомги об-ҳаво қандай бўлишини, оқшомда эса, тонгги об-ҳаво қандай бўлишини аниқ айтиб бера олади. Алибек бунга шубҳа қилмайди.

— Лекин сен қўрқма, Дигалас ўғли,— давом этади гапида Абдулла ота.— Кечгача ҳаво ўзгармайди. Оқшомда уйингда бўласан. Мен ҳам қўй-қўзиларим ёлдига етиб оламан. Кексалар билиб айтишган-да: «Барвақт турганнинг бияси эрта туғади», деб. Биз сен билан барвақт туришга эринмадик, шунинг учун мўлжаллаган ишимизни қилишга улгураамиз. Ишимизни дўндириб қўйганимиздан кейин, бўрондан қўрқишнинг ҳожати қолмайди, шундай эмасми ахир?

Кечқурун бошланадиган бўлса, бўрондан қўрқишнинг нима кераги бор. Пешингача қамишларни ўришади, боғ-боғ қилиб бойлаб, ченага ортишади-да, Алибек уйига жўнайди. Абдулла ота бўлса, колхоз қўйлари қишлайдиган эски фермаларга қараб кетади. Ота ўз ихтиёри билан қишин-ёзин мана шу қўй-қўзиларга жавобгарликни бўйнига олган. Кечгача Алибек ҳам қамишни уйига етказиб келади, Абдулла ота ҳам қўйларни тўйғазиб, суғориб олади. Бу режа, албатта, амалсиз ошади. Лекин қачонгача Алибек Умар ўғли эмас, Дигалас ўғли бўлади?

Агар Абдулла отанинг ўрнида ҳозир бошқа одам бўлиб, у Алибекни Дигалас ўғли деганда: «Сиз ўзинг-

из ўшанақа!»— дея жеркиб берган бўларди. Абдулла отага эса бундай деёлмайди. Одобдан бўлмайди.

Алибек жим боради. Абдулла ота гоҳ хиргойи қилади, гоҳ бирор нарсани сўрайди, гоҳ ўзича алланималар дейди...

Қуёш чиққанига анча бўлганига қарамай, дашт ҳали уйғонгани йўқ. Ҳамон жим, ҳамон уйқуда... Йўл ҳам, яккам-дуккам баргсиз дарахтлар ҳам, онда-сонда жўриниб қоладиган пастак буталар ҳам тепачалару чуқурчалар ҳам — ҳамма-ҳаммаси мана шу оппоқ совуқ салтанат оғушида қотиб қолгандек. Тиқ этган товуш, ҳаракат йўқ, фақат ченанинг қорни ғирчиллатиб бориши, қари отнинг пишиллаши, ичининг ғўлқиллаши ва туёқ товушларигина эшитилади. Яна чолнинг туриб-туруиб аллақандай қўшиқни хиргойи қилаётгани эшитилиб қолади, Алибек бу маъноси тушунилиши қийин бўлган қўшиқдан: «Орай-дарий-да-ра-ра-ра! Эрий-ра-ра-ра-о-рай-да!»— деган товушларнигина ажрата олади, холос.

Улар темир йўлга етиб келишганда тўп-тўп қарғалар қулоқни қоматга келтириб қағиллашиб кўтарилишди-да, нарироққа бориб истар-истамас қўнишди. Ҳозир бу дашти азимда ана шу ялқов қарғалардан ўзга жон зоти йўқ шекилли, ўзиям.

Темир йўлни кесиб ўтадиган жойнинг чап томонида, уч юз қадам нарида ҳовуз бор. Бир вақтлар у катта ҳовуз бўлган, ҳозир эса саёзланиб қолган. Унинг қирғоқларида қор босган терак ва самбиттоллар кўзга ташланади. Музлаган сув четида ёнма-ён турган учта уй оқариб кўринади. Уртадагиси — каттароқ, икки ёнидагилари кичикроқ. Қишлоқдагилар бу жойни Ҳовуз деб аташади. Темир йўлдан поездлар ўтиб турган пайтда Ҳовуз гавжум эди. Кейин одамлар бирин-бирин кетиб, фақат бир чол — темир йўл қоровули қизи билан қолди. Алибек ҳамма бу чолни Моргунов деб аташини, қишлоқдаги каттаю кичик ундан қўрқшини

биларди... Гарчи темир йўл ҳозир, айтишларича, на одамларга, на поездларга керак бўлмаса-да, Моргунов ҳамон уни қўриқлар эди. У елкасига милтиғини осиб олганча, ҳар куни шу йўлдан неча километрлаб юрарди. Лекин бари бир секин-аста йўлни вайрон қилиб боришарди: гоҳ битта шпал йўқ бўлиб қолар, гоҳ иккитаси ғойиб бўларди. Моргунов бўлмаганда-ку, темир йўлдан аллақачон ном-нишон қолмасди-я. Илгарилари Алибек Ҳовузда гоҳ Моргуновнинг ўзини, гоҳ унинг қизини, гоҳ аллақандай меҳмонни ёки дам олиш учун чолниқига кирган йўловчини кўриб қоларди. Катта уйнинг дарвозасидан овози бўғиқ, думи кесилган сержун ит худди ўз ишининг ҳеч кимга кераксизлигини билгандек беҳафсала ириллаб жонга тегарди.

Ҳозир Ҳовуз ҳам тош қотган. Теракнинг новдаси ҳам қимир этмайди, самбиттолнинг қуриган танаси ҳам ғижирламайди...

Улар Ҳовуздан узоқлашишгач, жимликни бузиб, қўққисдан хўроз қичқирди.

Бу қичқирқдан Абдулла ота бир ирғиб тушди. У орқасига ўгирилиб, хўроздан кўзини узмаганча ҳайратомуз деди:

— Во ажаб, анавинга қара. Росаям ҳафсала билан қичқирдим! У ҳам сариқ экан, сен сариқни кўриб хурсанд бўлганидан қичқириб юборди!..

Алибек ҳозир кулиб юбориши ёки ҳазиллашиши мумкин эди-ю, аммо ўзини тийди, кулишга чоғланган лабларини маҳкам қисиб, лунжини шиширди. У энди Абдулла отадан ранжиб юрганини яширмақчи эмасди. Чол бўлса, ҳеч нима бўлмагандек яна минғирлаб хиргойисини давом эттираверди: «Орай-да-рий-ра-орий-ра...». Бўрисойгача хиргойи қилиб борди... Бу хиргойини от ҳам, анча баланд кўтарилиб қолган қуёш ҳам, Абдулла ота чапдастлик билан ишлаётган пўлат ўроқ ҳам, ана шу ўроқнинг ўткир тиғига дуч келиб қулаётган қамиш ҳам, қишнинг илиқ кунларидаюқ тинч-

лик ва сукунат оғушига чўмган Бўрисой ҳам тинглаяпти.

Баҳор, ёз ва куз кезлари Бўрисой бу бепоён даштнинг энг обод, энг гавжум, энг сершовқин жойи ҳисобланади... Бу ерда жон-жониворлар — йиртқич бўридан тортиб то ўт орасида зўрға кўзга чалинадиган қўнғизгача, қурбақаю турналар, тулкию илонлар, чиябўрию ёввойи ўрдаклар, қундузу чивинлар, лойхўраклар — ҳамма-ҳаммаси гимирлаб қолади. Ботқоқликнинг жамики паррандаю даррандалари — ранг-баранглигию юриш-туришининг ўзига хослиги билан ажралиб турувчи турли-туман махлуқот олами бир ерда истиқомат қилишига ҳайрон қоласан киши. Улар ўзларича жанжаллашишади, ярашишади, ўзларича куйлашади, рақсга тушишади... Ҳа, Бўрисойда ёзин-кузин ғалати-ғалати товуш ва рангларга дуч келасан. Гулларнинг ранг-баранглиги-чи?! Қишда гулларни қор босади, теварак-атроф осуда бўлиб қолади. Ана шунда Бўрисой ҳувиллаб, ундан файз қочади. Сарғайган қиёқлар секин-аста эгилиб, қор остида мудрайди, сув музлайди, муз исканжасидаги қамиш эса, изғириндан худди егимчалардек зорланиб фарёд чекади, унинг дол қомати музда акс этади...

Қамишнинг музлаган пояси қишда мўрт бўлиб қолади, ўроқ тегди бас, шартта-шартта йиқилаверади...

— Бунақа қамишни таёқда ўрса ҳам бўлади,— дея ҳазиллашади Абдулла ота ўришни тобора тезлатаркан... У чалғини ҳар тортганида бир бойлам қамиш ўрилади. Алибек уйда тайёрлаб келган қиёқдан эшилган арқон билан уларни боғлаб улгура олмайди... Унинг иккала қўли совуқ қолади, гўё қамишнинг совуғи унинг қўлларига ўтади, лекин бадани ёнади, Алибек тердан ҳўл бўлган кўйлаги орқасига ёпишаётганини сезади. Абдулла ота ҳам терлаб кетган: мўйна телпагининг четидан бамисоли қайнаётган қозондан чиққандек ҳовур кўтарилади...

Абдулла ота билан Алибек юз боғдан зиёд қамишни ченага ортиб, йўғон арқон билан яхшилаб боғлашгандан сўнг тушлик қилгани ўтиришди. Бу пайтда ҳали қуёш тиккага келиб улгурмаганди.

Олиб келган тушликлари зўр бўлмаса ҳам яхши меҳнатдан кейин жуда тотли туюлади... Оппоқ қорға ёзилган тоза оқ рўмол устида иккита зогора нон, бир бош саримсоқ пиёз ва туз...

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!— деб нон тишлайди Абдулла ота.

— Бисмиллоҳи...— такрорлайди чолга эргашиб Алибек ҳам зогора нондан оғзига соларкан.

Узоқ чайнаган луқмасини ютгач, Абдулла ота жилмайиб:

— Бугун жудаям камгап бўлганингни ўзинг ҳам пайқагандирсан-а, Сомон Шайтон? Қунбўйи энди овозинг чиқди-я,— дейди.

— Ҳа,— дейди Алибек чайнашни қўймай.

— Нима, ҳа?

— Пайқадим.

— Синчков одам бўладиганга ўхшайсан. Бу яхши...

— Ҳа!— дейди Алибек оғзидаги нонни ютаркан.

— Нима, ҳа?

— Шунақа одам бўламан.

Абдулла ота чайнашдан тўхтаб Алибекнинг кўзларига ҳайрат билан тикилади:

— Сенга нима бўлди, болам?! Нега мунча хомушсан? А? Ё эшагинг ўлдими?

— Тц!— бошини чайқаб жавоб беради Алибек.

— Нима, тц!

— Улгани йўқ...

— Хўш, унда нима бўлди сенга ўзи, а? Ё мен билан гаплашишга хушинг йўқми?— деб сўрайди Абдулла ота қўлидаги нон бурдасини рўмол устига қўяркан.— Нима бўлди ўзи?

— Ҳеч нима, дадамни Умар ака дейишади. Мен Умар ўғлиман.

— Жуда яхши. Сен Умар ўғлисан... Хўш, нима бўпти?

— Менга анави сўз ёқмайди...

— Қайси сўз?

— Дигалас.

— Э, ҳа-а! Гап буёқда дегин,— дейди чўзиб Абдулла ота.

Икковлари чурқ этмай нон чайнашда давом этишади. Нонуштани қилиб бўлишадиям, ўринларидан туриб, ченалари томон юришадиямки, чурқ этишмайди. Алибек чена устига чиқиб, жиловни қўлига олгандан кейингина, Абдулла ота унга қамчинни узата туриб, гапга оғиз очади:

— Эсон-омон етиб ол, йўлинг бехатар бўлсин, болажон,— дейди Абдулла ота.— Шошмай юр, отни кўп чоптирма. Тез чарчайди. Кўприкка етганда, унга бир оз дам бер. Қиялик унча тик бўлмаса ҳам, отга оғирлик қилади — сирғанчиқ-да: тақалари ейилиб кетган, яхши ушламайди... Мендан эса хафа бўлма,— қўшиб қўяди чол бир оз ўйланиб тургач.— Хўпми? Отангинг исми жуда чиройли исм, ўзи ҳам олтин одам. Сен ҳам, болам унинг исмига муносиб ўғилсан. Анави сўзни энди сираям оғзимга олмайман... Мен у сўзни шунчаки айтардим-да, чунки сенинг ҳам, дўстларингнинг ҳам ҳаёти мақтарли эмас. Сен ҳам, Бочка Шайтон ҳам, Скелет Шайтон ҳам, анави Мўркондан чиққан Шайтон ҳам — ҳаммаларинг оғир ҳаёт кечиряпсизлар. Нима ҳам қилардик — ҳозир уруш пайти! Ҳаммаларингнинг оталаринг, Дигалас. Бу оғир ботадиган сўз, лекин ҳақорат бўлиб туюладиган жойи йўқ асло. Агар бундай ўйлаб кўриладиган бўлса, ҳатто яхши маъноси ҳам бор: Дигаласнинг ўғиллари ҳеч қачон заиф, ношуд эркак бўлиб ўсишмайди... Дигалас уларни эрталаб бар-



вақт туришга ҳам, кеч ётишга ҳам ўргатади... Мен, оппоқ соқолли мўсафид шундай фикрдаман...

Абдулла ота яна нимадир демоқчи бўлиб, ўнг қўлини кўтарди-ю, аммо айтишни лозим топмади шекилли, шу заҳотиёқ туширди... Сўнг яна қўлини силкиди, бу Алибек билан хайрлашгани бўлса керак...

Алибек чолнинг орқасидан индамай қараб қолди.

Абдулла ота бийдай даштда ҳорғин қадам ташлаб, тобора узоқлашиб борарди. Ҳаммага ёрдам берадиган бу меҳнаткаш одамга раҳмат айтиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди-я. Мана, ҳозир ҳам унга раҳмат айтиш Алибекнинг эсига келмади.

Алибек узоқлашиб бораётган мўсафиднинг орқасидан тикиларкан, овозининг борича:

— Абдулла ота! Мен сиздан хафа эмасман! Мен сизни яхши кўраман!..— деб қичқиргиси келди.

Юзига айтолмаган гапингни қичқириб айтиш янаям қийин бўларкан.

\* \* \*

Алибек деган боланинг қамиш ўриб келиш учун боргани ҳақидаги ҳикояни шу ерда тўхтатсак ҳам бўларди. Илгарилари ҳар сафар энг қизиқ ҳангомалар шу чоққача юз берарди — у кечқурун уйига эсон-омон етиб келиб, қамишни туширгач, отни эгасига топширарди-да, ухлаб ором олиш учун ўрнига ётарди...

Бироқ бу гал омади келмади.

Унинг бахтига ҳеч қандай қўрқинчли воқеа рўй бермади-ю, фақат қуёшнинг ҳароратидан кун исиб кетиб, қор эрий бошлади. Ер олачалпоқ бўлиб, отнинг юриши қийинлашди.

Кечга бориб, шундай қаттиқ совуқ бўлдики, эриган қор музлаб, ер яхмалак бўлиб қолди. Отнинг юриши янада оғирлашди. Тақаси муз устида тойиб, ҳар томонга каловланиб зўрға борарди.

Иўл азоби — гўр азоби, деганлари шу экан-да.

Оқшом тушганда Алибек одатдагидай уйига эмас,

Йўлнинг қоқ ярмига — кўприк ёнига эндигина етиб келган эди. Анҳор унча чуқур эмасди, суви аллақачоноқ музлаб қолган, лекин иккала қирғоғи тик бўлгани учун кўприкдан ўтишдан бошқа илож йўқ эди. Кўприк олди дўнглик бўлиб, дармони қуриган от шу дўнгликка чиқиши керак эди. От шўрлик қанча тиришмасин, тақалари сирпаниб, уни қайтадан пастга олиб тушиб қўярди. Алибек отнинг муғамбирлик қилмаётганини, тиришаётганини кўриб турса ҳам, ғазабдан эмас, отнинг ғайратига ғайрат қўшиш учун қамчинни ишга солади. У қамчинни отнинг боши устида узоқ айлантиради-да, сўнг тер босган таранг сағрисига туширади. Отнинг сағриси энг оғримайдиган жойи бўлади — буни Алибек яхши билади. Отнинг адабини бериб қўймоқчи, жонини ачитмоқчи бўлишса, унинг белига, ёнбошига уришади. Баъзилар бошига ҳам уради.

От Алибекни тушунмайди. Қамчи ейиш алам қилади шекилли, бошини орқага буриб Алибекка таънали кўзларини тикади.

«Ҳали шунақами!» — деяётгандек бўлади унинг ёшли кўзлари.

Ана шу айтилмаган икки оғиз сўз Алибекка аямай туширилган қамчиндек қаттиқ тегади. От узоқ вақтгача Алибекдан нигоҳини узмайди. Алибек хижолатли кўзларини ерга қаратганича от бошини олдинга буради. Шундан сўнг жонивор охирги куч-ғайратини тўплаб, дўнгликка чиқиб олишга уринади, яна бўлмайди. Яна эски тақалари панд беради.

Алибек энди битта йўл қолганини фаҳмлайди: қамишни тушириб, бўлиб-бўлиб ташиш керак.

Алибек бошидаёқ эринмай шундай қилганда-ку, ҳозир кўприкнинг нариги ёғида бўларди-я. Қанча вақти беҳуда кетди. Лекин у буни энди тушунди. У ченадаги қамишнинг бешдан тўрт қисмини ерга туширди. Юки енгиллашгач, от дўнгликка осонгина чиқди...

Қоронғи тушганига анча бўлиб қолган, даштнинг

совуқ туни бошланганди. Алибек буни қамишни ташиб бўлганидагина пайқаб қолади. У қамишни яна ченага ортиб, арқон билан маҳкам боғлайди. Энди йўлга тушса бўлади, энди унга ҳеч нарса халал беролмайди... Тезроқ йўлга туша қолсайди, лекин оти қаёққадир ғойиб бўлибди. Алибек сўнгги боғ қамишларни тахлаётганида от турувди.

«Шу орада юргандир-да,— дейди ўзини юпатиб Алибек.— Келиб қолар... Ахир мени ярим йўлда ташлаб кетмас...»

У отнинг қайтишини узоқ кутади. Кейин от сув ичгани кетган бўлса керак, деб ўйлаб, музлаб ётган анҳор ёқалаб пастга қараб юради. Торгина жарликда булоқ бор, у қирчиллама совуқда ҳам яхламайди... Бу ерда ҳам на отнинг ўзи, на изи кўринмайди.

«Хафа бўлибди-да,— деган фикрга келади Алибек,— мени кечира олмай, қишлоққа кетибди-да».

Алибек хўрсиниб қўяди. «Оббо сен-ей!.. Энди нима қилдим ...Сени қувиб етишим керак, менсиз овулга кириб борсанг, ҳамманинг кайфини учуриб юборасан... Хаёлига ҳар нарса келиб, бувимнинг йиғи бошлаши тайин... «Болани жувонмарг қилишди, кўзларимнинг нури сўнди. Одамлар, бошимизга фалокат тушди! Отнинг ўзи ёлғиз келди!..»— деб ярим кечада бутун овулни бошига кўтариб, ҳаммани оёққа турғзади, боламини топиб келасанлар, деб туриб олади. Онам йиғламайди, у ҳеч қачон йиғламайди, онам пастки лабини тишлаганча, тишини тишига қўйиб, дарду аламларга бардош бера олади. Қанчалик қаттиқ фарёд чекиб йиғлаш керак бўлса, лабини шунчалик қаттиқроқ тишлайди... Дадам урушдан қайтгандаям онамнинг кўзларида ёш кўрмаганман — фақат лаблари қон эди. «Кўзёшим,— дейди у,— аллақачоноқ қуриб бўлган». Иккала синглим ҳам кўзёшларини кўрсатишмайди, ёнмаён, бир-бирларининг пинжигга тиқилиб ўтириб олишганча, дадамники сингари кўм-кўк, катта-катта кўзла-

рини гоҳ бувимга, гоҳ онамга, гоҳ дадамга тикиб жавдиратаверишади. Бувим билан онам ҳам дадамга жавдираб қарашади. Лекин дадам индамайди. Даҳанини муштлири орасига олиб, пешонасини тириштирганча кўзларини юмиб ўтиради. Дадамнинг кўнгли нотинч бўлса, гўё ҳамма нарсани яхши кўра оладигандек кўзларини юмиб олади. Ҳозир ҳам қимир этмай ўтирган дадам фақат битта нарсани — мени, йўлни... мана шу қиш тунида ниҳоятда оғир, узун бўлиб кетган йўлни, яккаю ягона ўғли, хонадоидаги ўзидан кейинги биттаю битта эркак ҳисобланган ўғли босиб ўта олмаган йўлни кўраётгандир...» — деб ўйлаб кетади у.

Дадаси ҳозир шу йўлни хаёлан қадам-бақадам, чақиримма-чақирим босиб ўтади. Чана солган торгина издан, фалокат қаерда содир бўлдикин, ўғлим қаерда қолдикин, дея кетаверади... Дадаси ичини ит тирнаётганини хотинлардан яшираётган бўлса-да, ранги оқариб кетган, юзи ташвишли. Буни Алибек жуда яқиндан кўриб тургандек бўлади, шу топда у овози дашт узра парвоз этиб, қор уюмлари оша, тун қоронғилиги оша ўзларининг пастаккина кулбаларига, қадрдон жигарлари қулоғига етиши учун:

— Мен бу ердаман, соғ-саломатман, ҳеч қандай фалокат юз бергани йўқ, фақат отим қочиб кетди... У ҳозир Маматхон аканинг ҳовлисида бўлса керак, кетиб қолганига пушаймон қилаётгандир ўзиям... Мен уни уялтирмайман, ўзим айбдорман, қўрадан олиб чиқаман, холос. Маматхон ака ўзи сўрамаса, унга ҳеч нарса демайман, мабодо сўраб қолгудек бўлса, ҳаммасини бир бошдан ётиғи билан тушунтириб бераман, у мени айбламайди, Умарнинг ўғли лапашанг экан, деб ўйламайди ҳам... — деб шундай бақиргиси келадики.

Алибекнинг кўз олдида тун пардасини ёриб, Маматхоннинг Абдулла отаникига ўхшаш оппоқ соқолли хушрўй чеҳраси намоён бўлади...

Анчадан бери ёғаётган қор янада зўраяди.

— Қандай қилиб кетиб қолганини пайқамай қолдим-а,— ўзига-ўзи ҳайрон бўлади Алибек.— Абдулла ота ваъда берган — у келади. Яхшиямки, ҳали бўрон тургани йўқ...

Алибек юриб кетаётиб қўлларини олдинга узатади, кафтларига қор учқунларининг қўнаётганини ҳис қилади. Атроф қоп-қоронғи, жим-жит. Шунчалик жим-житки, ҳатто, қўнаётган момиқ қор учқунининг товушини ҳам эшитиш мумкиндек.

Алибек сукунатни ҳис қилиб, бирдан тўхтайтиди. Уни ваҳима босади. Шунча юрса ҳам нега қишлоқ кўринмайди? Нега ҳеч қандай товуш эшитилмайди? Қани энди, узоқда бўлсаям бирор уйнинг чироғи кўринса, бирор итнинг вовиллаши эшитилса... Бироқ, на чироқ кўринади, на товуш эшитилади. Қанчалик тикилиб қарамасин, қанчалик диққат билан қулоқ солмасин, бари бир зим-зиё, сокин тун ва тун рангига бўялган қордан бошқа ҳеч нарса кўринмайди...

Алибек деярли чопиб бораркан, бутунлай адашиб кетганини сезиб, яна тўхтаб қолади: оёғи остида қалин қорнинг одатдаги ғирчиллашини эмас, шағалнинг ғижирлаганини эшитади... Ие! Қип-қизил даштда шағал нима қилади? Ё бу темир йўлга тўкилган шағалмикин? Алибек ўзига ишонмай, энгашиб пайпаслаб кўради. Ҳа, ростданам темир йўлнинг ўртасида турган экан. Тезроқ юрилса, темир йўлдан уйигача бир-бир ярим соатлик йўл. Алибек бундан икки соат бурун темир йўлдан ўтгани-ку, яна қандай қилиб бу ерга келиб қолдйкин?

«Балки бу ҳаммаси тушдир», деб ўйлайди-да, яна қор остидаги рельс ва шпалларни тимирскилаб кўради. Қўллари совуқ қолади, кафтини пешонасига босганча қимир этмай туриб қолади. Шу турганча боши ҳам, оёғи ҳам йўқ дашт ўртасида, энди ҳеч кимга керак бўлмайдиган темир йўл устида унсиз учиб тушаётган қор учқунларига маҳлиё бўлиб қолади...

Алибек йўловчини ҳалок қилиш учун йўлдан оздириб, тинкасини қуритадиган ёвуз жинлар, шайтонлар ҳақидаги фикрлар миясига ёпирилиб келаётганини сезиб қолади... Уларни хаёлидан қувишга қанча ҳаракат қилмасин, бари бир ёпирилиб келаверади...

Бувиси айтиб берган бир ҳикоя эсига тушиб кетади. Унинг буваси худди шунақа зим-зиё тунда тоғдаги ўтовдан тушиб келаётиб адашиб қолибди, қаттиқ совуқ экан — роса совқотибди. Шу пайт ногаҳон узоқда ёниб турган оловни кўриб қолибди-ю, отнинг бошини ўша ёққа бурибди. Яқинроқ бориб қараса, бир уй турганмиш. Уйнинг ичи иссиқ бўлиб, у ерда дўстлари, танишлари, ҳамқишлоқлари ўчоқ ёнида ярим доира ясаб ўтиришганмиш. Ўчоқдаги биқиллаб қайнаб турган қозонда эса, гўшт пишаётганмиш. Бувисининг буваси шунчалик совқотган, очиққан эканки, ўйламай-нетмай ўтирганлар билан саломлашибди-ю, уларнинг ёнига ўтириб, исиниб, гўштнинг пишишини кутибди. Одамлар гангир-гунгур суҳбатлашиб ўтиришибди. Буванинг хаёлига эса ҳеч қандай ёмон фикр келмабди. Ниҳоят қозондаги гўшт пишибди, ундан бир бўлагини бувага узатишибди. Бува гўштни кумуш идишдаги саримсоқ солиб тайёрланган айронга булаб: «Бисмиллоҳи раҳмонир раҳим!»— деб оғзига олиб бориши билан уй ҳам, одамлар ҳам ғойиб бўлибди. Шундагина бува шайтон уни йўлдан ёзғирганини билиб қолибди.

Унга уй бўлиб кўринган ер каттакон ғор, қўлидаги қўй гўшти эшакнинг тезаги, одамлар эса шайтонлар галаси экан. Ҳаммаси қоп-қора, сержун, оёқлари эчкининг оёғига ўхшаш шайтонлар экан. Бува уларнинг кўзлари ёнаётганини, сап-сарик сўйлоқ тишларини иржайтириб туришганини кўрибди. Улар товуш чиқармай кулишар, бувани калака қилишар экан. Бува бисмиллони иккинчи марта айтганида шайтонларнинг башаралари хира тортиб, кўзларидаги ўт сўнибди, бирдан бўрон туриб, қоялар гумбурлаб кетибди, шайтонлар

бўлса инграниб, бақириб-чақириб бир-бирларини сўк-канча, қуюн билан бирга осмонга кўтарилибди-да, зимзиё тун бағрига кириб ғойиб бўлибди... Бува бундай қараса, жийрони жар ёқасида қилтириқ новдага боғлоглиқ турганмиш — бир қадам жилса, асфаласофлинга кетиши аниқ эмиш...

Алибек, қани, оёғим остидаги темир йўл ғойиб бўлармикин, деган ўйда «бисмилло»ни айтишга чоғланди-ю, ўзини зўр-базўр тийиб қолди... У йўлдан адашиб кетганини биларди. Энди йўлни топиб олиш керак. У темир йўлни кесиб ўтадиган жойдан бошланади, кейин тўғрига юраверилса, овулга борилади...

Айтишга осон. Йўл-ку топилди-я, лекин энди гап уни йўқотиб қўймасликда. Алибек шу йўлдан тўғрига кетишга қанчалик уринмасин, бари бир гоҳ ўннга, гоҳ чапга қийшайиб кетарди. Баъзан эса, кўзга кўринмас шайтонлар йўлни унинг оёғи остидан бошқа томонга олиб қочаётгандек бўларди. Гоҳида Алибек шартта орқасига қарагиси келарди-ю, лекин ўзидан-ўзи уялиб, бу шаштидан қайтарди. У орқасида ҳеч қандай шайтон йўқлигини билса ҳам, орқасига бир қараб олиш истагини даф қилолмас эди. Баъзан бу хоҳиш ўрнини бошқа истак эгалларди — бирдан чалқанчасига ётиб олмоқчи бўларди. Шундай қилса, катта кирза этигининг пошнаси шайтоннинг нақ пешонасига теккан бўлармиди, бундай ҳазилни кутмаган шайтон эсанкираб қолармиди? Аммо шайтон бўлмаса-чи?!

Алибек хотиржам қадам ташлашга ҳаракат қиладди. Ҳатто, Абдулла отанинг қўшиғини хиргойи қила бошлайди: «Орай-да-рий-да-ра-рий-ра-ра!»

Ун метрча юргач, Алибек қўли билан ерни пайпаслаб кўради, қор қатлами юпқа бўлса, демак, адашмаган, қор қатлами қалин ва таги қаттиқ бўлса, адашгани. Алибек қанчалик адашмасликнинг эҳтиётини қилмасин бари бир адашиб қолади. У яна қўли билан гоҳ ўнг томонни, гоҳ чап томонни пайпаслаб кўради, лекин

бу сафар йўлдан анча узоқлашиб кетганини фаҳмлайди-да, турган жойида қотиб қолади...

Қор бўралаб ёғяпти. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи, жимжит. Қимсасиз даштнинг ўртасида якка ўзинг қоққан қозиқдек тураверсанг, бундан ёмони йўқ. Бошинг оққан томонга кетай десанг, бу ҳам чатоқ, манзилдан узоқлашиб кетишинг ҳеч гап эмас...

Алибек узоқ туриб қолади. Яна орқасига қарагиси келади. Балки ҳозир катта-кичик шайтонлар кўзларини унга тикиб, сўйлоқ тишларини иржайтириб, орқасидан келишаётгандир. Балки бу ўша бувага эшак тезатини едирмоқчи бўлган шайтонлардир.

Алибек орқасига қарамасликка жазм қилади. Туришса туришаверсин, нима, шундай кенг даштда уларга жой камлик қилармиди?! Алибек учун улар туриптими, йўқми, бу аҳамиятсиз, лекин битта нарсани жудаям билгиси келади: ҳозир улар тишларини иржайтириб, масхара қилишяптимикин ёки жим туриб, уни кузатишяптимикин?!

Нима бўлса ҳам қараш керак, деган қарорга келади Алибек. Мўйна телпагини бошидан олиб, қорини яхшилаб қоқади, нимагалигини ўзи ҳам билмаган ҳолда телпагини ўнг қўлидан чап қўлига, сўнг яна ўнг қўлига олади ва шундан кейингина шартта орқасига қарайди. Ҳеч қанақа шайтон-пайтон йўқ, буни ўзи ҳам яхши билади. Уларнинг йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилиш учун бир неча қадам олдинга юради, шу пайт узоқда аллақандай бир нуқта кўрингандай бўлади. Бу албатта шайтон эмас, деб ўйлайди у. Хўш, бўлмаса нима? Нуқта тобора катталашиб, Алибек томон яқинлашаверади. Қорнинг ғирчиллагани эшитилади. Даштда турли ҳайвонлар изғиб юриши мумкин. Бўри ҳам, айиқ ҳам. Лекин одатда бўрилар гала-гала бўлиб юришади. Айиқ эса бунақа пайтда инидан чиқмай қишлайди... «Балки отим қайтиб келаётгандир,— бирдан қувониб кетади Алибек,— балки инсофга келиб қай-



таётгандир...» Йўқ, афсуски, бу от эмас, бошқа нарса...

Алибек ерга қапишиб ётиб олганча, қулоқ солади. Қелаётган от эмас, одамга ўхшайди... Қоронғиликда одамнинг бўй-баста тобора равшанроқ кўрина бошлайди, у яқинлашгани сари Алибекнинг кўнгли тинчланаверади. Ҳалиги одам қарийб ёнига келиб қолади, Алибек секин ўрнидан туради, лекин у одам Алибекни пайқамай, ўтиб кетади... Шундоққина ёнидан, икки-уч қадам наридан ўтиб кетади...

Одам борган сари узоқлашаверади, яна бир дақиқадан сўнг у ғойиб бўлади...

— Ҳей!— чақиради узоқлашаётган одамни Алибек.

Ҳалиги одам тўхтаб, қоққан қозиқдек қотиб қолади. Анча вақт туради, кейин яна йўлида давом этади.

— Ҳей!— яна қичқиради Алибек.

Одам яна тўхтайди. Қимир этмай туриб қолади. Сўнг катта-катта қадамлар билан югура бошлайди. Алибек энди аҳмоқона «Ҳей!» дан кўра тузукроқ гап топиш кераклигини англайди.

— Ҳей!— қичқиради Алибек.— Отимни қидириб юрибман. Сен кўрмадингми?! Отимни, деяпман...

Одам тўхтайди. Унинг ёнига борган Алибек қорачойликларга хос одат бўйича:

— Сафарингиз бехатар бўлсин, омадингиз келсин, алан...— дейди.

«Саломат бўлинг», деб жавоб бериши керак бўлган йўловчи миқ этмай тураверади. У ҳатто нафас ҳам олмаётганга ўхшайди.

— Омад ҳамиша ёр бўлсин сизга, йўловчи,— дея такрорлайди Алибек узоқ сукутдан кейин. У саломига мутлақо кутилмаган жавобни эшитади:

— Бир оз ўзимга келиб олай, қароқчи. Омад эмиш-а, ўтакамни ёриб юбординг-ку... Ҳе қашқирга ем бўлсин, ўша отинг!.. Ҳеч қанақа от-пот кўрганим йўқ. Қичқирганингда юрагим шундай уриб кетдики, гўё йилқи уюри чопиб кетаётгандай бўлди... Сен қаёқдан

пайдо бўлдинг ўзинг? Ердан чиқдингми? Ё ёғаётган қор билан осмондан тушдингми?..

У жаҳл ва ғазаб билан гапиради. Нотаниш одам гапдан тўхташи биланоқ, ҳаммаёқ яна жимжит бўлиб қолади. Бу жимликни нотаниш кишининг қўққисдан янграган қаҳқаҳаси бузиб юборади. Қаҳқаҳа баъзи-баъзида бир лаҳзагина пасайиб, кейин яна баралла янграйверади...

Алибек ўзи ҳам сезмаган ҳолда уйга қўшилиб кула бошлайди, олдинига секинроқ, кейин қаттикроқ, охири бор овози билан кулади. Тун оғушига чўмган даштда икки киши бир-бирларига жўр бўлишиб, телбалардек қаҳ-қаҳ уриб кулишади.

— Бўлди, бас қил!— бирдан кулгидан тўхтаб дейди нотаниш киши.— Мен нима десам, шуни сўзма-сўз такрорла. Бисмиллоҳи раҳмонир раҳим!

— Бис-мил-лоҳи-раҳ-мо-нир-ра-ҳим!!!— дейди дона-дона қилиб Алибек.

Яна дашт узра қувноқ, шодон қаҳқаҳа янграйди.

— Мана энди жин ҳам, шайтон ҳам эмаслигинга ишондим. Кел, танишайлик. Қимсан ўзинг?

— Сомон Шайтонман. Ҳазиллашаётганим йўқ. Қўшнимиз Абдулла ота шундай деб от қўйган менга. Дадам Умар ака, Умар Адей ўғли. Балки танирсиз?..

— Худди кечагидек эсимда, онангга уйланаётганида росаям рақсга тушгандим-да. Ахир бу тўй яқиндагина бўлувди шекилли, тўйда чалинган куй садолари ҳали қулоғимдан кетгани йўқ. Буни қара-я, сен туғилиб, ўсиб, вояга ҳам етибсан. Умр тез ўтипти, болакай, физиллаб ўтиб кетяпти. Бирор рўшнолик кун кўрмабмиз-а, умримиз эса ўтиб кетяпти. Лекин нолимаймиз, эркакмиз-ку, ахир. Мени танимадинг, а? Бунга ажабланмайман. Чунки бунақа зим-зиё тунда ота-онангни ҳам таниб олиш осонмас... Мен Маҳмуд Биркўзман, эшитмаган бўлсанг, яна баъзилар Маҳмуд Қўшбармоқ, баъзан эса, Маҳмуд Чўтир ҳам дейишади. Мана, қў-

лимни ушлаб кўр, учта бармогим йўқ, энди юзимни силаб кўр, мана бу ерда илгари кўз бўлганди, манави чуқурчалар чечакдан қолган ёдгорлик. Яхшиямки ҳозир қоронғи, кундузи кўрганингда, шайтон деб ўйлаб, кўрқиб кетардинг... Қўшни хотинлар болаларини менинг отимни айтиб кўрқитишади... Лекин болалар менадан унча кўрқишмайди, кўрганда ҳайрон бўлиб қараб туришади, холос... Бироқ сен бола, мени чиндан ҳам кўрқитиб юбординг, ҳар қалай, бу ерларга қандай келиб қолдинг ўзи?

Азамат гавдали, бақувват, овози йўғон бу киши Алибекка ёқиб қолади. У жудаям қувноқ, дилкаш экан...

Алибек қаердан келганини, адашиб қолганини, ҳозир қаерга бориши кераклигини жўшиб-тошиб гапириб беради...

— Бу ердан қишлоқ олис, ўзинг боролмайсан,— дейди Маҳмуд.— Мен сен билан борардим-у, лекин тонг отишига оз қолди, ҳозир қиладиган ишимни тонг отганда қилиш мумкинмас... Тушуняпсанми? Тушунмайсан-да... Хафа бўляпсанми? Йўқ, хафа бўлма. Майли, нимагалигини сенга айтаман, лекин ҳеч кимга гапириб юрма, хўпми? Сенинг ўша қари кўшнингдан ҳам кекса бир ғариб кўшним бор. Уйини иситишга ўтини йўқ. Совуқ қотяпти. Темир йўлга бориб, битта шпал олиб келишим керак. Ҳозир қор бўралаб турибди, бу айни муддао. Юр, бирга бориб, оламиз-у, қайтамиз. Тушундингми? Моргунов деган ярамас чол бор, кўриб қолса борми, битта чириган шпал учун орқангдан қишлоққача бориб, жанжал кўтаришдан, шармандаю шармисор қилишдан тоймайди... У издан ҳам топиб олиши мумкин, аммо ҳозир қор ёғиб турибди, ҳеч қандай изпиз қолмайди. Келишдикми? Хўш, нима дейсан?

— Майли,— дейди Алибек.— Сиз билан бирга бо-  
раман...

— Агар мана бундай қилсак, янаям яхши бўларди.

Ҳозир бориб Моргуновнинг уйини тақиллатасан-да, Ҳовузда тунайсан, мен бўлсам ишни битираман-у, тўппа-тўғри Маматхонниқига бораман, эрталаб яна ҳеч нима кўрмагандек шу ерда бўламан. Отингни олиб келаман, кейин ченангни тортиб кетамиз...

Алибек рози бўлмайди, албатта уйга боришим керак, деб туриб олади. Лекин шу кеча у уйига бора олмайди. Темир йўлнинг шундоққина олдида, кесиб ўтиладиган жойдан йигирма метрча берйда юпқа муз қоплаган булоқни кўрмай қолиб, белигача сувга тушиб кетади.

У шунда ҳам Маҳмуднинг гапига кирмаслик йўлини қилмоқчи бўлади, лекин Маҳмуд қатъий оҳангда:

— Қани, Ҳовузга марш! Бу офицернинг буйруғи. Мен старший лейтенант, танкистман, сен бўлсанг, оддий пиёда аскарсан, холос. Сенинг вазифанг, кийимларингни қуришиб олиш, айниқса, пайтавангни яхшилаб қурит, пиёдага энг кераклиги шу, қолгани бўлаверади... Кейин ухлаб, дам ол. Отинг эрталаб ёнингга бўлади...— дейди.

Ҳовуз одатдагидек сукунат оғушида. Шунинг учун деразанинг секингина чертилгани ҳам қаттиқдай туюлади. Уй ичида чироқ ёниб, хотин кишининг:

— Ким у?— деган овози эшитилади.

— Мен, Алибекман,— деб жавоб беради бола.

— Ҳозир, ҳозир,— дейди аёл мулойимлик билан.

— Ким у?— дейди бу гал эркак киши бўғиқ овозда.

«Бу Моргуновнинг овози», деб ўйлайди Алибек.

— Кимлигини билмадим-у, бир йигитча бўлса керак,— жавоб беради аёл.

«Буниси Моргуновнинг қизи Варя бўлса керак», деб ўйлайди Алибек.

Гарчи Варя зулфинни шиқиллатаётган бўлса ҳам: «Қани, оч-чи, кимлигини кўрамиз», деб буюради Моргунов бўғиқ товушда.

Алибек иссиққина уйга киради-ю, керосин лампа-

нинг ёруғидан кўзлари қамшиб, ўртада туриб қолади.

— Дадажон, буни қаранг-а,— дейди Варя қўлларини бир-бирига ураркан, ундан кўзини узмай,— дадажон, қарасангиз-чи...

— Кўряпман,— дейди Моргунов бамайлихотирлик билан, лекин унинг овозида ҳайрат оҳанги сезилади.

— Миттивой! Қор одамча! Қор бола!— бидирлаб кетади Варя уни ечинтиришга киришаркан.— Телпаги қор, пўстини қор, қошлариям қор... Вой худойим-ей, дадажон, ҳаммаёғи ҳўл-ку бунинг. Этиги, шимлари жиққа сув...

Варя жағи гапдан тинмаганча, бир зумда унинг эгнидаги кийимларини ечиб олади. Навбат шимига келганида эса, Алибек қаршилиқ кўрсата бошлайди...

— Ҳаммаёғинг ҳўл-ку, шалаббосан-ку,— уни кўндиришга уринади шимини тортқиларкан Варя.— Чўмилишга топган вақтингни қара-ю... Торт қўлингни, ечмасак бўлмайди...

Алибек шимини маҳкам ушлаб олганча ечтирмайди, лекин Варя бўш келмайди. Шу чоққача индамай ўтирган Моргунов Алибекнинг жонига оро киради:

— Йигитчани уялтирма,— дейди дўриллаб,— лампани ўчир.

— Овқатлантириш керак уни. Вой шўрим!— дейди Варя яна қўлларини бир-бирига уриб. Қотиб қолибсан-ку, лабларинг кўкариб кетибди. Қорнинг ҳам тоза очгандир... Тезроқ кўрпага кир, овқатни ўринда ейверасан... Хўроз гўшtidан иссиққина қовурдоқ билан боқаман сени... Фақат шимингни тезроқ еча қол, жонгинам, бўла қол... Мен тескари қараб тураман...

Алибек иссиқ ўринда, олдида эса ажойиб таом — қовурдоқ.

У Моргуновга бу ерда нима қилиб юрганини, ҳозир ченаси қаерда турганини, оти кетиб қолганини, даштда қандай адашганини айтиб бераркан, кўнглидан: «Бунақа таомни кўпдан бери емагандим, оғзимга

солсам эриб кетяпти-я. Ҳар қалай хўрозни сўйишибди-да, жуда чиройли эди жонивор. Ҳозир Абдулла ота шу ерда бўлганида борми: «Сариқ-сарикни еяпти...»— деб тоза кулган бўларди...»— деган фикр ўтади.

— Қимнинг ўғлисан, сарик?— сўрайди ундан Моргунов.

— Адей ўғли Умар аканинг ўғлиман...

— Даданг қаерда?

— Уйдалар! Ҳозир ухламай мени кутиб ўтирган-дирлар...

— Гарданига тушириш керак эди унинг,— дейди бирдан тутақиб Моргунов.— Муштдек болани даштга жўнатиб, ўзи иссиққина уйда ўтирипти-я...

Алибек чайнашдан тўхтади.

— Тц!— бошини сарак-сарак қилади у Моргуновга галати қараш қилиб.

— Нима «тц?»— сўрайди Моргунов.

— Дадамни уриш керак эмас...— дейди секингина Алибек.— Даштга кела олмайдилар. Урушдан қайтганларидан бери ҳамиша уйдалар. Оёқлари йўқ...

— Нега йўқ?— ҳайрон бўлиб сўрайди Моргунов.

— Мана бу ерларидан буёғи йўқ!— Алибек кўрпадан оёғини чиқариб, тиззадан сал юқориқни кўрса-тади-да, йиғлаб уборади. У ёш боладай ҳўнграмайди, кампирлардек ювос солиб ўтирмайди, унсиз йиғлайди— онасига ўхшаб пастки лабини тишлаб, кўзларидан дув-дув ёш тўкиб йиғлайди... У кўзёш тўкишни истамаса-да, ўз-ўзидан қуюлиб келаверади, аллақандай кучли дард, унга бўйсунмайдиган бир ҳис йиғлашга мажбур қилади. Балки бу ҳис Алибек шу кеча бепоён совуқ даштни енга олмаганининг, балки оти унга хиёнат қилганининг аламидир, балки қор остига яширинган йўл азоби-ю, йўл даҳшатидандир, балки ҳозир пастаккина кулбасида кўзларини чирт юмиб, маҳкам тугилган муштларига даҳанини тираганча ўтирган дасанинг хомуш юзини тасаввур қилаётгандандир...

Варя лампани ўчиради. Алибекни юз-кўзларидан ўйиб, бағрига босади, малларанг сочли бошини силаркан: «Кўй, укажон, йиғлама, кўй», дейди-ю, лекин ўзи ҳам йиғлайди.

Алибек Моргуновнинг лаҳза сайин мулойимлашиб бораётган дўрилдоқ овозини узоқ вақтгача эшитиб ётади: «Ҳа, бу уруш туфайли одамлар кўп нарсани йўқотди — сенинг отанг оёғидан, кимнингдир отаси қўлидан ажралди. Кўплар жонларини қурбон қилишди, мана, қизим Варя эса, севганидан жудо бўлди. Лекин уруш тезда тугайди, ғалаба куни албатта келади, одамларнинг турмуши яхшиланади. Энди ухла, ўғлим, — дейди Моргунов, — яхши тушлар кўргин, худо хоҳласа, ҳаётинг яхши бўлади...»

Алибек ана шу эркаловчи товушдан эриб ухлаб қолади, роса мириқиб, қаттиқ ухлайди. Уйғонганида ҳам шу товушни эшитади...

— Ташқарига қара, бўтам! — дейди Моргунов. — Ченангни кўргани борувдим, қарасам, отинг ҳам ўша ерда боғлоғлиқ турибди. Қимдир олиб келиб, боғлаб кетганга ўхшайди, қорда оёқ излари қолибди. Отни ченага қўшиб, буёққа олиб келавердим... Энди бора қол, яхши бор, дадангга салом айт, яна унга мен — кекса Моргунов сен машакни мақтаганимни, ҳақиқий эркак экансан, деганимни ҳам айтиб қўй!..

Алибек деразадан қараса, қамиш ортилган ченаси, йўлга шай бўлиб оти турибди.

Даштнинг нариги четидан қуёш ажиб нур сочиб чиқиб келяпти, чўл бағрида ястаниб ётган оппоқ қор қуёш нурларида жимирлайди.

Алибек қўлу оёқларига қайтадан куч кириб келаятганини ҳис қилади, қалбида бу кунга миннатдорчилик туйғуси жўшиб, мавж ураётганини туяди. Мана шу қуёш нурларини сочавераркан, ер юзиде ҳамма нарса албатта, яхши бўлиб кетади, деган фикр онгида тобора мустаҳкамланиб бораётганини сезади.

На узбекском языке

**МУССА БАТЧАЕВ**

**Э Л И Я**

Ташкент, издательство  
«Ёш гвардия», 1980 г.

«Современник» нашриётининг  
1976 йилги нашридан таржима  
қилинди.

Редактор

М. Фозилова

Рассом

Т. Жамолиддинов

Расмлар редактори

Э. Валиев

Техн. редактор

Л. Буркина

Корректор М. Юнусова

ИБ № 649

Теришга берилди 11.08.1980 й. Бо-  
сишга рухсат этилди 8.12.1980 й.  
Формати 70×108<sup>1/8</sup><sub>2</sub>. 1-босма қоғозга  
«Литературная» гарнитурда юқори  
босма усулида босилди. Босма лис-  
ти 3,0. Шартли босма листи 4,2.  
Нашр листи 4,254. Тиражи 45000.  
Буюртма № 3997. Шартнома № 21—80.

Баҳоси 25 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Коми-  
тети «Ёш гвардия» нашриёти, Тош-  
кент, 700129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети  
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ  
орденли босмаҳонаси. Тошкент,  
«Правда Востока» кўчаси, 26.

Б  $\frac{70303-160}{356}$  (04)—80 100—80 4803010000